



# ФАН ВА ТУРМУШ

Шоди КАРИМОВ


## СУЌИРЛАР

«Кўзи сўқирдан қалби сўқир ёмон»  
(Ўзбек халқ мақоли)

Ўзлингиз англайсизму, сўқирлар,  
Хурлик, эрки таплайсизму, сўқирлар,  
Виждонингиз тинглайсизму, сўқирлар,  
Сиз ким билан қалби ожиз, сўқирлар.

Ё қул бўлиш бизга ота меросму,  
Ботир ўғлон эрк деб наъра тортмасму,  
Эл юрт учун жонин ўтга отмасму,  
Сиз ким билан қалби ожиз, сўқирлар.


Халқим ўйлаб юрак-бағрим қон бўлди,  
Хайҳот, бу юрт манқуртларга қон бўлди.  
Бизда қачон хурлик шараф шон бўлди,  
Сиз ким билан қалби ожиз сўқирлар.



Мусаввир Уста ВАЛИ

ДУШАНБЕ





## ЎзССРФА ИНСТИТУТЛАРИДА

**Ў**збекистон жумҳурияти Фанлар академиясининг У. Орифов номидаги Электроника илмгоҳининг зукко олимлари назарий фан муаммолари билан бир қаторда амалиёт жабҳасида ҳам талай тадқиқот ишларини олиб боришмоқда. Жумладан, фан доктори Эркин Абдукаримов раҳбарлигидаги электрод олди жараёнларини ўрганиш лабораториясининг илмий ходимлари электр разрядлари ёрдамида металлга қайта ишлов бериш ишини янада осонлаштириш мақсадида мутлақо янги йўналишда электр разрядли дастгоҳ яратишга муваффақ бўлишди.

Суратларда: шу илмгоҳ муҳандиси Манзураҳон АҲМАДЖОНОВА спектрометр асбоби ёрдамида юпқа парда тузилишини тадқиқ этмоқда.

Қуйидаги суратда эса электр нураш жараёнларини ўрганиш учун яратилган махсус мослама илмий ходимларнинг изланишларида жуда қўл келмоқда.

Сураткаш Сергей ДАВИДОВ.

Илм олмакка интилиш  
ҳар бир муслим ва  
муслима учун қарзу фарз  
Ҳадис



1933 йилдан чиқа  
БОШЛАГАН  
МАЙ — 1991

Таъсисчи  
Ўзбекистон  
Фанлар  
академияси

БОШ МУҲАРРИР:  
Комилжон ЗУФАРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:  
Абдували АБДУВАҲОБОВ  
Абдумавлон АБДУЛЛАЕВ  
Жўра АБДУЛЛАЕВ  
Турсун АЗЛАРОВ  
Аҳмадали АСҚАРОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Бўри АҲМЕДОВ  
Иброҳимжон ИСКАНДАРОВ  
Наби МАЖИДОВ  
Ермуҳаммад МУБОРАКОВ  
Муҳаббат ОБИДОВА  
Уктам ПРАТОВ  
Ҳайдар ПУЛАТОВ  
Ўткир РАСУЛОВ  
Асомиддин РАФИҚОВ  
Ёлқин ТУРАҚУЛОВ  
Ҳусниддин УМАРЗОДА  
(масъул котиб)  
Комил ХОЛМУҲАММАД  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Мурод ШАРИФҲУЖАЕВ  
Мамажон ЭГАМБЕРДИЕВ  
Наримон ҲОТАМОВ

БУЛИМ МУҲАРРИРЛАРИ:  
Рустам ОБИД  
Оқилхон ОДИЛХОН  
Саид МУРОД

МУҲАРРИРЛАР:  
Маҳфуза АСАДУЛЛА қизи  
Рустам БОЙТУРА

### Ассалому алайкум азиз муштарий! Ойноманинг ушбу сониди

САЛОҲИДДИНОВ М. Фан масъулиятли босқичда . . . . .	2
ХОЛМУРОДОВ А., ОГАЙ Д. Даволовчи микроблар . . . . .	5
ЗИЁДУЛЛАЕВ С. Дастурхонимиз бир бўладими . . . . .	6
ТУРДИЕВ Н. Ойнаижаҳонда — жаҳон . . . . .	8
ДОМАЕВ Т. Келажагимиз ҳазон бўлмасин . . . . .	10
АБДУЛЛАЕВ А., ҲАСАНИЙ М. Ҳар бир одам — бир олам . . . . .	12
АКРАМХУЖАЕВ О. Амир Темур ва Султон Боязид . . . . .	14
МАНСУР А. Ҳадис . . . . .	15
МАТБОБОВ Б., АБИЛОВ Ш., МАЙТДИНОВА Г. Аждодларимиз либоси . . . . .	18
ЗОҲИДОВ А. Мансур Халлож . . . . .	21
ҲОТАМОВ Н., АБДУРАҲМОНОВ Д. Саксон баҳорини қарши олган бўлурди . . . . .	22
ЭШТУХТАРОВ Х. Миллий кадрлар — «халқ душманлари» . . . . .	23
ФАЙЗИЕВ Т. Сохибқирон маликалари . . . . .	26
МАҲМУДОВ Х. Ким башорат қилади . . . . .	28
ОБИД Р. Улимдан кейинги ҳаёт . . . . .	30

### каби мақолаларни ўқийсиз

Муаллифларнинг мулоҳазалари ойнома муҳарририяти ва таҳририятининг нуқтани назарига ҳар вақт ҳам тўғри келавермаслиги мумкин.

### МУҚОВАДА

Мусаввир Уста ВАЛИ жамиятимизда рўй бераётган низолар, жумҳуриятлар ичиди вужудга келган низоқлар, ўзаро миллий келишмовчиликлар алалоқибат бир бутун Иттифоқимиз яхлитлигига раҳна солиши мумкинлигини шу тарзда тасвир этибди.

Қуйидаги суратларда: Ўзбекистон Фанлар академияси Электроника институтида замон талаби даражасида тадқиқотлар олиб борилмоқда; «Ойнаижаҳонда — жаҳон» мақоласига оид; нигоҳ билан даволовчи Абдуғаффор АБДУЛЛАЕВ ҳақида «Ҳар бир одам — бир олам» мақоласини ўқийсиз.

### КЕЛГУСИ СОНДА

- Она табиат тақдири ҳаммамизнинг дардимиз, ташвишимиз.
- Жумҳуриятимиз экологик ҳаритаси биринчи бор яратилди.
- Иттифоқ шартномаси жумҳуриятлар мустақиллигига кишан солмайдими!
- «Бухоро тарихи»нинг тарихи.
- Сардобалар қаерда қолди.
- Ўзбек зиёлиларининг жаллодлари — давр ҳукмида.

# ФАН МАСЪУЛИЯТЛИ БОСҚИЧДА

Маҳмуд САЛОҲИДИНОВ,

Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти.



ларини кўзловчи тадқиқотларни ривожлантириш билан жавоб берсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шу мақсадда илмий тадқиқотлар мавзулари йўналишлари қайта кўриб чиқилди, бу эса уларни маҳаллий шароит муаммоларига яқинлаштириш, жумҳурият ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг энг муҳим вазифаларини ҳал этишга киришиш имконини берди. Фундаментал тадқиқотларнинг салмоғи ошди.

Утган беш йилликда Фанлар академиясининг юзлаб ишланмаларидан халқ хўжалигининг турли тармоқларида фойдаланиш самарадорлиги ошди ва шу йўл билан мамлакат, жумҳурият иқтисодиётга 700 миллион сўмга яқин иқтисодий наф келтирилди. Илмий тадқиқот муассасаларининг моддий-техника, тажриба асосини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилди. «Қуёш» деб юритилувчи ноёб иншоот, Микробиология, Полимерлар кимёси ва физикаси илмгоҳларининг ва яна талай бошқа биноларнинг барпо этилганлиги олим ва илмий ходимларимизнинг самарали тадқиқот олиб боришлари учун қулай шароит яратиб берди.

Ҳозир Ўзбекистон Фанлар академияси ўз сафида фаннинг деярли барча соҳа вакилларида 144 нафар ҳақиқий ва мухбир аъзоларни бирлаштирган.

Тез суръатлар билан ривожланаётган мамлакатларнинг, маданияти ва бошқа шароитлари жиҳатидан бизга яқин турувчи Осиё мамлакатлари: Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва бошқаларнинг тажрибаси таҳлил этиб кўриладиган бўлса, ҳозирги шароитда микроэлектроника саноатини ва унга тегишли бўлган кўмакчи соҳаларни ривожлантириш — жумҳурият ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда энг самарали йўл экан. Бу билан фақат фан ривожланибгина қолмай, балки аҳолини иш билан таъминлаш, ишлаб чиқаришда юксак самарадорликка эришиш, экологик мусоффоликка, техника маданияти, таълимнинг юксак даражасига эришиш мумкин.

Ўзбекистонда бу соҳадаги тадқиқотларни ривожлантириш учун яхши илмий пойдевор вужудга келди. Фанлар академиясининг Физика-техника, Электроника, Ядро физикаси, Полимерлар кимёси ва физикаси илмгоҳларида, Иссиқлик физикаси бўлимида электрон техника билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар ва ишланмалар бажарилмоқда.

Тошкент Давлат дорилфунунида ва Тошкент политехника билимгоҳида ҳам фундаментал ва амалий йўналишдаги катта-катта тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жумҳуриятимизда саноатнинг яхши йўлга қўйилган, тез ривожланиб бораётган инфраструктураси борки, у қисқа муддатларда ва жаҳон стандартлари даражаси электрон техниканинг аниқ, тайёр турларидаги илмий ишланмаларни рўёбга чиқара олади. Бу ўринда бир қанча йирик корхоналар: «Алгоритм» заводи, «Зенит», «Фотон», «Восток», «Оникс», «Электрохимпром» каби ишлаб чиқариш бирлашмалари яққол мисол бўла олади.

Ниҳоят, жумҳуриятда фан ва ишлаб чиқаришнинг шу тармоғи учун илмий ҳамда муҳандис кадрлар тайёрлаш дуруст йўлга қўйилган бўлиб, бу соҳада вужудга келган халқаро алоқалар ҳам муттасил ривожланиб бормоқда. АҚШ, Канада, Франция, Польша, Португалия ва бошқа мамлакатлардан шу соҳада ҳамкорлик қилиш тўғрисида Ўзбекистон Фанлар академиясига таклифлар юборилган.

Мана шуларнинг ҳаммаси микроэлектрон ва радиоэлектрон саноатни ривожлантиришнинг жумҳурият давлат комплекс дастурини яратиш зарурлигидан дарак беради.

Янги ашёларни яратиш, материалшунослик соҳасидаги

ҲОЗИРГИ жамиятимиз бениҳоя мураккаб ва масъулиятли даврни бошидан кечирмоқда. Совет давлатининг, жумҳуриятимизнинг тақдирига дахлдор жуда муҳим воқеалар содир бўлмоқда. Жамиятимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётини бутунлай янгилаш йўлида олиб борилаётган жараён энди ҳал қилувчи босқичга кирди, долзарб муаммоларни ҳал этиш пайти келди.

Рўй бераётган воқеаларнинг моҳиятини аниқ-равшан идрок этиб, шу масъулиятли даврда икки йўлдан бирини танлаб олишимиз: ё янгилашни сиёсати замиридаги ижобий имкониятларни рўёбга чиқариб, иқтисодиётдаги, сиёсатдаги, ижтимоий соҳадаги вазиятни барқарорлаштириш ва бутун жараённи тангликдан қутулиш томонга буриб юбориш усулини топамиз ёки бузғунчилик, бошбошдоқликка йўл қўйиб, халқимизнинг яқдиллигига раҳна солувчи, бир бутун Иттифоқимизнинг барбод бўлишига йўл очиб берамиз. Табиийки, бу йўлнинг охири ҳалокатли эканлиги барча ақли расо кишиларга тушунарлидир.

Ўзбекистонлик олимлар жумҳуриятимизнинг сиёсий ва иқтисодий, маданий равнақи, халқимизнинг ҳар томонлама мустақил, замонавий фан ва техниканинг турли жабҳаларида ижод этаётган баркамол ўғил-қизларни тарбиялаш борасида баракали меҳнат қилаётганликларини мамнуният билан қайд этиш лозим.

Жумҳуриятимиз Фанлар академиясидаги қувончли воқеалардан бири Ўзбекистон президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг Фанлар академияси Ўзбекистон қонунлари ва ўз Устави асосида иш кўрадиган, ўзини ўзи бошқарувчи мустақил ташкилот деб чиқарган фармони бўлди. Фанлар академияси илмий жамоатчилиги бу ғамхўрликка фундаментал фанни тараққий эттириш, устивор йўналишларни танлаб олиш, фан билан ишлаб чиқариш ҳамкорлигини такомиллаштириш, жумҳуриятимиз мақсад-

ишлари кучайтириш муаммолари шу йўналиш билан чамбарчас боғланган. Кўп мақсадларга хизмат қиладиган қуёш печи яратилиши билан бу соҳадаги тадқиқотларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очилди.

Мазкур йўналиш доирасида моддаларнинг физик-кимёвий хоссаларини атрофлича ўрганиш керакки, бу ишларнинг натижаларидан керамика, композицион, полимер ашёлар, пластмасса ва шу кабиларни ҳосил қилиш, ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини яратишда фойдаланиш мумкин бўлур эди.

Шу билан бирга кимёвий тадқиқотларни етарли равишда юқори даражага кўтармай туриб, информатика ва алоқа, тиббиёт, микроэлектроника, биотехнология каби устивор йўналишлардаги тадқиқотларни муваффақиятли ривожлантириб бўлмайди. Бир қанча энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммолар, экология муаммоларини ҳал этиш вазифаси ҳам кўндаланг бўлиб турибди.

Ўсимликлар, микроорганизмлар ва ҳайвонлар генетикиси ҳамда селекцияси муаммоларини тадқиқ қилиш, шулар асосида янги биотехнологияларни ишлаб чиқиш устивор соҳалар сифатида белгилаб қўйилди.

Биз генетика, биотехнология соҳасидаги тадқиқотларни жадал ривожлантириш зарурлиги ҳақида кўп гапиряпмиз. Бунинг сабаби маълум. Генетика соҳасидаги тадқиқотларнинг, айниқса молекуляр генетика, ген, ҳужайра муҳандислиги ва шу каби соҳалардаги тадқиқотларнинг натижалари фан-техника тараққиётини таъминлашнинг зарур асосидир, ўсимликшunosлик, чорвачилик, микробиология саноатини оқилона ривожлантиришда, атроф муҳитни муҳофаза қилишда янгича ёндашишнинг зарур шартларидан ҳисобланади. Бу соҳадаги тадқиқотлар ғўзанинг серҳосил навларини яратиш муаммосини ҳал қилиш калидидир.

Генетика фани чет элларда, айниқса АҚШ, Япония, Германия каби илғор капиталистик мамлакатларда жуда ривож топган. Бу соҳадаги тадқиқотлар учун ҳар йили миллиард доллар маблағ ажратилмоқда.

Бизнинг табиий имкониятларимизнинг ўндан бирига ҳам эга бўлмаган бир қанча мамлакатларнинг деҳқончилик-саноат комплекси генетика ва ген муҳандислиги туфайли сифат жиҳатдан юқори поғонага кўтарилди. Генетика фанининг асосчиларидан бири бўлган бизнинг мамлакатимиз, қанчалик уят бўлмасин, ўша ўлкалардан озик-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, тиббий ашёларни ҳамда биотехнология, микробиология, ишлаб чиқаришнинг бошқа турдаги маҳсулотларини ёрдам тариқасида олиб турибди.

Жумҳуриятимиздаги генетика тадқиқотларининг савияси Иттифоқ даражасидан анча орқада. Фақат ғўзанинг хусусий генетикиси соҳасидагина бирмунча силжиш бор. Молекуляр генетика, ген ва ҳужайра муҳандислиги, биотехнология соҳасида анча орқада эканлигимизни эътироф этиш керак.

Мана шуларнинг ҳаммасини эътиборга олиб, академиямиз Раёсати Ўзбекистонда зарур илмий негиз ва кадрларга асосланиб, генетика илмгоҳини барпо этиш зарур, деган қарорга келди.

Пахта ҳаммаша ўзбек халқининг, жумҳуриятимизнинг асосий бойлиги бўлиб қолаверади. Шу боис етук, мукамал пахта териш машиналарини яратиш олимларимиз зиммасидаги катта вазифалардан ҳисобланади.

Ер фанлари соҳасида қилажак ишларимиз ҳали кўп. Айниқса жумҳуриятнинг минерал-хом ашё базасини кенгайтиришнинг илмий асосларини яратиш, Урта Осиё ерларининг литосфераси тузилиши, таркиби ва ривожланиб боришини ўрганиш, ер остидаги нефть ва газ хазинасини миқдор ва сифат жиҳатдан аниқлашнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган йўналишларга кўпроқ эътибор қаратиш зарур кўринади.

Зилзилани олдиндан айтиб бериш, зилзила бўладиган ҳудудлар харитасини тузиш соҳасидаги тадқиқотларни жадаллаштириш вақти келди.

Бунинг учун зилзилани олдиндан аниқлайдиган олтига комплекс станцияси бўлган Фарғона тажриба майдонини ташкил этиш керак. Бу станциялар ғоят сезгир, замонавий

рақамли аппаратлар билан, ахборотни автомат тарзда узатадиган ва қайта ишлайдиган воситалар билан жиҳозланиши керак.

Ижтимоий фанларни ривожлантириш муаммоларини алоҳида муҳокама қилиш лозим. Агар мамлакатимизда ва жумҳуриятимизда илм-фан чуқур танглик ҳолатига тушиб қолди, деган хулоса тўғри бўлса, бу танглик аввало жамиятшunosлик соҳасида айниқса кучли эканлиги шубҳасиз. Жамиятшunosлик фани неча ўн йиллар давомида раҳбар идораларнинг дастурий қарорларига хизмат қилиб ва уларни асослаш билан шугулланиб, ғоявий ва назарий яқдилликини таъкидлашдан нари ўтмади ва шу тариқа қандайдир бир босқичда ўзининг энг асосий илмий тафаккур воситасидан маҳрум бўлиб қолди. Чунончи, бирон-бир кимсанинг фикридан қатъи назар, ижтимоий ҳодисаларни эркин, холисона тадқиқ этиш ва фақат шу асосдагина хулосалар чиқариш қуролини қўлдан бой бериб қўйди.

Кейинги йилларда сиёсат, мафкура соҳасида рўй берган ислохотлар вазиятни тубдан ўзгартириб юборди. Жамиятшunosлик тадқиқотларига талаб кучайди.

Шу билан бирга, жамиятшunosликини жонлантириш жараёни қийин ва мураккаб кечаётганини тан олмоқ керак. Бу гап, аввало, Иқтисодиёт илмгоҳи ва Ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш кенгаши фаолиятидаги сусткашликка тааллуқлидир.

Бу соҳада иқтисодиётни бошқаришни, қайта қуриш даврида пайдо бўлган салбий ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини мутлақо ўрганмаяптилар, бундай ҳолатларни тугатиш йўлларини илмий асослаб бермаяптилар, қисқаси замон талабидан орқада судралишмоқда.

Хуқуқий давлатни шакллантириш, жумҳурият сиёсий системасини такомиллаштириш, Совет федерацияси, хўжалик муносабатларини хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш ва шу каби бошқа кўпгина муаммолар юзасидан чуқур тадқиқотлар олиб бориш талаб қилинади.

Хўш, илмий тадқиқот ишларини юриштириб юбориш учун қандай шароит керак!

Биринчидан, қисқа вақт ичида биз илмий тадқиқотларни режалаштириш соҳасида бир тўхтамага келиб, унинг замонавий талабларга мос системасини яратишимиз керак. Бу системанинг хусусиятлари қуйидагича.

У асосан дастурий-мақсад усулига асосланиши керак. Ҳозир эса мавзуларнинг 30 фоиздан кўпроғи СССР Фан-техника давлат қўмитаси, мамлакат Фанлар академияси, жумҳурият фан-техника муассасалари топшириқларини ташкил этади. Яқин 1—2 йил ичида илмий тадқиқот муассасалари фақат дастурлар асосида ишлайдиган бўлиши керак. Бошқача айтганда, устивор йўналишларга мос келмайдиган, қабул этилган дастурларга кирмаган мавзуларнинг ҳаммаси қатъият билан тўхтатиб қўйилади.

Сир эмас, чуқур фундаментал натижаларининг йўқлиги ҳозир машинасозлик, энергетика, пахта комплекси, сув хўжалиги, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги бир қанча муаммоларни ҳал этишга имкон бермаяпти. Айни вақтда илмий-техникавий, муҳандислик, ишлаб чиқариш, лойиҳа, ташкилотчилик муаммолари тармоқ фани ва амалиётчилар томонидан ҳал этилиши лозим, яъни бутун дунёда қилинаётганидек иш тугилиши лозим бўлади.

Иккинчидан, жуда қисқа вақт ичида биз илмий тадқиқотларни, тажриба-конструкторлик ишларини маблағ билан таъминлашнинг самарали системасини яратишимиз зарурки, ҳозир бу энг ўтқир масала.

Учинчидан, илмий тадқиқот муассасаларининг моддий-техникавий, тажриба базасини ривожлантириш учун аниқ мақсадни кўзлаб кўп куч-ғайрат сарфланиши талаб қилинади.

Бу соҳадаги ишларнинг аҳволи фундаментал фани ривожлантиришга тўсқинлик қилиб турган жиддий омилдир. Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, ҳозирча салмоқли силжишларга эришишнинг иложи бўлмади.

Умуман Ўзбекистон Фанлар академияси илмий муассасаларида ишлаб турган асбоб-ускуналар, машиналар, транспорт воситаларининг ярмидан кўпроғи ҳам маънавий,

ҳам jisмоний жиҳатдан эскиб кетган. Уларни сотиб олиш учун берилган талабномалар мамлакат Фанлар академиясининг моддий-техника таъминоти идоралари томонидан бор-йўғи 25—28 фоиз атрофида қондирилди, холос. Мазкур эҳтиёжлар учун валюта деярли ажратилмади. Қурилишнинг аҳволи ҳам шундан қолишмайди.

Вужудга келган мана шундай вазиятда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Раёсати асбоб-ускуналар, жиҳозларнинг ўрнини тўлдириш, мавжудларидан жамоа бўлиб ишлатишни йўлга қўйиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг тадбирларини амалга оширмоқда.

Тўртинчидан, академиянинг тижорат фаолиятини тубдан янги поғонага кўтариш керак. Бу — бозор қонунлари тақозо этаётган талабдир. Қолаверса, моддий-техника базасини, илмий салоҳиятни мустаҳкамлашнинг янги бир манбадан фойдаланиш имконияти ҳамдир. Бу, ниҳоят, ус-твдор соҳаларни, фундаментал фанни ривожлантириш мақсадларини тўғри белгилаш имконини берадиган ўзига хос мезон ҳамдир.

Масалан, ўтган беш йилликда академиянинг илмий ташкилотлари ихтиро учун 2 мингтадан кўпроқ талабнома, кашфиёт учун 10 та талабнома берди. Муаллифлик гувоҳномасини бериш тўғрисида 1325 та ижобий қарор олинди. Шунга қарамай, атиги 7 та лицензия шартномаси имзоланди, холос.

Албатта, бунинг асосий сабаби ишлаб чиқариш билан илмий тавсияларимизнинг номувофиқлиги, корхоналарнинг номустақиллиги, жамиятимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳот билан ўзаро боғланишида аниқлик йўқлигидан далолатдир. Раҳбар идораларнинг қарорларига қарамай, диққатга сазовор ишланмалар фойдаланилмай қолаётгани ачинарли ҳолдир.

Бироқ, шунинг очик эътирофи этиш керакки, бизнинг кон-

структорлик, ишлаб чиқариш, база, тижорат фаолиятининг паст савияси маҳсулотимизни замонавий даражада тайёрлаш ва харидорга тақдим этиш имконини бермаяпти.

Илмий асбобсозлик корхонамиз ниҳоятда паст даражада турибди. Илмий тадиқот муассасалари билан конструкторлик бюроларининг ўзаро муносабатлари мувофиқ ҳолга келтирилган эмас.

Бешинчидан, биз ўз режаларимизда инсон омили, унинг маънавий, ижодий ва моддий фаровонлигини оширишни биринчи ўринга қўйишимиз керак. Шундай қилинмаса, фанда улкан ютуқларга эришиб бўлмайди, олға силжиб бўлмайди.

Кейинги йилларда бу соҳада анчагина ишлар қилинди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги усулига ўтилди, докторантура институти жорий этилди, аспирантларнинг стипендиялари оширилди. Халқаро алоқалар жадал ривожланди ва бошқа кўп ишлар қилинди.

Лекин, бу қилинган ишлар ҳозирги мураккаб шароитда — бозор муносабатларига кириб борилаётган, кооператив ва бошқа шаклдаги ҳаракатлар ривожланаётган, қисқаси, ҳаёт оғирлашиб бораётган кезде академиянинг кадр етишмовчилигини тағин ҳам кучайтириб юборди.

Бинобарин, фаолиятимизнинг бу соҳасидаги муаммолар ҳаддан ташқари кескин тус олишини яхши англаймиз.

Ёш авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш — энг муҳим масала. Бу ишда академия аъзоларининг масъулиятини оширишимиз, аниқ режа асосида ишларни бажаришга бутун эътиборни қаратишимиз, бугун ва келгусида қиладиган ишларимиз режасини белгилаб олишимиз лозим.

**ШУНДАЙ ҚИЛИБ**, жамиятимиз тараққиётининг муҳим, масъулиятли босқичида жумҳуриятнинг илмий жамоалари олдида, Фанлар академияси олдида кўпгина мураккаб ва масъулиятли муаммолар турибди.

## ЎЗ ЧИРОЙИ, ЎЗ ЖАМОЛИ БОР

Гуллар бизнинг доимий ҳамроҳимиз, улар йилнинг қай фаслида бўлмасин, ёшимиз, турмуш тарзимизга қарамасдан доим қувонч олиб келади. Худди шундай чирой соҳиби саналган ўсимликлардан бири астрадошлар оиласига мансуб герберадир.

Гербера гулининг шакли жиҳатидан мойчечакка ўхшаса-да, аммо сербарлиги, йириклиги, кўп гул бериши ва узоқ вақт гуллаб туриши билан ажралаб туради.

Бундан юз ўн йил олдин ботаник олим А. Ремон герберани Жанубий Африкадан топган эди. Голландиялик ботаник Е. Граковиус илк бор гербера туркумини таърифлаб берди ва уни немис врачси Т. Гербера номи билан атай бошлади. 1978 йили инглиз олими Р. Жеймсон гербера виридофолия турини Англияга олиб келиб, селекция ишларида фойдаланди ва ажойиб янги навларни яратди.

Голландияда гербера етиштирадиган йирик хўжаликлар тузилди. Шунингдек, Сочи, Сухуми, Батуми, Минск, Москва, Болтиқ бўйи жумҳуриятларида ҳам гербера билан шуғулланувчи илмий текшириш институтлари ташкил этилди. Масалан, биргина Латвияда совхоз-техникум, «Корниково» жамоа хўжалиги, «Рогоз-зиедс» фирмаси ва бошқа хўжаликлар шу иш билан машғулдир.

1950—1980 йиллар давомида Олмония ва Голландияда герберанинг ўнлаб тур ва навлари тўпланди. ССЖИ Фанлар академияси физиология илмгоҳида олиб борил-

ган тажрибалар айрим тўқималарни ўстириш йўли билан бир йилда бир миллиондан ортиқ ўсимлик етиштириш имконияти борлигини кўрсатишди.

Самарқанд Давлат дорилфунуни биология куллиёти иссиқхонасида 1987 йилдан буён бўзранг тупроқда герберанинг тўрт навини ўстиришга муваффақ бўлинди. Биз уни очик далада ўстириб биомофологик хусусиятларини ўрганмоқдамиз.

Батуми ботаника боғидан олинган уруғлар кузда, аввало, лаборатория шароитида текширилди ва униб чиққан уруғлар иссиқхонадан махсус тайёрланган майдончага кўчириб экилди. 1988 йил эса у гуллаб уруғ ҳам берди.

Гербера уруғининг униб чиқиши турли шароитда — уй ҳароратида, термостатда, иссиқхонада синаб кўрилди. Уруғнинг юқори даражали ҳароратда униб чиқиши унинг иссиқ мамлакатлардан келиб чиққанлигини тасдиқлайди. Маълумки, Болтиқ бўйи жумҳуриятларида торфли тупроқда экилгандан сўнг 120—150 кун ўтгандан кейин гуллаб бошлайди. Бизда эса 32 кундан сўнг ҳақиқий барглари ҳосил бўлади, гуллаш иккинчи йил амалга ошади.

Герберанинг деярли ҳамма навларида яхши ривожланган илди системаси популсимон бўлиб, биринчи йили 50 сантиметргача, иккинчи ва учинчи йили 70—80 сантиметргача ўсади.

Биз ўтказган кузатишлар шуни кўрсатдики, гербера навларининг барқ уриб гул-

лаши иссиқхонада октябрь ойининг охиридан июлгача давом этади. Биринчи гул баргсиз пояда, яъни поянинг уч қисмида куртак етишса, қолганлари барг қўлтигидан етишиб чиқаверади.

Очик далада ўсганда ўсиб ривожланиш даври март ойдан бошлаб илк совуқ тушгунга қадар давом этади. Ҳар бир тўп бир йил ичида 220—260 дона йирик, чиройли гул беради. Кузда гербералар устига хазон ёки хас-хашак ташлаб уни совуқдан асраса бўлади.

Иссиқхона шароитида герберанинг танасини бўлиб экиш йўли билан кўпайтириш устида тажрибалар ўтказдик. Бунинг учун ҳар томонлама етук «Наташа» танланди. Ноябрь ойида икки ва уч йиллик гербера тўплари танланиб, бўлакларга ажратиб қирқиб чиқилди. Маълум шарт-шароит яратилгандан сўнг илдиизсиз ўсимликларни кумли иссиқхонада эдик. Тувақда ўтказилганлари ҳаммаси ўсиб кетди. Сарик қумда экилганлари ҳам юз фоиз униб, баъзиларида 45 кун деганда гунчалар ҳосил бўлди. Албатта, биз қаламчалар экилгандан то илдииз чиқаргунга қадар тупроқ намлигини 70—80 фоизда сақладик.

Тўп ҳолда экиш орқали герберани кўпайтириш осон ва бу усул иқтисодий жиҳатдан анча фойдалидир.

Худойқул МУҚИМОВ,  
СамДД доценти,  
биология фанлари номзоди.

# ДАВОЛОВЧИ МИКРОБЛАР

Қадимда одамзод микроблар ҳақида тасаввурга эга бўлмаса-да, лекин нон, қимиз, қатиқ, айрон, май, сирка кабиларни тайёрлашда ундан фойдаланиб келди. Буюк ватандошимиз Ибн Сино кўз илғамас жонзотлар борлиги ҳақида фикр билдирган. XIX аср фаранг олими Луи Пастер ўз илмий тадқиқотлари асосида микробларнинг озик-овқат маҳсулотларини тайёрлашдаги аҳамиятини очиб берди. У ўзи раҳбарлик қилган илмий тадқиқот институтида бижгиш жараёнини ўрганиб вино, пиво ва бошқа озик-овқат маҳсулотларини тайёрлаш усулларини таклиф этди. Кейинчалик эса зарур микробларни маълум бир муҳит ва шароитда кўпайтириб, ундан фойдаланила бошланди.

Микробиология — бу микроблар тузилиши ва ҳаёти ҳақидаги фандир. Микроблар орасида айниқса бактериялар, ачитқи, моғорли замбуруғ, актиномицетлар фойдали ҳисобланади. Сут кислотаси ҳосил қилувчи бактериялар эса алоҳида аҳамиятга эга. Бу микробларни сутга қўшиш натижасида бир қанча маҳсулот: қатиқ, ивителинган қатиқ, сузма, қаймоқ, қимиз, ацидофилин ва хилма-хил пишлоқ турлари тайёрланади.

Сут кислотаси ҳосил қилувчи бактериялар табиатда кенг тарқалган, жумладан, хом сутда, ивителинган сут маҳсулотлари ва ўсимликларда учрайди. Улар таркиби жиҳатидан турличадир. Сут кислотасидан ташқари улар оқсилларни фойдали аминокислоталарга бўлиб ташлайди, маҳсулотда овқат ҳазм бўлишини осонлаштирувчи органик моддаларни тўплайди ва дармондорилар билан бойитади. Чет микроблар, жумладан касаллик тарқатувчи заҳарли микробларни нобуд қилиши туфайли улар алоҳида аҳамиятга эга.

Сут ҳосил қилувчи бактериялар турлича, тухумсимон, юмалоқ ёки узун-қисқа таёқча кўринишида бўлади. Улар урчиқмайди, шунинг учун стерилизация пайтида нобуд бўлади.

Сут ивителинган учун пастеризация қилинади ёки қайнатиллади, сўнг совутилиб керакли бактериялар киритилади.

Рус олими Илья Мечников йўғон ичакда чиритувчи бактерияларга айланувчи заҳарли моддалар билан заҳарланиш туфайли инсон ёшига нисбатан тез қарийди деган фикрini айтган эди. Бунинг олдини олиш учун эса, дом простокваша (чучук қатиқ) ичиб туриш лозим, деб маслаҳат беради у. Чунки сут кислотаси ичакдаги чиритувчи бактерияларни йўқ қилади.

Қимиз ва кефир ажойиб парҳез маҳсулотлар ҳисобланади. Улар сут ва сирка ҳосил қилувчи бактериялар, сут ачитқилари ҳамда ачитқига ўхшаш замбуруғлар ёрдамида тайёрланади.

Сут ҳосил қилувчи бактериялар, шунингдек сариқ ёғ, пишлоқ тайёрлашда, ем-хашакларни силослашда иштирок этади. Улар нафақат халқ хўжалиги, кўпинча тиббиёт соҳасида ҳам ишлатилади. Масалан, салмонеллез, ичбуруғ, стафилококк каби юқумли касалликлар, жигар яллиғланиши, дисбактериоз ва ўткир ичак касалликлари олдини олиш ҳамда даволашда фойдаланилади.

Маълумки, янги туғилган чақалоқнинг ичак йўлида микроб бўлмайди. Бола уни овқатланиш жараёнида юқтиради. Инсон ичакда юзага келувчи микроблар бу асосан, бактероид, ичак таёқчалари, бифидобактерия, лактобацил ва стрептококклар ҳисобланади. Соғлом вужудда улар муайян алоқада бўлиб, турли антибиотиклар қабул қилинганда, касалликка чалинганда бу мувозанат бузилади. Натижада чет микроблар кўпайиб вужудда табиий шароитда учрайдиган бактериялар ўзгариб кетади. Шу асосда жигар яллиғланиши, салмонеллез, ичбуруғ каби юқумли касалликлар тарқалади. Бундай ҳасталиклар олдини олиш учун нима қилиш керак? Нитрат, пестицид, гербицидлар билан тўйинган маҳсулотлардан тайёрланган озик-овқатдан сўнг вужудда қандай қилиб зарур микрофлорани тиклаш мумкин!

Бунинг давосини табиатдан қидирмоқ керак. Сут ҳосил

қилувчи бактериялар ва бифидобактериялар (эмизикдаги чақалоқ ичакда учрайдиган микроблар) штамлари таркибини чуқур ўрганиш талаб қилинади. Штамларни танлаш ва ачитқини шундай тайёрлаш керакки, уни сут ёки сут аралашмасига қўшган пайтда ҳам ёқимли ҳам шифо берувчи маҳсулот ҳосил бўлсин.

Маҳаллий штамлардан фойдаланилганда маҳсулот тайёрлаш жараёни тезлашади. Энг муҳими булғор, ацидофил таёқчаларининг маҳаллий штамлари ичакдаги бир неча хил бактерия, микроблар кўпайиши ва ривожланишини йўққа тақсираниди. Микробларнинг маҳаллий штамлари мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан олинган штамларига қараганда ичакда яхши сақланади.

ЎзФА нинг Микробиология институтида олиб борилган кўп йиллик изланиш натижасида «Ором—1» ва «Ором—2» бактерия ачитқилари яратилди. Ачитқи таркибига мезофил ва термофил стрептококкларининг маҳаллий штамлари, булғор ва ацидофил таёқчалари киради. Бу ачитқи касаллик тарқатувчи ва чиритувчи микробларга қарши курашибгина қолмай, ичакда зарурий микрофлорани яратади.

«Ором—1» ачитқисининг Москвадаги халқ хўжалиги кўргазмаси кумуш медали билан тақдирланиши бежиз эмас. Унинг патенти ривожланган 14 та мамлакат томонидан сотиб олинди. Энди «Малыш», «Малютка» номли қуруқ сут қоришмалари асосида ва шу ачитқи ёрдамида янги сут маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Қаймоғи олинмаган сутдан тайёрланган янги маҳсулот бир текисда қуюқ, ҳуштаём ва мўътадил кислоталикка эга. У болалар учун ҳам, катталар учун ҳам парҳез маҳсулот сифатида тавсия этилади ҳамда ошқозон-ичак йўли юқумли касалликларнинг олдини олиш, даволашда фойдаланилади. У салмонеллез, жигар яллиғланиши, ичбуруғнинг айрим кўринишини даволашда ҳам яхши самара беради. Ошқозон шиллиқ пардасида рўй берувчи ўзгаришлар олдини олади. Буларнинг барчаси албатта «Ором—1» туфайлидир.

«Ором—3» ачитқиси ёрдамида «Малютка», «Малыш» қуруқ сут қоришмаси асосида тайёрланган бошқа бир маҳсулот аминокислота, дармондори, макро- ва микроунсуллар бўйича тенг таркибга эга. У чақалоқларга овқат сифатида берилади, шунингдек уни лактоза (сут қанди) туфайли аллергия пайдо бўлганда ва бошқа салбий ўзгаришлар пайтида тавсия этиш мумкин. Маҳсулотни тиббий кўридан ўтказиш шуни кўрсатдики, ундан сепсис ва бронхопневмония касалликларининг олдини олиш ва даволашда фойдаланса бўлади.

«Ором—2» ачитқисининг маҳсулотлари «Оқсилли энпит» сут қоришмаси иштирокида тайёрланади. Суюқ сут аралашмасини ушбу ачитқи ёрдамида ивителинган натижасида 2—3 соат ичида нордон таъмили маҳсулот ҳосил бўлади. У болалар овқатини тўйимли қилишга мўлжалланган бўлиб, камқонликда, дармонсизлик пайтида, рахит, майда тошмалар тошадиганларга, шунингдек ўткир вирусли ва сурункали жигар яллиғланишида наф келтиради.

Умуман бундай маҳсулотларни сут заводларида, болалар овқатланиш цехида ва энг муҳими уй шароитида тайёрлаш мумкин. Бунинг учун албатта ачитқи керак бўлади. Уни сут маҳсулотлари билан савдо қилувчи ошхоналардан, дорихоналардан топиш мумкин.

Микробиология илгоҳининг «Сут ҳосил қилувчи бактериялар генетикаси» лаборатория ходимлари эндиликда бифидобактерия маҳаллий штамларидан янги ачитқи яратиш устида тадқиқотлар олиб бормоқда.

Асқар ХОЛМУРОДОВ,  
ЎзФА академиги, вице-президенти.

Дария ОГАЙ,  
биология фанлари номзоди.



# ДАСТУРХОНИМИЗ

# БИР БЎЛАДИМИ

Сандкарим ЗИЕДУЛЛАЕВ,  
 Ўзбекистон ФА ҳақиқий аъзоси,  
 ССЖИ ФА Урта Осиё ва Қозоғистон минтақа масалалари  
 бўйича комиссиясининг раиси.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқдаки, бу бир жиҳатдан жуда зарур ва айни вақтда мураккаб жараён-дир. Ана шу шароитда алоҳида бир жумҳурият ёхуд бутун минтақа учун ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши бўйича узоқ муддатли кўрсаткичларни аниқлаб бериш учун эса жуда кўп илмий тадқиқот муассасаларининг ҳамкорликдаги ҳаракати таяниш керак бўлади. Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон минтақаси тўғрисида сўз борганда иқтисодий ривожланишнинг истиқболли йўналишлари бўйича олимлар фаолиятини мувофиқлаштириш ниҳоятда катта аҳамият касб этади.

Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон нафақат чегарадош жумҳуриятларига бўлиб қолмай, уларнинг табиий иқлим шароитлари, аҳолисининг урф-одатлари ва машғулоти, қолаверса қарор топган савдо-иқтисодий алоқалари жиҳатидан ҳам умумийликка эгадир. Ушбу жумҳуриятлар заминидagi табиий бойликлари эса бутун мамлакат халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондириб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Минтақа заминидa табиий газ, кўмир, нефть, рангли ва қора металл маъданлари (кўрғошин, рух, мис, темир, қалайи, сурма, симоб, висмут, вольфрам, молибден, стронций, литий, титан, магний ва ҳоказо), қурилишбоп хом ашёларнинг йирик заҳиралари мавжуд. Конларнинг аксари — мамлакатда энг салмоқлиси ҳисобланиб, шу боисдан уларни ишга тушириш ва ўзлаштириш Иттифоқ аҳамиятига эга бўлиб қолмоқда.

Мазкур минтақада Иттифоқ гидроқувват манбаларининг 20 фоизи жойлашган бўлиб, улардан бешдан бир ҳиссасигина умумий ишлаб чиқаришга жалб этилган, хос.

Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон мамлакат қишлоқ хўжалиги тасарруфидаги ерларнинг ярмига эга бўлиб, шу жумладан яйловларнинг тўртдан уч қисми, ҳайдалма ерларнинг бешдан бири, барча суғориладиган ерларнинг эллик фоизини қамраб олади. Бу минтақада қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг — 15,2, саноат маҳсулотининг — 8, ялпи ижтимоий маҳсулотининг ва миллий даромаднинг ўн фоизи ишлаб чиқарилади.

Урта Осиё жумҳуриятлари ҳамда Қозоғистоннинг жанубий вилоятлари учун аҳолининг юқори даражада ва барқарор ўсиши хос бўлиб, бу умумиттифоқ кўрсаткичидан 2,5 баравар кўп демакдир. 1960—1990 йиллар мобайнида Ўзбекистон аҳолиси 8,1 миллиондан 20,3 миллион кишига ўсди. Қозоғистон аҳолиси шу даврда 9,3 миллиондан 16,7 миллионга, Тожикистон нуфуси — 2 миллиондан 5,2 миллионга, Қирғизистон аҳолиси — 2 миллиондан 4,4 миллионга ортди. Яқин 20—25 йил мобайнида шу минтақадаги аҳоли 1,5 баравардан зиёд ортиши мумкин.

Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистонда кўп-кўп қишлоқ хўжалик машиналари, ирригация-суғориш техникасининг асосий қисми, енгил ва озиқ-овқат саноати машиналари ва ускуналари, кўтарма кранлар ва бошқа хил машиналар ишлаб чиқарилади. Фақат Ўзбекистоннинг ўзидагина 100дан ортиқ саноат тармоғи, шу жумладан ёқилғи-қувват, машинасозлик, кимё, металлургия, қурилиш ашёлари, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари ишлаб турибди.

Мазкур беш жумҳуриятда пахтанинг 90 фоизи, пилла, қоракўл, канопнинг асосий қисми, мева-сабзавот, узум, полизчилик маҳсулотларининг энг сараси етиштириб келинмоқда.

Шу билан биргаликда ҳозир минтақа халқ хўжалигининг ривожланишида бутун мамлакатда бўлгани каби инкирозга монанд аломатлар пайқалмоқда, иқтисодиётдаги кўтарилиш эса сезиларли даражада эмас. Чунки, ишлаб чиқариш кучлари ва иқтисодиётнинг мужассам ривожланишига путур етди, бу эса, ўз навбатида, номутаносибликларни келтириб чиқарди. Ҳатто шу кунгача яратилган ишлаб чиқариш, илмий-техника, табиий ва ишчи ресурсларидан фойдаланишда хатоларга йўл қўйилди. Демак, Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон олимлари олдида хўжалик фаолиятини юритишнинг янги ашқларини ишлаб чиқиш, иқтисодий алоқаларни жумҳуриятларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини кўзда тутган ҳолда, бозор муносабатлари асосида ташкил этиш вазифаси турибди. Ушбу кўрсатмалар минтақадаги жумҳуриятларнинг ижтимоий-иқтисодий, демографик ва миллий-тарихий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмоғи керак.

Биринчи навбатда, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган ҳамда илмий тараққиётнинг кескин ўсишига олиб келадиган, ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этишда саноат ва миллий даромаднинг ролини оширадиган соҳаларни ривожлантиришга аҳамият беришга тўғри келади. Шу тарихи минтақа иқтисодиётини хом ашё тайёрлаш йўналишидан олиб чиқиш ва ижтимоий соҳанинг қолақлигига барҳам беришга имконият яратилади.

Минтақадаги ички алоқалар, шунингдек бошқа жумҳуриятлар ва марказ билан муносабатларнинг механизмини ишлаб чиқиш ниҳоятда мушкул ва чигал масаладир. Минерал хом ашёга бой конларнинг мавжудлиги, уларнинг саноат миқёсида ўзлаштирилиши, жумҳуриятларнинг энг муҳим бўлган бир қатор соҳаларда барқарор ихтисослашувига олиб келдики, бу нарса, ўз навбатида, минтақанинг ички алоқаларининг хусусиятини белгилаб берди.

Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон иқтисодиётининг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига боғлиқлиги Ўзбекистон мисолида яққол кўзга ташланади. Масалан,



жумҳуриятимизнинг моддий ишлаб чиқаришида Тожикистондаги 58 та соҳанинг маҳсулотидан фойдаланиб келинади. Айни вақтда Ўзбекистон ўз маҳсулотларини бу қўшни жумҳуриятнинг 78 соҳасига етказиб туради. Ўзбекистон Туркменистондан 43 соҳа учун маҳсулот олиб, қўшнисининг 62 соҳасини таъминлайди. Қирғизистон бўйича эса бу рақамлар нисбати деярли тенг: 56; 54.

Мамлакат меҳнат тақсимотида Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон минтақаси рангли металлларни ишлаб чиқариш бўйича энг олдинги ўринларда келаяпти. Минтақада йирик металлургия корхоналари ишлаб турибди, улар мис эритиш, қуйиш, рух, қаттиқ қотишмалари ва иссиқбардош маъданлар (Ўзбекистон), сурма ва симоб (Қозоғистон), стронций тузлари ва алюминий (Тожикистон) ишлаб чиқаради. Ана шу йирик санат корхоналари соҳалараро ихтисослашув ва кооперациялашув имкониятларини очиб берди.

Тожикистоннинг вольфрам ишлаб чиқарадиган Чорух-Дайрон корхонаси билан Чирчиқ шаҳридаги қаттиқ қотишмалари ва иссиқбардош маъданлар комбинати ўртасида жуда мустақам алоқалар мавжуд. Чирчиқдаги бу комбинат ўз навбатида минтақадаги машинасозлик корхоналарини ўта ноёб асбоб-ускуналар билан таъминлайди. Бундай мисоллар анчагина.

Ўзбекистон Урта Осиёда қора маъдан ишлаб чиқарадиган ягона жумҳурият бўлиб, у ўз қўшилари — Тожикистон ва Қирғизистоннинг қуйма прокат ва сирли идиш-товоқларга бўлган эҳтиёжини қисман қондириб келади. Ўз навбатида, қўшни жумҳуриятлар муттасил равишда Бекободдаги металлургия комбинатига темир-терсак етказиб туради.

Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон замини кимёвий ва техникавий хом ашёларга ҳам бой. Минтақа мамлакатдаги сульфат натрий ва дала шпатининг захиралари бўйича биринчи ўринда туради. Фторли оҳак (15 фоиз) ва калий тузлари (13 фоиз) ҳам етарлича. Бутун мамлакатга татийдиган даражада олтингугурт, бром, йод, фосфоритлар, каолин, волластонит, бентонит лойи, кварц кумлари конлари ҳам шу минтақададир. Бироқ ҳали бу барча конларни ўзлаштириш йўлга қўйилган эмас. Шу боисдан жуда кўп соҳаларда ҳамкорлик қилиш имкониятлари бор.

Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишида ёқилғи базасининг ўсиши ва унинг асосида минтақа ёқилғи-қувват мажмуасининг шаклланиши ҳам аҳамиятга моликдир. Ҳозирги кунда ҳар бир жумҳуриятнинг ёқилғи-қувват бойликларини бошқаларининг эҳтиёжи ва қувват билан таъминлаш имкониятларини ҳисобга олмай туриб кўриб чиқиши мутлақо мумкин эмас. Чунки бу бойликларнинг жумҳуриятлар ҳудудидаги тақсимоли нотекисдир. Масалан, Ўзбекистонда табиий газ, кўмир, қисман нефть ва гидроқувват захиралари мавжуд бўлса, Қозоғистонда йирик кўмир конлари ва табиий газ салмоқлидир. Туркменистон эса нефть ва табиий газ билан жуда кўп жумҳуриятларнинг эҳтиёжларини қондириб келмоқда. Лекин Тожикистон ва Қирғизистонда шароит бошқачароқ, бу жумҳуриятларда Вахш, Панж ва Норин дарёларига ўрнатилган электр станциялари мўл-кўл қувват ишлаб чиқаради.

Ҳозирги кунда мазкур соҳаларда минтақа жумҳуриятлари ўртасида ҳамкорликнинг кучайиши билан биргаликда янги йўналишлар очилиб бормоқда. Қуёш қувватидан кенг фойдаланиш, шамол тегирилари, майда ГЭСларни ташкил этиш шулар жумласидандир.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, иқтисодий алоқалар ва кооперациялашувни кучайтириш Иттифоқ бозори билан алоқада бўлган, лекин минтақа бўйича ягона бозорни ташкил этиш вақти келди. Утган йилнинг 22—23 июнида Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган беш жумҳурият раҳбарларининг учрашувлари шу йўналишда дастлабки қадам бўлиб қолса эжаб эмас.

Шундай ҳам айтиш керакки, қардош жумҳуриятлар билангина эмас, айни вақтда хорижий мамлакатлар билан ҳам иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, яъни қўшма корхоналарни ташкил этиш, хўжалик юритишнинг ва бошқарувнинг замонавий ва янада самаралироқ шаклларига

ўтиш зарур (кооперация, ижара, акционерлик уюшмалари, концернлар, майда корхоналар ва ҳоказо).

Бозор иқтисодиётига ўтилиши меҳнаткашларнинг иш билан банд бўлиши борасида кескин муаммоларни келтириб чиқаради. Бу эса тадқиқотчи олимлар олдида минтақа меҳнат аҳлини иш билан таъминлаш бўйича бозор иқтисодиёти унсурларини қўллашни фаннинг асосий йўналишлари қаторига киритишни тақозо этади.

Ўзбекистонда ҳозирнинг ўзида «Бандлик» мажмуавий дастури амалга оширилмоқда. Бу дастурда жумҳурият ҳудудида аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишнинг оқилона йўллари ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Халқ хўжалигини таркибий қайта қуриш доирасида, бир томондан, замонавий техника билан таъминланган, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган кичик корхоналарнинг кенг тармоғини яратиш, иккинчи томондан, ана шу корхоналарда ишлайдиган ва уларни бошқарувчи малакали кадрлар тайёрлашга эътибор берилади.

Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон ҳудудида суғорма ерларни сув билан таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Бу минтақада сув ресурслари асосан тоғ ва тоғолди ноҳияларида шаклланиб, улар минтақа халқларининг миллий бойлиги ҳисобланади. Таассуфки, сув ресурслари ҳозирги кунга келиб ночор аҳволга тушиб қолди. Шу боисдан ҳам сув хўжалигидаги тангликни бирмунча энгиллаштириш мақсадида мавжуд сув бойликларидан самарали ва тежаб-тергаб фойдаланишнинг мажмуавий дастурини ишлаб чиқиш талаб қилинади. Биринчи навбатда, амалга оширилаётган масалалар ичида: сувдан эҳтиёткорлик билан, тежаб-тергаб фойдаланиш учун суғоришнинг илғор усулларини жорий этиш, мавжуд суғориш шохобчаларини таъмирлаш ва янги, техник жиҳатдан замонавий, талабга жавоб берадиган сув шохобчаларини барпо этиш керак ва ҳоказо.

Сибирь дарёлари сувининг бир қисmini Урта Осиёга буриш масаласи ҳам ҳамон кун тартибда ва у ўз илмий аҳамиятини йўқотганича йўқ. Зеро, Орол денгизи сув сатҳининг пасайиб боравиши бутун Оролбўйининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бу муаммо нафақат Ўзбекистон, Туркменистон ва Қозоғистон жумҳуриятларининггина эмас, балки мамлакатимиздаги энг йирик олимларнинг, ҳатто хорижий давлатлардаги илмий жамоатчиликнинг ҳам ташвишларига айланиб қолди.

Шу боисдан ҳам Оролбўйидаги ўткир ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш учун бозор иқтисодиёти асосида бутун минтақа халқ хўжалигининг уйғунликда ривожланишини ташкил этиш зарур.


Қатор илмий жамоалардан, хусусан олимлардан Оролни қўтаришнинг 200га яқин лойиҳаси қабул қилиб олинди. Бу лойиҳалар ичида бирмунча қизиқарлиси ва лекин мураккаброғи Каспий денгизи сувини Оролга буриш ҳамда қўшимча равишда Урта Осиё замини остидаги сизот сувлардан фойдаланиш таклифидир. Шунингдек, илғор ирригация техникаси ва услубиятларини қўллаш сувхўр ўсимликлар майдонини қисқартириш каби таклифлар ҳам мавжуд. Аммо бу барча тавсиялар ҳар томонлама ўрганиб чиқиши керак: ва бу лойиҳаларни мужассамлаштиришда хорижий мутахассисларни ҳам жалб этиш лозим. Бу улкан тадбир минтақа иқтисодиётини инсон эҳтиёжларини қондиришга, ижтимоий адолатни қарор топтиришга хизмат қилмоғи лозим.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда Орол муаммосини ҳал этишга жуда кўп илмий тадқиқот муассасаларининг бош қўшишлари кутилмоқда. 1988 йилдан буён ССЖИ ФАнинг Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон бўйича минтақа муаммолари илмий комиссияси ишлаб турибди. Бу комиссия раёсатида минтақадаги беш жумҳуриятнинг таникли олимлари киритилган. Комиссия ўз фаолияти мобайнида минтақанинг ишлаб чиқариш кучларини муштарак жойлаштириш ва уларнинг уйғунликда ривожланиши учун, шу ҳудуддаги ҳар бир жумҳуриятнинг тўла мустақиллигини таъминлаш учун, қолаверса мамлакатнинг умумий бозорида ва жаҳон миқёсида ўз ўрнини топишга хизмат этажакдир.

# ОЙНАИЖАҲОНДА—ЖАҲОН

Қайта қуриш туфайли жуда кўп давлатлар орасидаги чегаралар очила бормоқда. Эндиликда хорижда яшовчи халқлар билан борди-келди янада ортыпти. Лекин узоқ элларга бориб келишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун анчагина маблағ, ҳатто валюта керак бўлади. Лекин, халқимизнинг онги ўсгани сари узоқ элларда яшаётган халқларнинг ҳаёти, турмуш шароити, урф-одатларига қизиқиш тобора бизга тинчлик бермайди. Энди ойнома ва рўномаларда берилаётган сафар таассуротлари ҳам кўнглимизни тўлдиролмайди. Хўш шундай экан, ҳеч қандай валюта сарф қилмасдан уйимизда туриб ойнаижаҳон орқали ўша юртларни кўришимиз мумкин эмасми?

Маълумки, чет элни эшитиш учун шаҳару қишлоқ, дашту биёбон, тоғу чўлда эканингиздан қатъи назар овознигор транзистор қулоғини бурасангиз кифоя. Шунда сиз турли тилларда, турли мавзуларда берилаётган хабарлару мусиқа садоларини тинглайверасиз. Лекин минг бор эшитгандан кўра бир марта кўрган маъқул-да. Аммо ойнаижаҳонингиздан чет эл тугул ҳатто қўшни жумҳурият кўрсатувларини бевосита кўра олмайсиз (масалан, Ашхобод, Боку, Тбилиси). Ҳаттоки Ўзбекистон сарҳадлари ичида яшаб туриб ҳам баъзан Тошкент кўрсатувларини бевосита олиб бўлмайди. Бунга сабаб нима?



Маълумки, овознигор (радио) эшиттиришлари ҳам, ойнаижаҳон кўрсатувлари ҳам овознигор тўлқинлари орқали тарқатилади. Турли тўлқин узунлигига эга бўлган бундай тўлқинларнинг тарқалиш хусусияти ҳам ҳар хил бўлади. Овознигор эшиттиришлари олиб бориладиган узун (ДВ), ўрта (СВ) ва қисқа (КВ) тўлқинлар Ер сиртини айланиб тарқалади. Шу сабабли бир қисм қуввати атмосферада ютилганидан сўнг ҳам узоқ масофаларга етиб боради. Ойнаижаҳон кўрсатувлари эса фақат метрли (МВ) ва дециметрли (ДМВ) тўлқинларда олиб борилади. Негаки унинг ахбороти (тасвир, овоз, синхроимпульслар ва ҳоказо) кўп бўлганлигидан ДВ, СВ, КВ диапазонларига сиғмайди. МВ ва ДМВ лар эса худди ёруғлик каби тўғри чизиқ бўйлаб уфққа қадар тарқалади. Тарқатувчи антенна баландлигига қараб тарқалиш масофаси 40—80 километрдан ошмайди. Маълум қўшимча ўзгартиришлар (қабул қилувчи антенна баландлигини кўтариш, кучсиз сигнални кучайтириш ва ҳоказо) билан бу масофани 120 километрга қадар узайтириш мумкин. Шу сабабли олимлар ва муҳандислар ойнаижаҳон кўрсатувларини узоқ масофаларга узатиш ва қабул қилиш устида

иш олиб бормоқдалар. Улар бу масалани уч йўналишда ҳал қилишмоқчи: яъни ретранслятор, кабель ва сунъий йўлдошлар ёрдамида.

Ретранслятор дейилганда бири иккинчисидан овознигор нур бевосита бориб тушадиган масофада жойлашган қабул қилувчи ва тарқатувчи қурилмалар тушунилади. Ретранслятор асосан тепалик жойларга ўрнатилади. Кўрсатувларда халақитлар вужудга келмаслиги учун бирор частота диапазоли — каналда қабул қилинган ойнаижаҳон дастури (программаси)ни бошқа бир каналда кучайтириб қайта тарқатилади.

Мамлакатлар ёки шаҳарлар ўзаро ойнаижаҳон кўрсатувларни кабель орқали ҳам алмашишлари мумкин. «Интервидение» системаси шу тарзда ишлайди. Ҳозирги кунда катта шаҳарлардаги ойнаижаҳон марказларидан хусусий ойнаижаҳонга ҳам кабель тортилиб, алоҳида дастурда эшиттиришлар олиб борилмоқда. Лекин тоғдаги чўпон ёки даладаги пахтакор бундай имкониятдан фойдалана олмайди.

САМО орқали ойнаижаҳон кўрсатувларини қабул қилишда ретранслятор Ер сунъий йўлдошига ўрнатилади. Кўрсатувлар шу қурилма орқали қабул қилиниб кучайтирилгандан сўнг Ер юзининг маълум ҳудудига йўналтирилади. Ойнаижаҳон кўрсатувларини сунъий йўлдош орқали тарқатиш ғояси мамлакатимизда биринчи йўлдош учирилишидан ўн йил олдин пайдо бўлган эди. Хизмат кўрсатиладиган ҳудудлар ўрни ва барча ҳисоб-китоблар 1950 йилдаёқ тайёрланиб, 1960 йили эълон қилинганди. Дастлабки лойиҳага кўра Ер сиртидан тахминан 40000 километр баландликда Ер билан уйғунликда айланадиган учта йўлдош фазовий учбурчакка жойлаштирилиши мўлжалланди. Мустақил орбитада жойлашган мазкур йўлдошлардан бирига Ернинг муайян нуқтасидан туриб ойнаижаҳон сигнали юборилади. Йўлдош уни қабул қилиб иккинчи йўлдошга ёки Ер юзининг бошқа нуқталарига тарқатади. Учта йўлдош Ер юзининг асосан аҳоли яшайдиган ҳудуди (кўтб ва кўтб олдидан ташқари) ўзаро ойнаижаҳон кўрсатувлари билан таъминлайди.

ССЖИда биринчи мустақил «Молния — 10» йўлдоши 1974 йилнинг 29 июлида учирилди. У синовдан яхши ўтди. Орада бир йил ўтгач «Стационар — 1» деб аталувчи йўлдош учирилди. Унинг орбитаси айланага яқин бўлиб, Ер юзидан узоқлиги 35800 километр, Ер атрофида айланиш даври 23 соату 54 дақиқа, орбитасининг қиялиги 0,3 даражани ташкил қиларди. Йўлдошдаги ретранслятор орқали туну кун телефон-телеграф алоқаси ва марказий ойнаижаҳоннинг дастурлари «Орбита» тармоғига узатила бошланди.

Лекин хусусий, яъни хонадонларимиздаги ойнаижаҳон бу йўлдошлардан тарқатилган тўлқинларни қабул қила олмайди. Ойнаижаҳон кўрсатувлари олиб бориладиган каналнинг эгаллаган частоталар диапазони кенг бўлганлигидан, бир канал иккинчисидан камида 6,5 МГц га фарқ қилиши керак. Метрли тўлқинлар (МВ) диапазонидан бир-бирига халақит бермасдан 12 каналда, дециметрли тўлқинлар (ДМВ)да эса 21 каналда кўрсатувлар бериш мумкин. Шуни ҳисобга олган ҳолда йўлдош орқали узатилаётган ойнаижаҳон дастурлари жуда катта ҳудудга (одатда диаметри 2—3 минг километрдан кам бўлмаган эллипсга) тарқатилгани учун Ердаги ойнаижаҳон алоқаларига халақит бермаслигини кўзда тутиб сантиметрли тўлқинлар диапазони танланади.

Йўлдошда ўрнатилган қурилмалар асосан қуёш батареяларидан қувват олиб ишлайди. Уларнинг қуввати чекланганлигидан тарқатилаётган тўлқинлар қуввати катта эмас. Ҳозирги кунда йўлдошдаги битта тарқатувчи қурилманинг ўртача қуввати 200—300 Вт атрофида. Бу қувват Ерга йўналтирилганда бир квадрат метрга 0,000 000 000 05 Вт тўғри келади. Кўриниб турибдики, Ерга тушаётган қувват зичлиги ниҳоятда кичик. Уни сезиш учун қувват

тўловчи юзани катталаштириш керак, яъни қабул антеннасининг юзасини жуда катта қилиб олиш керак. Йўлдошнинг ўрни ҳам турли сабабларга кўра қисман ўзгариб туриши ҳисобга олинса, қабул қилувчи антенна ҳам йўлдош ортидан бурилиб туришига тўғри келади. Мана шундай улкан — диаметри тахминан 12 метр бўлган парабола шаклидаги ва автоматик равишда бурилиб турувчи қабул антеннасини бизнинг иморатларга ўрнатиб бўлмайди.

Йўлдошга узатилаётган ва ундан қабул қилинаётган тўлқинларни модуляциялаш частота бўйича амалга оширилади. Шунда сигналлар амплитудаси ўзгармас бўлиб, сўнгра уни турли атмосфера шовқинларидан тозалаш мумкин бўлади. Бунда битта дастур эгаллаган кенглик 25—35 МГц га тенг бўлади. Ердаги ойнаижаҳон дастури узатувчи қурилма ва хусусий ойнаижаҳонлар эса амплитуда



бўйича ўша тўлқинларни қабул қила олади, чунки унинг кенглиги 6,5 МГц.

Йўлдошдан тарқатилаётган тўлқинларни Ердаги маълум юзага йўналтиришнинг сабаби қабул қилувчи антеннада кўпроқ қувват ҳосил қилиш учунгина эмас, балки кейинги даврда орбитага чиқарилган йўлдошларнинг кўпайиб кетганлигидандир. Улар — ойнаижаҳон дастурлари узатишдан ташқари, телеграф, телефон, тижорат ахборотлари, ҳарбий аҳамиятга молик маълумотлар ва ҳоказолар учун орбитага чиқарилган. Халқаро келишувга мувофиқ йўлдошлар орқали ойнаижаҳон дастурлари тарқатиш учун 11,7 ГГц дан 12, ГГц гача бўлган диапазон ажратилган (ГГц-10<sup>9</sup>Гц). Бу оралиқда бир-бирига ҳалақит бермасдан Ерда 100000 та радиостанция ёки амплитуда модуляцияси билан ишлайдиган ойнаижаҳон станцияларидан эса 150 таси шу диапазонда ишлаши мумкин эди. Йўлдош орқали кўрсатувларда қирқта канал সিғади, холос. Дунёда 210 га яқин мамлакат борлигини ҳисобга олсак, бу 40 тани улардан қайси бирига тақсимлаб бериш керак? Бу мамлакатлардан айримларида бир неча миллий дастур борлиги назарда тутилса вазифа янада мураккаблашади. Шу сабабли ҳар бир йўлдош антеннаси Ернинг маълум бир юзасига қатъий йўналтирилган бўлиши ҳамда қуввати чекланиши зарур.

1977 йилда Женевада йўлдошлар орқали ойнаижаҳон кўрсатувларини тарқатиш бўйича бутун дунё маъмурий анжумани чақирилди. Бунда йўлдошлар орқали ахборот узатиш бўйича йўлдошлар ўрни ва улар ишлайдиган частота диапазонлари келишиб олинди. Шунга кўра, Оврупода 34 та, Африқода 52 та йўлдош ўрни ва частотаси белгиланди. ССЖИга бешта йўлдош ўрни ажратилди. Улар ёрдамида мамлакатнинг деярли барча ҳудудига кўрсатувларни узатиш мумкин.

Йўлдош чиқариш ва ундан ойнаижаҳон дастурларини тарқатиш анча катта маблағ талаб қилади. Шу сабабли йўлдош орқали тарқатилаётган дастурларнинг барчасини ҳам текинга қабул қилиш мумкин эмас. Шу мақсадда дастур сигнали махсус кодда бузиб тарқатилади. Уларни ҳалақитсиз қабул қилиш учун эса махсус декодерни ўша тарқатувчидан сотиб олиш ҳам керак бўлади.

Лекин текинга кўриш учун ажратилган алоҳида 12 ГГц ли диапазон ҳам бор. Уни қабул қилиш учун тарқатувчининг розилигини олиш шарт эмас. Ҳозир Оврупода шу диапазонда бешта кўп қувватли йўлдош ишлаб турибди. Улар Олмония, Франция, Буюкбритания, Скандинавия мамлакатларига ва Оврупо само агентлигига қарашлидир. Улар орқали 18 та каналда кўрсатув узатиб турилади.

Кенг омма учун мўлжалланган йўлдошлардан ташқари бош станцияга ТВ ни узатиб берувчи йўлдошлар алоқаси ҳам мавжуд. Улар «тақсимот тармоғи» деб аталади. Мамлакатимизнинг «Орбита» ва «Москва» ҳамда Оврупо мамлакатларига тегишли «Евтелсат», «Телеком — 1» (Франция) ва «Коперник» (Олмония) тармоқлари шу мажмуада бирлашган.

Чет мамлакатлар ойнаижаҳон кўрсатувларини қабул



қилишда яна битта муаммо мавжуд. У ҳам бўлса ТВ стандартларининг мос келмаслигидандир. Бунинг маъноси қуйидагича. Ойнаижаҳон экрандаги ахборот худди китоб саҳифасидагидек сатрлардан иборат. Лекин ўта зич жойлаштирилганлиги учун бу сатрларни кўз илғамайди. Экрандаги сатрлар сони ССЖИ, Францияда 625 та қилиб белгиланган бўлса, Япония ва АҚШда 525 тадир. Бундан ташқари, экрандаги расмлар ҳаракатда кўриниши учун кинодагидек 1 сонияда ўтказиладиган лавҳалар сони кўз илғамайдиган даражада бўлиши керак. ССЖИ, Францияда бу 25 та лавҳани ташкил қилса, Японияда 30 та лавҳани ташкил қилади. Рангли ойнаижаҳон пайдо бўлиши билан ранг ҳақидаги ахборотни узатиш ҳам уч хил стандартда олиб борилади. Улар ПАЛ, СЕКАМ ва НТСЦ деб номланади. Демак, юқорида айтилган муаммолардан ташқари, бир стандартда узатилган сигнални иккинчи стандартдаги сигналга айлантириб берувчи қурилма ҳам бўлиши тақозо этилади.

Ҳозирги кунда ойнаижаҳон мухлислари хусусий қабул қилувчи системага эга бўлиб тақсимот тармоғи дастурини қабул қилади. Саккиз йил бурун биринчи марта хусусий қабул қилувчилар ишлатган системанинг баҳоси 20 минг доллар бўлиб, антеннасининг диаметри 3 метргача эди, ҳозирги антеннанинг диаметри 1,5 метр, баҳоси минг доллардан сал кўпроқ.

Мамлакатимизда ҳам йўлдошдан хусусий қабул қилиш тармоғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда, унинг нархи 3000 сўм атрофида бўлиши мўлжалланган. Бу антенна «Евтелсат», «Интелсат» ва «Астра» йўлдошларидан сигналларни қабул қилиши керак. Жумҳуриятимизнинг баъзи корхоналарида ҳам шу соҳада изланишлар олиб борилмоқда. Амуман шу йилнинг охирига бориб бундай антенналар сотувда пайдо бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Ана шунда сиз чин маънодаги ойнаижаҳонга эга бўласиз.

Нарзиқул ТУРДИЕВ,

Низомий номли Тошкент давлат дорилмуаллимининг доценти, ҳикмат-риёзиёт фанлари номзоди.

# КЕЛАЖАГИМИЗ

## ХАЗОН

### БЎЛМАСИН

Ҳар йили баҳор кириб, майсалар кўзни қувнатган, боғлар яшилга бурканган бир пайтда, кўнглимни бир маҳзунлик чулғаб олади: бу яшил олам нақадар қисқа фурсат учун берилган, ҳадемай олтин, саҳий ёз ҳам ўтиб, яна ҳазон фасли бошланади... Табиат ва жамият ўртасидаги ажиб бир ўхшашликни англагандай бўлман: фасллар алмашиниб, япроқлар ранги ўзгаргани сингари, жамиятдаги гуллаб-яшнаш, фаровонлик ўрнини инқироз, шоирлар айтганидек, «хазон фасли» эгалларкан. Начора, дейман-у, фақат... фақат табиатга хос жамият ҳам, тўғрироғи, биз яшаб турган жамият ҳам яна яшнармикан, деган ўйга толаман.

Бугунги инқирозли жамиятимиз ҳақида кўп гапириляпти. Ҳали ҳозирги вазибаларимизни ҳал этолмай туриб, эртанги масалаларнинг учи кўриниб қолди. Шулардан бири болаларимиз тарбияси. Афсуски, болаларимиз тарбияси бузилиб кетяпти. Нега шундай! Ўтмишга назар ташласак, ўзбек халқининг бу борадаги бой тажрибасини кўрамиз. Шарқ халқлари педагогикасининг ажойиб дурдоналари—панднома руҳидаги асарлар бунга далил. Буюк аллома ва мутафаккирларимиз маърифат ва маданият орқалигина инсон камолотга, жамият эса фаровонликка эришиши мумкинлигини орзу қилишган эди.

Темурийлар ҳукмронлик қилган давр тарихимизнинг кўҳна ва муҳим қисмини ташкил этади. Уша замонларда боболар санъат, маданият, фан ривожини учун кенг имкониятларни вужудга келтиришди. Қанчадан-қанча улугвор бинолар, маданият, меъморчилик обидалари бунёд этилдики, улар ҳозиргача беназир санъат дурдоналари сифатида руҳий озуқа бериб келмоқда. Афросиёб, Варахша, Панжикент, Болаликтепа, Далварзинтепа, Фаёзтепа саройларининг ҳаша-

матли девор безаклари, уларнинг улугворлиги қадимги усталарнинг бетакрор нозик диди, чуқур билимидан дарак беради.

Буларни нимага айтаяпман! Бунинг боиси шундаки, тарбиядаги энг катта фожеа миллий ғурурнинг йўқолганлигидадир. Шунинг учун ҳам аجدодларимизни унутмаслик, қадимий ва кўҳна маданиятимизни, урф-одатларимизни, одоб-ахлоқимизни, миллий анъана ва одатларимизни кўз қорачиғидек асраш, ўрганиш ва турмушда амал қилишимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Ана шундай бой маданий меросга эга бўлган халқимиз асрлар давомидаги меҳнат ва кураш жараёнида зарралаб тўплаган ҳаёт сабоқлари хазинаси соҳиби ҳамдир. Халқ педагогикаси деб шуни айтиш жоиздир. Тарбиянинг ижтимоий моҳияти шундаки, аждодлар меҳнат ва кураш жараёнида тўплаган бой тажрибасини авлодларга инъом этади, айни вақтда улар бу меросга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Бусиз маънавий камолот бўлиши мумкин эмаслиги барчага аён дир. Тарбиянинг ижтимоий илдизлари ҳам шунга бориб тақалади.

Минг йиллар давомида тўпланган тарихий-маданий меросимиз, таълим-тарбия амаллари, бемисл анъаналаримиз, ахлоқ-одоб қондаларимиз, афсуски, инқилобдан кейин «эскилик сарқити» деб қатагон қилинди. Барча халқларни бир тилда сўзлашга, бир хил фикрлашга, ҳатто бир қозондан овқат ейишга мажбур қила бошлаган эдилар.

Бугунги бир неча авлод, айниқса ёшлар илм-маърифат, ахлоқ-одоб гулшанига етакловчи боболаримиз меросидан беҳабар бўлиб вояга етди. Уларнинг ўғит-насиҳатларини фақат бидъат, ўзларига эса эскиликни тарғиб қилувчи кишилар деб қарадик. Бир сўз билан айтганда, ўтмишимизга фақат

тош отдик. Маълумки, ўтмишга отган тошлар бугун харсанг бўлиб қайтиб келяпти. Яхши-ёмонни, оқ-қорани ажратолмай қолдик. Еш авлодга: ўтмишинг қоронғу, тарихинг йўқ, аждодларимиз — Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Худоёрхон, Амир Олимхон, Муҳаммад Раҳимхон кабилар фақат босқинчи, эзувчи, нодон дея сабоқ бердик. Тўмарис, Муқанна, Алпомиш, Жалолиддин, Торобий каби марду майдонларнинг, Нодирабегим, Увайсий, Зебуннисо, Дилшод Барно, Анбар отинларнинг ҳаётини деярли ўрганмадик, ҳаётини ибратини, ўғит-насиҳатларини ёшлар онгига етказмадик. Минг афсуслар бўлсинки, буларни ўзимиз ҳам тўлиқ билмаймиз-ку, ёшларга қандай ўргатайлик. Янгича маданий ҳаётни ўзимиз бутунлай қолиб, фақат ўзга юртлардан, ўзга фозиллардан изладик. Қалтабинлик шу даражага етдики, араб алифбосида битилган китобларнинг аксарияти диний деб йўқотилди.

Энг ачинарлиси, халқ эътиқоддан маҳрум этилди. Оқибатда эса ёшларимиз орасида ахлоқсизлик, беҳаёлик, бефарқлик кучайиб, ҳатто ўқишга қизиқиш сусайиб боряпти.

Ҳозир ёшларимизнинг билим олиши, баркамол кишилар бўлиб етишишлари учун шарт-шароит бор-у, лекин кўпчилик мактаб ўқувчиларидан тортиб, дорилфунун талабаларигача ёлчитиб ўқияпти деб бўлмайди. Кун ўтса, бир амаллаб гувоҳнома, диплом олинса бас, у ёғи билан иши йўқ. Бурч, масъулият, миллатга қайғуриш сингари улуг ғоялар сўниб бораётгани ачинарлидир.

Кейинги пайтларда таълим билан тарбия ўртасида катта узилиш бўлди. Мактабларда билимли-билимсиз болаларнинг фарқи унутилди. Синфдан-синфга 100 фоиз кўчириш мажбурий деб белгиланди. Болаларга юзак баҳо қўйиладиган бўлди. Олтин медаль ўқувчининг аъло билими, намунали хулқига қараб эмас, балки «керакли» одам фарзандларига бериладиган бўлиб кетди. Бу ноҳақлик ота-оналар ўртасида норозилик туғдирса-да, очиқчасига гапира олмадик.

Тарбияда ҳал қилувчи ўрин тутадиган онанинг ўта бандлиги ҳам ёшлар тарбиясига анча зарар етказмоқда. Аёлнинг бошида қанчадан-қанча ташвиш бор, унинг 40 жони бор деб бежиз айтишмаган. У ишга бориши, уй хўжалигини тебратиши, бозор-ўچار қилиши, меҳмон-излом кутиши ва яна қанчадан-қанча бошқа ишларни бажариши керак. Аёл бу ишларни бажараман деб бўзчининг моксидек тинмайди. Ўз савиясини ошириш, маънавий дунёсини, фарзандларининг маънавий дунёсини ўйлашга бечораларнинг вақти қаёқда дейсиз. Эркак, яъни отанинг аҳволи бундан енгил эмас.

Вақт, шароит, ҳаётимизга «бостириб» кираётган айрим ғарб ва марказдан келаётган кинофильмлар, мусиқа, турмуш тарзи ўз ишини қилиб, ёшларимизнинг дунёқарашига салбий

## СЌҚИРЛАР

таъсир этмоқда, уларни йўлдан урмоқда. Болаларимизнинг ўсмирликдан ўтиб улгурмай, куз япроқларидай сўлиётгани, орзу-истаклари чинидек чил-чил синаётгани, қадр-қимматлари поймол бўлаётгани эмасми бу!

Юртимизда ота-оналарини эъзозлаётган, уларнинг ҳурматини жойига қўяётган меҳр-муҳаббатли ўғил-қизлар жуда кўп. Улар ўз волидаларини қиблагохлари атрофида парвона. Лекин гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ота-оналарини ўз ҳолларига ташлаб, улардан хабар олмайётган, бир коса овқат, бир пиёла чойидан бебахра этаётган, меҳрини дариг тутаетган ноқобил фарзандлар ҳам учраб турибди. Отаси ёки онасини қариялар уйига олиб бориб ташлаётганлар йўқми! Наҳотки, улар ўзлари ҳам худди шулар каби бир кун бир бурда нонга зор, бир оғиз ширин сўзга муҳтож бўлишлари мумкинлигини билишмаси! Наҳотки, уларда меҳр-оқибат, садоқатдан асар ҳам қолмаган бўлса! Наҳотки, бу, одамийликка, мусулмончиликка тўғри келса!

Мактабнинг моддий ва маънавий ночорлиги, жамоат ташкилотларининг тутуриқсиз иш тартиби, оилалардаги иқтисодий тақчилликлар туфайли ҳам кўпгина нуқсонлар келиб чиқмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳар саккиз мактабдан биттаси тўкилиб тушиш хавфи остида, мактабларнинг 70 фоизиди болалар — икки, ҳатто уч навбат билан ўқишмоқда. Оддий парталар, ўқув анжомлари, таълимнинг техника воситалари, ўқув-кўргазмалари қурооллар номигагина бор. Шунинг ҳам айтиш керакки, ўқувчилар замонавий, миллий дарсликларсиз ўқиб келишмоқда. Ешларга тарбия беришда бир қатор ўқитувчилар ва тарбиячиларда на бурч, на виждон масъулияти бор. Қолаверса, уларнинг ўзини тарбиялаш лозим кўринади.

Муаллимлар ва толиби илмларга мукамал дарсликлар яратиш олдимизда турган катта муаммолардан бири бўлиб турибди. Айни пайтда муаллимларнинг яхши ўқитиши, толибларнинг аъло билим олиши ва қобилиятини чархлаши учун мос шароит ва муҳит ҳам зарур. Очигини айтганда, бизда дарсликлар ҳам, шароит ҳам, муҳит ҳам давр талабига жавоб бермайди. Таълим-тарбия масалалари билан шуғулланиши керак бўлган педагогикани оладиган бўлсак, Ленин, Крупская, Макаренко, Ушинский ва Каменскийларнинг фикрлари ҳамон ҳужумрон, гўё улардан бошқа ҳеч ким йўқдек. Қолаверса, оврупо тарбияси бизнинг урф-одатимиз, миллий хусусиятларимизга ҳаммиша тўғри келармайди-ку. Шарқ алломаларининг унутилган, гавҳардан қимматли фикрларидан фойдаланишимиз фақат наф келтиради.

Тарих фанини оладиган бўлсак, ўзбек ва бошқа қардош халқларнинг болалари рус халқи тарихини ўрганиб катта бўлдилар ва ҳозир ҳам бу

давом этмоқда. Ўзбеклар ўз халқининг тарихи, маданияти, анъаналари ва урф-одатларидан бегона бўлиб тарбияланди. Бу бегоналик, бебахарлик, жаҳолат эса кадриятларнинг оёқ ости қилинишига, виждонсизликка, худбинликка йўл очди.

Ешларимизнинг ҳозирги оғир ва машаққатли бурилиш давридаги аҳволи, унинг камолот сари қандай йўлдан боришлари кераклиги, эртанги кунимиз ёруғ, истиқболли бўлиши, халқимиз маданияти ва кадр-қимматини ошириш учун нималар қилишимиз кераклиги ҳақида кўпроқ ёзувчилар, журналистлар фикр билдиришмоқда, қайғуришмоқда. Бу курашнинг аввалида турши лозим бўлган олимларимиз эса ҳамон жим, ҳамон сукут сақламоқдалар. Дадил фикр айтишга ё билим етишмайди ёки юқорига гап тегизиб қўйишдан қўрқишади. Қачонгача шундай ўтираверамиз ахир!

Бола тарбияси уни ўраб турган ижтимоий муҳитга ҳам бевосита боғлиқдир. Муҳит фиксир фасодга, товламачиликка, ахлоқсизлик кўринишларига тўла экан, тарбия самарали бўлиши мумкин эмас.

Бола катталарга тақлид қилади, уларга эргашади. У ҳавас қиладиган, ўрناق оладиган кишилар нопок, ўз манфаатини ўйловчи, худбин бўлса, бола нима қилиши керак! Бундай ўғил-қизларимиз ўрناق олган кишилари кетидан эргашиб, худди улар каби худбин, шахсиятпараст ва манфаатпараст бўлиб ўсмайдилар деб ким кафолат бера олади! Ешликда берилган таълим-тарбия, катталарнинг ўрнаги бамисоли тошга ўйилган нақш, шу боис ана шу нақшнинг қандай бўлиши, ўғил-қизларимизни кейинчалик қандай йўлларга бошлаши биз учун бефарқ эмас.

Заковат ва фаросат инсон учун энг қимматли фазилатдир. Бу хислатларга эга бўлган инсон ҳар ишда муваффақиятга эришади.

Яхши таълим ва тарбия кишининг барча хатти-ҳаракатида, кундалик ҳаётида сезилиб туради. Унинг фазилати, улуғворлиги, қадр-қиммати, донолиги ва зийраклиги ижтимоий ҳаётга бўлган муносабатларида ёрқин намён бўлади.

Доноларнинг асрлар давомида инсон ва унинг табиатни кузатиш ва ўрганиш натижасида ортирган бой тажрибасини халққа етказиш ва ёш авлод тарбиясига хизмат қилдириш муқаддас вазифадир.

Барча умидимиз — эртанги кунимизнинг таянчлари бўлган фарзандларимиздан. Барча яхши фазилатлар — хушахлоқлик, меҳнатсеварлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат кўрсатиш, ўзини ва ўзгалар қадрини эъзозлаш каби инсоний хислатларини фарзандларга сингдириш сиз билан бизнинг оддий инсоний бурчимиздир.

Тўлаган ДОМАЕВ,  
педагогика фанлари номзоди,  
Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

«Кўзи сўқирдан қалби сўқир ёмон»  
[Ўзбек халқ мақоли]

Узлингингиз англайсизму, сўқирлар,  
Хурлик, эрки танлайсизму, сўқирлар,  
Виждонингиз тинглайсизму, сўқирлар,  
Сиз ким билан қалби ожиз, сўқирлар.

Бошлар узра қора булут айланди,  
Душман яна сиртмоқ ушлаб шайланди,  
Гумроҳларим, билмам, нени танлайди,  
Сиз ким билан қалби ожиз, сўқирлар.

Ё қул бўлиш бизга ота меросму,  
Ботир ўғлон эрк деб наъра тортмасму,  
Эл-юрт учун жонин ўтга отмасму,  
Сиз ким билан қалби ожиз, сўқирлар.

Озодлик деб Муқанналар ёндику,  
Жалолиддин Жайхунга от солдику,  
Халқим бахтин ўйлаб хаёл толдику,  
Сиз ким билан қалби ожиз, сўқирлар.

Аждодимиз доноларнинг доноси,  
Мир Алишер — улуғларнинг бобоси,  
Қайга кетди кўҳна Шарқнинг даҳоси,  
Сиз ким билан қалби ожиз, сўқирлар.

Тақдиримиз ҳал бўлмоқда, бил, букун,  
Тилинг бўлса тилга киргин, тил, букун,  
Соқов эрсанг абадий бўл, қул, букун,  
Сиз ким билан қалби ожиз, сўқирлар.

Халқим ўйлаб юрак-бағрим қон бўлди,  
Ҳайхот, бу юрт манқуртларга қон бўлди,  
Сизда қачон хурлик шараф-шон бўлди,  
Сиз ким билан қалби ожиз, сўқирлар.

Евга эмас, дўстга чуқур кавлаймиз,  
Элни алдаб душман кўнглини овлаймиз,  
Ғаним қўлин, билмам, қачон бойлаймиз,  
Сиз ким билан қалби ожиз, сўқирлар.

«Бақарамиз», кўпдир «хўп-хўп» бу элда,  
Яқдиллик йўқ, муштлашиш кўп бу элда,  
Қачон бўлар золимга тўп бу элда,  
Сиз ким билан қалби ожиз, сўқирлар.

Дам ғанимат, қараб турмагин ерга,  
Тикма ўзинг тириклайин сен гўрга,  
Элинг баҳо берсин ўтган умрга,  
Сиз ким билан қалби ожиз, сўқирлар.

Лоқайдлигинг бошин ғажиб емасму,  
Оналар ғам, мотам тўнин киймасму,  
«Бирлашмаган тўзар, болам» демасму,  
Сиз ким билан қалби ожиз, сўқирлар.

Ҳақиқат дарахтин кесмасин қилич,  
Илму урфон инсон учун қудрат, куч,  
Ҳалол меҳнат билан зафарларни қуч,  
Сиз ким билан қалби ожиз, сўқирлар.

Мустақиллик — барчамизга бахту тож,  
Сайлов кунини ҳушёр бўлу, кўзинг оч,  
Яхшиларга яқинроқ бўл, ётдан қоч,  
Сиз ким билан қалби ожиз, сўқирлар.

Учқур қанот тилай бардош, сабрингга,  
Жаҳон садо берсин юрак зарбингга,  
Айтқил, қачон етажаксан қадрингга,  
Сиз ким билан қалби ожиз, сўқирлар.

Адолат деб юртим, элим бирлашса,  
Қалб амрига қулоқ тутиб сирлашса,  
Кундай кулиб, Шодий, зиё улашса,  
Сиз ким билан қалби ожиз, сўқирлар.

# ҲАР БИР ОДАМ—БИР ОЛАМ



Яқинда экстрасенс-руҳий табиб, шифобахш нигоҳ соҳиби Абдуғаффор АБДУЛЛАЕВ билан шарқшунос олим Маҳмуд ҲАСАНИЙ ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Ана шу суҳбат диққатингизга ҳавола этилмоқда.

— Абдуғаффор, мана, қарийб бир йил бўляптики, Сиз Тошкентда даволаш сеанслари олиб боряпсиз. Мен ҳам Сиз каби Марҳамат туманиданман. Марҳаматда сиздан бошқа бир қанча экстрасенслар, яъни каромат соҳиблари бор. Булар қаторига Кўлайсин, Абдуқаҳҳор, Исҳоқжон, Муҳаммадқўб, Аҳмадулло, Улуғбек ва бошқаларни қўшиш мумкин. Уларнинг баъзилари руҳлар орқали даволасиз, баъзилари бионур орқали даволашади. Сизнинг даволаш усулингиз нафақат ҳамқишлоқларингизникидан, балки мамлакатдаги кўпгина экстрасенсларникидан ҳам фарқ қилади. Менинг билишимча, Сиздаги нигоҳ билан даволаш қобилияти биронта одамда учрамайди, буни қандай қилиб сезиб қолгансиз?

— Тахминан ўн йилча муқаддам бир кун туш кўрдим. Тушимда бир оқсоқол киши келиб: «Ичкилик ичма, тўғри юр, тўғри тур, етти йилдан кейин яна келаман» деди. Орада етти йил ўтгач, яна туш кўрдим. Тушимда бир баланд ерда ўтирган эмишман, яна бир неча оқсоқоллар келиб: «Ишга кириш, одамларни даволаш билан уларга яхшилик қил, кўп ўтмай қизинг Нигора ҳам сен каби хислатга эга бўлади», дейишди. Кашпировский сөнсидан сўнг қон босимим кўтарилиб, касалхонага тушиб қолдим. Ёнимдаги беморнинг оёғи шишиб кетган, оғриққа чидаёлмас эди. Раҳим келиб, тикилиб тургандим, бир оздан кейин оғриғи қолиб, ўзи уйқуга кетди. Эртасига ўша бемор: «Яна қараб қўй, сен тикилиб турсанг оғриқ тўхтаб қоляпти» деди. Уч кундан сўнг бутунлай тузалди. Бу таъсири бошқаларда ҳам синадим, фойдаси аён бўла бошлади. Андижон Тиббиёт олий билимгоҳи шифохонасида текшириб кўришди. Синов муваффақиятли чиқиб, даволашга рухсат беришди. Мен ҳақимда Марҳамат тумани рўзномаси «Оқ олтин»да ва вилоят рўзномаси «Коммунист»да мақолалар ёзишди.

— Тошкентда ҳам текшириб кўришдимки!

— Ўзбекистон экстрасенслар кўмитасида махсус аппарат ёрдамида кўзимдаги бионур қувватини текшириб кўришди. 1000 Маэкан, бир ойдан кейин эса бу куч 1500 дан ошиб кетди. Бироқ менга қўл орқали даволашдан кўра, кўзим орқали даволаш маъқулроқ. Москвада нашр этилган бир китобда ўқисимча, бионурни кўзга тўплаб таъсир этиш энг олий даражалардан бири экан. Текширув ва даволаш сеансларидан сўнг менга «экстрасенс-руҳий табиб» деган гувоҳнома беришди. Маҳмуд ака, Сизда ҳам «экстрасенс-руҳий табиб» деган гувоҳнома бор, бу соҳада анча тажрибаларга эгасиз, бундан ташқари, араб-форс тилларини биласиз, ўтмишдаги каромат соҳибларнинг тарихи билан яхши танишсиз. Айтинг-чи, ўтмишда Шарқда кўзи билан таъсир ўтказадиган одамлар бўлганми?

— Ҳа, бўлган, бироқ улар узоқ машқлар орқали бу хислатга етишганлар, Сизда эса бу тўғма, энди-энди кучайиб бормоқда.

Ўтмишдошларда бу хислат жуда кучли бўлган. Масалан, Улуғбекнинг вафотида ноҳақ айбланаётган мавлоно Низомуддин Хомуши олайлик. «Рашаҳот» китобида ёзилишича, у кечалари кезиб юриб, дам олиш учун масжидларга борар экан ва масжиднинг қўлфига бир оз тикилиб турса, қўлф «шиқ» этиб очилиб кетар экан. У бир кун анҳор лабида таҳорат қилиб ўтирса, бир киши келиб орқасидан тепиб юборибди. Мавлоно сувга қўлаб кетиб, гоҳ шўнғиб, гоҳ сув бетига чиқар экан, ҳалиги кишига газаб билан бир боқишда ўлдириб қўйган. Маълум бўлишича, бу деҳқоннинг сувини кимдир ўз ерига очиб кетаверган, сўнги марта келган деҳқон мавлонони сув ўғриси деб гумон қилиб тепган экан.

Ёки Алишер Навоийнинг тасаввуфдаги дўсти мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Раважийни олайлик. У Жомийнинг пири мавлоно Саъдуддин Қошғарий қўлида Ҳирот масжидларидан биринда авлиёлик илмини ўрганган. Бир кун у ўзи машқ қилиб ўтирган уйнинг деразасидан ташқарига қараб, бир одамга кўзи тушади, ўша одам ўша онда йиқилиб ўлади. Иккинчи марта ҳам шундай бўлади. У пирини чақириб, аҳволни айтади. Пир унга кўчага қарамасликини, бу ҳолат бирор ойдан кейин ўтиб кетишини, кейин эса истаган пайтда бундан фойдалана олишини айтади. Бундай мисоллар жуда кўп. Демак, бундай қобилиятдан нафақат даволашда, балки уни кучайтириб бошқа соҳаларда ҳам фойдаланиш мумкин. Шунинг учун Ибн Сино «Шифо» китобида шогирдига мурожаат қилиб: «Эй шогирд, бир одам кучи билан қимирлата олмаган тошни бошқа киши кўзи билан жилдирибди, деса инкор қилишга ошиқмагинки, сен бунинг сабабини табиатдан топа олсан» деган эди. Абдуғаффор, келинг, аввалги гапимизга қайтайлик. Тушингизда дуо ўргатган ўша киши яна қайтиб келдимиз!

— Ҳа, қайтиб келди. Уни яна тушимда кўрдим, у менга аввало Андижонда, сўнг Тошкентда даволашимни башорат қилди. Агар ҳаракат қилсам, худди Кашпировский ва Чумақлар каби Тошкент телевидениесида сеанслар ўтказишим мумкинлигини айтади. Аммо, Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги айрим кишиларнинг тўсқинлиги билан бу иш амалга ошмай турибди.

— У одамни тушингизда эмас, ўзингизда кўра олсансизми!

— Йўқ, ҳозирча кўролмайман, лекин кўришим керак. Аммо қизим бемалол кўра олади, у билан гаплашиб ахборот олади. Яқинда Тошкентда М. исмли аёлга кўринишини илтимос қилган эдим, кўринди, у ўзига керакли нарсаларни сўраб олди. Маҳмуд ака, улар билан ўтмишда алоқа қилган одамлар бўлганми, уларни кўриш учун нима қилиш керак? Билсангиз, шу ҳақда бир оз гапириб берсангиз.

— Бундай одамлар асрлар давомида бўлган. Жун Давиташ-вилининг отаси руҳи билан гаплашиши, Ванганинг одамлар руҳи билангина эмас, балки ҳайвонлар руҳи билан гаплашиши бунга ёрқин мисолдир. Эшитишимча, тошкентлик Маъмура нафақат руҳлар билан, балки қўшлар билан гаплаша бошлабди. Ўтмишда «Илми тасхир» ёки «Тасхирот» деган илм бўлган. Бунинг маъноси «бўйин эгдириш илми» демакдир. Бу илм орқали кўзга кўринмайдиган оламнинг вакиллари — жинлар, парилар, фаришталар бўйин эгдирилади. Бунинг учун махсус дуолар узоқ муддат мобайнида чилла ўтириб ўқилади. «Мифтоҳ ул-улум» [«Илмлар қалити»] китобининг муаллифи хоразмлик Муҳаммад Сакконий: «Тасхир илмини эгаллаган киши авлиёдан ҳам кучли бўлади» деган эди. У осмонда учиб кетаётган ўрдакни ўқу камонсиз ерга тушириб бериб, Хоразм хонини ҳайратга солган эди. Аммо, бу илмин фолбинликдан ажратиб керакки, фолбинларнинг кўзига жинлар ёки парилар касаллик ёки тасодиф туфайли кўринадиган бўлиб қолади, улар бўйин эгдирилмаган бўлиб, гоҳ тўғри, гоҳ элғон ахборот берадилар, шунинг учун уларнинг айтганлари баъзан тўғри, баъзан нотўғри чиқади. Баъзи ноинсоф фолбинлар одамларни алдаш учун ўзларни дуо ўқиган ёки чилла ўтирган қилиб кўрсатадилар. Масалан, Вангада ҳам бўйин эгдирилмаган «одамлар бўлиб, унинг 60 фоз айтганларини тўғри чиқади. «Рашаҳот», «Нафоҳот ул-унс» китобларида кўзга кўринмас олам вакиллари — муаккаллар билан алоқада бўлган одамлар ҳақида ҳикоялар бор. «Ҳаёт ул-ҳайвон» ҳамда бошқа бир қанча кўлөзмаларда эса кўзга махсус моддаларни суртиб ўткирлаштириш орқали бу олам вакилларини кўриш, ҳатто гаплашиб, ишга буюриш усуллари берилган. Абдуғаффор, Сиз доимо экстрасенслар ичидасиз, айтинг-чи, нега улар бирдан кўпайиб кетишди, улар куч-қувватда қандай, ҳаммасидан ҳам шифо олса бўладими!

— Уларнинг кўпайиб кетиши ҳақида кескин бир фикр айтиш қийин. Баъзилар буни даврга боғлашади. Гўёки маълум асрларнинг маълум йилларида сеҳргарлар, фолбину жодугарлар кўпайиб кетармиш. Баъзилар эса осмондан келган вакилларнинг

иши, дейишади. Ҳиндистон йоглари бионурни бутунлай инкор этишади. Жуна эса бионурни «қонни қиздириш» деб атайди. Мадийр Солаевнинг бионурга этиқоди йўқ, таъсирини эса вақтинча деб ҳисоблайди. Баъзи врачлар даволашнинг яхши йўлга қўйилмагани экстрасенсларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда, дейишади. Менимча, бунинг сири бундай даволашнинг очилиб кетишида бўлса керак, аввал одамлар бу ҳақда билишмаган, кейинроқ бу ҳаммага маълум бўлгач, ҳар ким ўзидаги бу қобилиятни очиб бормоқда. Аммо, уларнинг ичида муттаҳамлари ҳам кўп. Баъзи ташкилотлар эса пулга учиб дуч келган кишига гувоҳнома бермоқдалар.

— Тўғрироғи, ҳозир битта Олимхон керак, денг.

— Гапингизга тушунмадим.

— Ҳазил қиялман. Ун тўққизинчи асрда Қўқонда Олимхон деган хон ўтган. Бу ҳақда Исҳоқхонтўра Ибрат ўзининг «Таърихи Фарғона» деган китобида ёзиб кетган. У яшаган йилларда Қўқонда кароматфурушлар кўпайиб кетган экан. У кароматфурушларни ушлатиб келган ва мушук гўшти солинган ошни ейишга тақлиф этган. Билмаган кишилар ошдан еган, Олимхон уларни халқ ичида шарманда қилган. Каромат қуввати билан сезиб қолиб емаганларни иззат-икром қилган. Яна катта ҳовуз устига арқон тортиб, кароматфурушни ундан юриб ўтишга мажбур қилган. Фирибгарлар сувга йиқилиб шарманда бўлганлар. Натихада Қўқон хонлигида эшон, мурид, кароматфурушлардан деярли асар ҳам қолмаган. Ҳатто Олимхон ўз пирини ҳам қалтақлатган. Воқеа бундай бўлган экан: Олимхон бир шаҳарга ҳужум қилиб, кўп талафотлар кўради, ою йиллар ўтса ҳам уни ололмайди. Пирини саройга олдириб келиб, дуо қилишни сўрайди. Пир унга: «Фалон ойнинг фалон кунни фалон соатда ҳужум қилсанг шаҳарни олсан», дейди. Ҳақиқатан ҳам ўша кун

шаҳар олинади. Хон пирини олдириб келиб, унга кўп миннатдорчиликлар изҳор қилади. Сўнг ундан: «Тақсир, шарият қондаларидан бири бўлмиш вожибни бузган кишига қандай жазо берилади!» деб сўрайди. «Етмиш таёқ уриш керак» дейди пир. Хон амри билан пирга етмиш таёқ урадилар. «Мен сенга нима ёмонлик қилдим!» дейди пир ўлар ҳолатда. Хон: «Дуо қилинг десам, кўпчилик олдида кароматфурушлик қилиб, шаҳарнинг олиниш соатигача айтдингиз, бу билан авлиёлик сирини яшириш лозимлиги ҳақидаги вожибни буздингиз!» дейди. Агар бизда ҳам кескинроқ турилмаса, яқин йилларда ҳамма экстрасенсга айланиб кетадиганга ўхшайди. Уларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш учун ҳаракат қилиш лозим. Ҳозир ким касал бўлиб қолса, мабодо экстрасенс бўлиб қолмадиммикан, деб ўзини текширтириш учун Тошкентга югуради.

— Маҳмуд ака, ҳақиқий экстрасенс қандай бўлиши керак? Умуман, бионурдан ўтмишда фойдаланганлар бўлганми ёки баъзилар айтгандек, у янгиликми?

— Бионурдан асрлар давомида фойдаланиб келинган. Бироқ, ўтмишдошлар ҳозирги экстрасенслар каби қўлу оёғи сал-пал қизиб турса, мен экстрасенс эканман, халқ олдига чиқиб, кўпчиликни даволашим керак экан, дейдиганлар тоифасидан бўлмаган. Улар ҳақиқий бионурга эга бўлганлар ва бу қувватни ошириш учун ҳаётининг кўп қисмини шу ишга сарфлаганлар. Бу ҳақда мисоллар жуда кўп, мен фақат Абдураҳмон Жомий ҳаётидаги баъзи воқеалар билан чегараланаман. Жомий ўз даврининг йирик тасаввуф шайхи Саъдуddин Кошгарийнинг муриди, Навоий эса Жомийнинг муриди бўлган. Жомийни шаҳсан таниган ва у билан кўп мулоқотда бўлган Али Сафий «Рашаҳот» китобида қўйидаги ҳикояни келтиради. Ҳирот олимларидан бири Жомий билан Мадина сафарида бирга экан. Олим қаттиқ касалга чалинади.

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

## КЎЗИНГГА ИШОН, ИНСОН!

Нигоҳий табиб АБДУҒАФФОР  
АБДУЛЛА ўғлига

Дарддан яралганми аслида одам,  
Шунчалар ҳам кўпми инсоннинг дарди?  
Кон бўлиб ахтарар дардига малҳам,  
Шифо излайдию чора излайди!

Одам захрин, дерлар, одам олади,  
Тирик жон яшагй умидвор ҳар дам.  
Яхшидан яхши ном, пок из қолади,  
Демак, керак экан одамга одам!

Сўзининг кучигаю кўзининг сеҳрига  
Қолмади жаҳонда заррача гумон.  
Кўз билан, сўз билан тортиб меҳрига,  
Ихлос уйғотмоқда шифокор-инсон.

Кўнгилдан кўнгилга йўл бордир, ҳақ рост,  
Қалбингга, кўзингга қулоқ сол, инсон!

Даҳолар мероси: «Ихлос бу — халос!»  
Ақлу шуурингга, ўзингга ишон!

Кўзларга боқайлик қалбан инониб,  
Ўзига ром айлар олов нигоҳлар.  
Дарддан фориг жоннинг дуосин олиб,  
Олис уфқларни мўлжаллар — чоғлар.

Инсоннинг ўзи бу — буюк мўъжиза,  
Лол-ҳайратдир дунё заковатига.  
Қалтабин кимсалар бўлмасди изза,  
Ишониб яшашса башоратига.

Инсонда намоён олтинчи туйғу,  
Кўринмас олам у — менинг оллоҳим!  
Қалбларга оташу кўзларга ёғду  
Бериб, ўзинг қўлла, оппоқ, пок руҳим!

Бир неча кундан сўнг Жомий уни кўришга келади ва унга:

— Жуда ўзоқ ётиб қолдинг-ку! — дейди.

Олим эса Жомийнинг байти билан жавоб қайтаради:

Гар бар сари бемори худ ойи ба нёдат,  
Сад сал ба умеди тў бемор тавон буд.

Таржимаси:

Агар беморни ўзинг кўргани келадиган бўлсанг,  
Келишинг умидида юз йил кутиб ётса арзийди.

Жомий хушҳол бўлиб, кўзини юмганича, бир оз сукутга кетади. Кўп ўтмай беморнинг пешонасидан тер томчилари оқа бошлади.

— Ана, энди бир оз ўраниб ёт! — дейди Жомий.

Бемор қаттиқ терлаб, дарддан фориг бўлади ва уч кундан сўнг бутунлай тузалиб, Жомийнинг ҳузурига боради.

Шу сафарда бўлган бошқа бир олим ҳам қаттиқ касалга мубтало бўлади. Атрофидагилар ундан умид узиб, кўмиш тадбирини кўра бошлайдилар. Ногоҳ Жомий кириб келади. Беморнинг ўнг қўлидан тутиб, кўйлагини тирсагигача кўтариб, бир неча марта слайди ва кўзини юмган ҳолда сукутга кетади. Беморда қувват пайдо бўлади. Бир неча кундан сўнг эса талом тузалади.

Муҳаммад Раважийнинг ҳикоя қилишича, у ўз ҳампираси Жомий билан Руди Молон анҳор қирғоғида ўтиришган экан.

Баҳор фасли бўлиб, анҳор сув билан лиқ тўлиб оқар экан. Сувда бир тошбақа оқиб келаётган бўлиб, Жомий уни тутиб олади ва кафтини бир неча марта унинг устида юргизади. Тириклик асари бўлмаган тошбақа аста-секин ҳаракатга келиб, қочиб ўрнига Жомийнинг кучоғига чиқиб ётади. Уринларидан тургач, Жомий тошбақани ерга қўйиб жўнашади. Тошбақа эса анча жойгача Жомий орқасидан эргашиб боради, отлар тезлаб кетгач, орқада қолиб кетади.

Кўрнинг турибдики, ўтмишда бионурдан фойдаланилган, бироқ уларда жуда кучли бўлган, фақат одамларгагина эмас, бошқа мавжудотларга ҳам таъсир ўтказилган. Абдуғаффор, сиз кейинги пайтда радио, магнитофон батареяларига қайта жон киритаяпсиз. Бу биринчи марта қандай содир бўлди!

— Марҳаматга борган эдим. Магнитофонимиз батареясининг кучи камайиб қолган экан. Қизим: «Дада, батареяни зарядлаб беринг» деб қолди. «Зарядлай олмайман» дедим қизимга. «Йўқ, зарядлай олмасиз», деди қизим ишонч билан. Ун беш деки-қа тикилиб турдим. Кейин қарасак, магнитофон балодек ишляпти. Тошкентга келганимда текшириб кўришди. Бу ёғини ўзингиз биласиз.

— Ҳа, ўша кунни мени чақириб, бу хислатимни Тошкент политехника олий билимгоҳида текшириб кўришмоқчи, деганингизда ҳайрон бўлган эдим. Ҳақиқатан ҳам, батареяга қувват ато қилганингиз маълум бўлди. Буни доцент Тўхтасин Каримбердиев ва

Давоми 15 бетда

# АМИР ТЕМУР

## ВА

# СУЛТОН БОЯЗИД

Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, ССЖИ давлат мукофоти нишондори Обид АКРАМХУЖАЕВ ер фанлари соҳасида йирик муваффақиятларни қўлга киритиш билан бирга чинакам зиёли сифатида ўзбек халқининг тарихи, унинг маданияти билан ҳам ниҳоятда қизиқадилар. Қуйида муҳтарам олимимизнинг кўна тарихимизга оид мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этаётирмиз.

Кейинги вақтларда Урта Осиё, ҳатто дунё тарихида катта из қолдирган соҳибқирон Амир Темури ҳақида кўп қиссалар, турли мақолалар ёзилмоқда, у ҳақдаги тарихий манбаларга мурожаат қилинмоқда. Энг қувонарлиси шуки, эндиликда бу улғу ватандошимизнинг жуда кечикиб бўлса ҳам буюклиги тан олинди, буюк аждодимиз ҳаёти ва фаолиятига оқил ва одил баҳо берилди. Қолаверса, у ҳақда бадий асарлар, жумладан тарихий роман, ҳатто киносценарийлар ёзилмоқда. (Оврупода, умуман, тараққий этган капиталистик мамкалатларда бу ишлар билан аллақачонлардан бери шуғулланилмоқда. Жумладан, «Темурланг» деб аталган тарихий пьеса Лондон театрларида 100 йиллар оша қўйилиб, ҳамон сахнадан тушмаганини кўпчилик билади). Бу ғоятда қувончли ҳол, албатта. Шу туфайли мен ақлимни таниганимдан бери — ўз эл-юртимнинг тарихига қизиқишим борасида Темури ҳақида билган маълумотларимдан бир неча жиддий аҳамиятга молик тарихий далилларни кўрсатиб ўтмоқчиман.

Мен Амир Темурининг Мовароуннаҳрда мўғул ҳокимиятига қарши курашини, ягона марказлашган давлат тузганини, кўп тарихчилар томонидан эътироф этиладиган илм-фан ҳомийларига бўлган ҳурмат-эътиромлари, ободончилик ва меъморчиликка қўшган катта ҳиссасини ва, ниҳоят. Олтин Ўрда салтанатига зарба бериб, Россияни мўғуллар зулмидан озод қилганини, машҳур Анқара жангида (1402 й.) Усмонли Турк султони Йилдирим Боязидни энгиши натижасида Болқон мамлакатлари, ҳатто бутун Оврупо энгил нафас олабошлагани ҳақида мавжуд маълумотларга тўхталмоқчи эмасман. Мен Амир Темурининг Султон Боязидни энгиб, асир олгач, у билан бўлиб ўтган суҳбати ҳақида фикр юритмоқчиман. (Амир Темури билан Султон Боязид учрашуви ойнома 4-сонини муқовасининг 1-саҳифасида берилган.)

Менинг қўлимдаги баъзи тарихий манбалар ва озарбайжонлик машҳур драматург Ҳусайн Жовиднинг «Топол Теймур» — («Оқсоқ Темури») деб аталган тарихий драматасида келтирилган диалог ниҳоятда қизиқарли ва ҳақиқатга яқиндир. Бу диалог орқали ҳар бир киши ўша замонда яшаган икки жаҳонгирнинг инсоний хусусиятлари, уларнинг хислатлари ва камчиликлари, бир-бирларидан фарқлари ҳақида муайян даражада тушунчага эга бўлиши мумкин.

Анқара остонасидаги муҳобарада, маълумки, Боязид энгилди, баъзи манбаларга кўра, унинг лашкарбошилари, ҳатто Боязиднинг ўғли Шайхзода Сулаймон ҳам қочишга мажбур бўлади. Аммо Боязид қочишни ўзига орбилиб, Темурига асир тушади. Энди Ҳусайн Жовиднинг «Оқсоқ Темури» тарихий драматасида баён этилган ана шу диалогни келтирамиз:

«ЛАШКАРБОШИ САБУТОЙ — [Темур ёнига келиб таъзим қилади]: Жаноби олийлари, Йилдирим ҳузурингизга келди.

— Марҳамат келсин [Йилдирим икки аскар иҳтосида кириб келади].

ДОВОН БЕК — Мана усмонлилар султони Йилдирим Боязид! ТЕМУР — [Тавозе ила курсини кўрсатиб]: Марҳамат қилинг, шавкатли султоним. Оллоҳнинг қули Темуридан донмо икром ва эҳтиром кўражаксиз. Чарчангансиз, илтимос қиламан, ўтиринг. [Боязид ўтирмайди, Темури ёнидан бир қоғоз чиқариб унга бериб]. Лутфан бу мактубни ўқингансиз!

ЙИЛДИРИМ — [мактубни олиб, кўзларига яқин олиб келади ва уни Темурига қайтаради]... Ёзилган вақтида албатта ўқилган.

ТЕМУР — Мен бу мактубдаги ёзган сўзларингизни аллақачон унутганман ва афу этганман. Эндиликда эса Сизнинг муҳаббатингизни қозонишни истардим. [Маъноли ва мағрур қараш билан, Темури шоир Кирмонийга боқади]. Қизиқ, бунга шоиримиз нима деркин!

ШОИР — [самимий ва жўшқин оҳангда]: Муҳаббат! Муҳаббат!.. Бу башариятни қутқарувчи — халос этувчи ёлғиз муҳаббатдир. Муҳаббатли чўпон қалби, гина ва адоват ҳақида ҳаёл қилувчи султон бошидан шарафлидир. Агар дунёнинг шоили муҳобабалари, қонли жанглариининг натижалари инсонлар қалбида муҳаббат ярата олмаса, унда бутун ҳаёт ва кинотга нафратлар бўлсин.

ТЕМУР — Ажаб! Мағрури Йилдирим буни қандай тушунадилар!

ЙИЛДИРИМ — Тушунадиган ҳеч нарса йўқ. Ҳақиқатан эса сен голибсан! Аммо бу ғалаба турк миллатини эмас, балки шу кунларни кутган душманларни маънун этди. [Оғир бир хафақчилик, бироқ шиддат ила] Ох, тўғриси айтганда, бу ғалаба ислом оламни бошдан маҳрум қилди!

ТЕМУР — [икки-уч қадам оқсоқланиб бориб, Йилдирим ёнида мағрур ва баланд овоз билан]— Ҳеч мароқланма, ҳоқоним.

Амир Темури ва Боязид ўртасидаги мураккаб муносабат тарихчилар, ёзувчилар қатори мўйқалам соҳибларини ҳам қизиқтириб келаётганлиги бу икки шахсининг нақадар буюклигидан далолат беради. Ушбу расмда Амир Темури ўз аёнлари ҳамроҳлигида Боязид ҳузурига ташрифи тасвир этилган.





Ахир сен бир кўр-дайди, мен эса бир чўлоқ-девона! Агар дунёда афзаллик эътиборга олинса, ундаги сон-саноксиз инсонларга, поёни йўқ мамлакатларга сендек бир кўр, мендек бир чўлоқ ҳоқонлик қилмаган бўларди».

Юқорида Йилдирим ва Темур суҳбатларидаги ажратилган далиллар ҳақиқатга яқинлиги ҳақида фикр юритиб кўрайлик.

Йилдиримнинг жавобида ҳақиқатан катта маъно ётибди. У биз юқорида кўрсатиб ўтганимиз «Боязид Йилдиримнинг Темур томонидан енгиллиши натижасида Болқон мамлакатлари, ҳатто бутун Фарбий Оврупо енгил нафас ола бошлади», деган фикрни тушунтириб беради. Аммо бунга салбий баҳо берган Боязиднинг ўзига ғоятда зеб берганлигини, Ислоҳ оламининг боши эканлигини таъкидлаб, агар Темур ғолиб бўлмаганда бутун Оврупо, барча «кофирлар» юртини забт этиши мумкинлигига, бунга Темур ҳалақит берганлигига шама қилади.

Темурнинг жавобига келсак, бу чуқур фалсафий маънода айтилган сўзлар бўлиб, унинг объектив ҳақиқатга яқинлиги ҳамда манба қаврдан олинган бўлиши мумкинлиги хусусида бир неча оғиз сўз айтишга жазм қила оламиз. Зеро француз файласуфи ва сайёҳи Франсуа Бернье (1625—1688) Темур авлодларидан бобурни Аврангзеб саройида тўққиз йил мобайнида табиблик қилган, сўнгра 12 йил ичида, то Ҳиндистон инглизлар қўлига ўтган вақтгача Ҳиндистон тарихини ёзган («Буюк Мўғул давлатида охириг кескин сиёсий ўзгаришлар тарихи»). Франсуа бўлган муносабатларни ғоятда мароқли ҳикоя қилади. Жумладан, Аврангзеб ўз отасидан ҳокимиятни олиб, уни тутқинликда ушласа ҳам, у билан ширин ва баъзан кескин мулоқотда бўлгани, ҳатто унга насиҳатомуз хатлар юборганини ёзади.

Франсуа Бернье Шоҳжаҳоннинг худбинлиги ва такаббурлигини қоралайди, лекин Аврангзебнинг отасига ёзган хатларидан жуда қизиқарли маълумотларни келтиради: «... Мен бобоимиз — Миртемурнинг ажойиб хислатларини ҳеч қачон эсдан чиқармайман, у ҳақда бизнинг буюк авлодимиз Акбарнинг айтиб кетган гапларини эътиборга олмасдан бўладими! Ахир, буюк Акбар ўз ёзувларида Темур насиҳатларида катта эътибор беришимизни сўрамаганми? Буни ҳисобга олганда, бизнинг ўта мағрурлишимизга ҳаққимиз бормикан? Сиз ахир биласизку, буюк Акбарнинг ҳикоясига қараганда, бобоимиз Темур Боязидни асир олганида ўша кунгача ҳузурга чорлайди-да, унга эътибор ва истеҳзо билан қарайди. Бу ҳолатдан Боязид ғазабланида ва шундай дейди: «Менинг бахтсизлигимдан кулма, Темур, билгинки, подшоҳлик ва ҳокимият Олло таоло томонидан берилади. Шундай бўлиши мумкинки, бугун менинг бошимга тушган қисмат эртага сенинг бошинга тушиши мумкин. Темур ҳам чуқур маънода ва одоб ила жавоб беради: «Буни мен ҳам тушунаман, Олло таологина подшоҳлик ва мамлакатни илтифот этишга қодир. Мен сенинг бахтсиз қисматингдан кулаётганим йўқ! Худо сақласин! Аммо мен сенинг бетинга қараганимда, шундай фикр келдики, подшоҳ ва ҳокимият худонинг олдида жуда кичик, аҳамиятсиз бир нерса бўлса керакки, уни бизлардек ногирон кишиларга — сендек бахтсиз бир кўзи кўрга ва мендек ачинарли чўлоққа насиб этибди» (Франсуа Бернье, «История последних политических переворотов в господстве Великого Могола». М., 1936, 350-бет.). Шундай қилиб, Ҳусайн Жовид драматик асаридан келтирганимиз Темурнинг Боязидга айтган сўзининг негизинда, буюк Амир Темурнинг фалсафий мулоҳазаси етади, десак ҳақиқатга яқин фикрни айтган бўламиз. Яъни Ҳусайн Жовид пьеса-сида келтирилган ушбу диалоглар тархий ҳужжат асосида берилгани, шубҳасиз. Бу маълумотларга таъйиб Темурнинг иродаси кучли, шунинг билан бирга, шавқатли шахс эканлигининг яна бир бор гувоҳи бўламиз. Ҳусайн Жовид китобининг охирида келтирилган изоҳларда шундай дейилган «Темур ҳақиқатан Йилдиримдан иродаси кучли ва феъл-атвори маҳкам шахсдир» Бундай фикрларни бир қанча Оврупо тарихчиларининг китобида ҳам ўқиймиз. Масалан, машҳур немис тарихчиси Ф. Шлегелнинг бир асаридagi тарихчи олим Г. Вебердан келтирилган лавҳалар қизиқарлидир: «... Темур қаҳр-ғазеби билан даҳшатли эди, шундай бўлса ҳам одам сифатида ҳам, ҳоким сифатида ҳам Боязиддан устун турарди...» Темур албатта жуда мураккаб шахс эди. Шунинг учун у ҳақда бир-бирига зид баҳолар ва маълумотлар бор. Улар Темур яшаган замондаги тарихчилардан Шарафуддин Али Яздий, Кирмоний ва XVIII—XX аср Оврупо тарихчилари Эдуард Гиббон Т. Грановский, Г. Вамбери, Н. Остроумов, К. Маркс, В. Н. Бартольд, А. Ю. Якубовский ва бошқаларнинг китобларида учрайди. Масалан, баъзи муааллифлар. «Темур Боязидни қафасга солиб олиб юрганлиги» хусусидаги ривоятни келтирадилар. Юқоридаги суҳбатимиздан сўнг эса бу фақат бир ривоят эканлигига ишонч ҳосил қилишга ҳақлидирми.

Обид АҚРОМХУҶАЕВ,  
ЎзССЖ ФА ҳақиқий аъзоси.

(Давоми. Боши 13-бетда)

Бошқа физик олимлар тасдиқлашди. Бироқ Сиз бу қобилиятингизни янада ошириб ва кўпчилик олимлар ҳузурда исботлаб, ҳужжатлаштириб олсангиз янада яхши бўлар эди. Мана, Сиздан кўпчилик одамлар наф топишяпти, одамларнинг ишончи Сизга ортиб борапти. Сиз ҳақиқатда «Правда Востока» рўзномасининг 1990 йил 30 августда Л. Орлованинг «Станем красавицей» («Чиройли бўламизми») мақоласи босилиб, юздаги ажибларини йўқотишдаги маҳоратингиз ёритилди. «Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг 1990 йил 11 сентябрь сониди Фазилат Ҳожинқуллованинг «Нигоҳларга яширинган қувват» номли мақоласида беморларнинг Сизга нисбатан илиқ сўзлари баён қилинди. «Совет Узбекистони» рўзномасининг 1990 йил 1 декабрь сониди Дилбар Маҳмудованинг «Бир нигоҳ ташлаганда...» номли катта мақоласи Сизга нисбатан бўлган қизиқиш янада орттириб юборди.

— Маҳмуд ака, мен баъзи одамларнинг тушига кириб қоламан. Дилбар Маҳмудованинг мақоласидан бир банд ўқиб берай: «Табиб Абдуғаффор аканинг муолажасига боришимдан аввал туш кўрдим,— дейди Қорақамшида яшаётган 22 ёшли Рамила.— Тушимда қорачадан келган, кулча юз, истараси иссиқ ўрта ёшлардаги эркак киши муолажа олиб борапти. Менга қараб уч марта «даволансанг, дардинг кетади-қўяди» дейди. Эртасига Абдуллаев қабулига келиб ҳайратдан ёқа ушладим. У тушимда кўрган табибнинг нақ ўзгинаси эди... Дарҳақиқат, уч муолажадан сўнг икки йилдан буён қийнаётган бош оғриғим қолди. Қулоғим ҳам оғриб турарди. Ундан ҳам бир йўла фориг бўлдим». Бунга нима дейсиз?

— Бу инкор қилиб бўлмайдиган ҳодиса. Мен тушида кўринганлардан дуолар ўрғанадиган, араб ҳарфларидан тазлим оладиган бир неча кишиларни биламан. Бу ҳали биз билмайдиган сир ёки кўзга кўринмайдиган олам вакилларининг иши. Улар бир бечорага ёрдам бериш учун Сизнинг суратингизга кириб, хабар берадилар. Тарихдан бир мисол келтирай. Дашти Қипчоқ хони Маҳмудхон туш кўради. Бир одам тушида келиб, Мовароуннаҳрни олиш учун Хўжа Аҳрор Валийга учрашини буюради ва унинг сиймосини кўрсатади. Бу пайтда Хўжа Аҳрорнинг номи чиқмаган бўлиб, Тошкентда турар эди. Хон ўйғониб, атрофдагилардан Хўжа Аҳрор ҳақида сўрайди. Ҳеч ким билмайди. Охири бир киши Тошкентда шундай одам ҳақида эшитганини айтади. Хон Хўжа Аҳрор билан учрашиб, тушида кўрган одам эканини билиб ҳайратда қолади. Унинг ёрдами билан Самарқандни эгаллайди... Абдуғаффор, энди беморлар ҳақида гаплашсак. Мен Сиз билан биринчи марта танишган куним Рустам Обидов билан бирга «Ёш гвардия» нашриётига Ҳожиақбар Шайхон олдида борган эдик. Шунда бир киши Сизни қидириб юрган экан. Унинг айтишича, Сизга ихлос қилмай ўтирса ҳам, таъсирингиз ўтибди, яъни бир сеансдаёқ оёғи тиззасидан эгиладиган бўлиб қолибди. Кейин билсам у шаҳар прокуратурасининг масъул ходими экан.

— Ҳа, мен оёқ оғриқларига тез таъсир кўрсатаман. Мана, дафтардаги қайдлардан бири: «Кўп йиллар мобайнида онам оёқ оғригидан қийналардилар. Абдуғаффорнинг иккита сеансидан кейин тиззаларидаги оғриқ босилиб, бемалол эгиляпти. Менинг ҳам анча йиллик аллергиям тузала бошлади. Келажакда у киши билан янада мустаҳкамроқ алоқа қилмоқчимиз. Чунки у кишининг келажакги борлигига ишончимиз қомил. Рашидова Нодира, Тошкент, 25.06.90».

Мана бу раҳматнома ҳам шулардан бири: «Мен, Турғунова Марғуба, 5 сентябрдан бошлаб, шифо излаб, Абдуғаффор Абдуллаевга қатнай бошладим. Биринчи сеансдаёқ оёқ оғриғим қолди. Бешта сеанс олдим. Ававалги ҳолимга қайтарган экстра-сенс акаимизга катта раҳмат. Тошкент, 10.09.90».

— Абдуғаффор, бу дафтарларингизда қанчадан-қанча беморнинг раҳматномалари бор. Улар турли хил дардлардан фориг бўлганлари ҳақида тўлқинлиб ёзадилар. Улар ҳақида рўзномаларда ҳам етарли ёзилган. Нигоҳингиз орқали батареяга қувват бағишлаганингиз нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки дунё бўйича ҳам янгилик бўлса ажаб эмас. Сизнинг даволаш ишларингизда ҳамда мана шу хислатингизни тақомилга етказишда омадлар тилайман.

— Раҳмат, Маҳмуд ака. Емғирни тўхтата олиш қувватига эга бўлган украинналик Игнатенко, агар одам ўз қобилиятини олтимиш йил очиб борса ҳам тугатолмайди, деган экан. Бундай сирли илмлар қадимий қўлёзмаларда яширин ҳолда ётибди. Ҳозирги пайтда уларни ўргатадиган бирорта мактаб йўқ, борлари ҳам бу илмлардан беҳабар. Уларни ўрганишда Сиз ва Сиз каби шарқшунос олимлар бизга ёрдам беришлари керак.

— Хизматингизга тайёримиз! Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир одам — бир олам, инсон бу — мўъжиза, унда буюк қобилиятлар яширин. Аммо ҳақиқий экстра-сенс бўлишни хоҳлаган ҳар бир киши бунга илоҳий йўл орқали бориши, маънавий покланиши, халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиши зарур. Сизда бундай хислатлар етарли, деган умиддаман, раҳмат!

РАҲМЛИ ВА МЕҲРИБОН ТАНҒРИ НОМИ БИЛАН  
РАСУЛУЛЛОҲ АЛАЙҲИССАЛОМ АЙТАДИЛАР:

28. Аёлларни турмушга чиқаришда ўзларининг розиликларини аниқланглар. Иккинчи турмуш қураётган аёллар ўз розиликларини ёки рад жавобларини очиқ айтишлари керак. Биринчи турмушга узатилаётган бокира қизларнинг розиликлари — сўралганда жим туришларидан билинур.

(ТАБАРОНИЙ ва БАЙҲАҚИЙ ривоятлари.)

29. Расулуллоҳдан фолбинлар тўғрисида савол сўрадилар. Жавоб бердиларки, уларнинг айтганларининг баъзилари тўғри чиқиб қолса ҳам, барибир уларга умуман ишонмаслик ва уларнинг сўзларига асосланиб иш тутмаслик керак, чунки уларга баъзи жинлар хабар бериб туради. Жинлар эса фаришталардан яширинча эшитиб олган рост сўзларга юзта ёлғон қўшиб фолчиларга етказадилар.

(БУХОРИЙ ва МУСЛИМ ривоятлари.)

30. Кимки фолчига бориб, унинг айтган сўзларини рост деб тасдиқласа, қирқ кунгача ўқиган намозлари қабул бўлмайди.

(МУСЛИМ ривояти.)

31. Одамларга зулм қилишдан қўрқинглар, чунки зулм қиёмат кунини ўз эгаси учун қалин зулмат тарзида йўлига ғов бўлади. Шунингдек бахиллик ва қизғанчиқликдан ҳам қўрқинглар, зеро, бу иллат сабабли сизлардан олдинги ўтган умматлар бир-бирларининг қонларини тўкканлар, ҳаром нарсаларга қўл урганлар.

(АҲМАД, БУХОРИЙ, МУСЛИМ ривоятлари.)

32. Икки хил ёвузликнинг жазосини Аллоҳ Таоло шу дунёнинг ўзидаёқ беради. Уларнинг биринчиси — зулм, иккинчиси ота-онани норози қилиш.

(БУХОРИЙ ва ТАБАРОНИЙ ривоятлари.)

33. Ҳалолдан ҳаромга ўтиб кетмаслик учун ўртага парда тўсиб қўйинглар. Кимки ҳаромдан ўзини сақласа, демак у ўз обрўсини ва динини сақлаган бўлади. Аммо кимки ҳаромга яқин юрса, билиб-билмай ногоҳ унга қўл уриб қўйиши мумкин. Ҳар бир подшоҳнинг ўз мулкида муайян қўриқхонаси бўлгани каби Аллоҳ Таолонинг ҳам Ер юзида ҳаром қилиб қўйган нарсалари бордир.

(ИБН ҲИББОН ва ТАБАРОНИЙ ривоятлари.)

ҲАДИС

Мухаммад ҳалиғамбарликте  
ҳаёти, фарзандли ва кўрсатмалари  
ҳақида қалидлар

## ИЗОҲЛАР

28-ҲАДИС: Биринчи турмушга чиқаятган бокира қизларда шарму ҳаё кучли бўлишлигини эътиборга олиб, уларнинг розиликларини яна қуйидагича аниқланади: агар бўлажак кўёвнинг кимлигини билдириб сўралганда қиз кулиб юборса, унсиз йиғласа ёки сукут сақлаб жим турса, демак у рози. Агар ўкраб йиғласа норози эканлиги билинади.

29-ҲАДИС: Ислом динида исбот-далилсиз ва илмий асосланмаган турли хабарларга ишонмасликка чақирилади. Муслмон-мўмин киши ҳар бир ўқиган ёки эшитган гапни шариат тарозусига солиб кўриши, ундан кейингина хулоса чиқариши лозим. Фолчи — ромчилар эса қўрқмасдан келажакда бўлиши ёки бўлмаслиги ноаниқ ишлар тўғрисида қатъий хабар бераверадилар. Ваҳоланки, бир ишнинг бўлиши ақлан аниқ ва равшан бўлган тақдирда ҳам муслмон одам: «Худо хоҳласа шундай бўлади», деб гапириши керак.

31—32-ҲАДИСлар: Бу ҳадисларда зулм қораланади.

Зулмнинг мазмуни фақат мазлумларни эзиш ёки қийнаш деган тушунчани бермайди, балки у кенг маънода қўлланилади. Бировнинг ҳаққини нотўғри йўллар билан ўзлаштириш, хотини ва фарзандларини етарли даражада моддий таъминламамаслик, мардикор ёки ишчилар ҳаққини тўла адо этмаслик, ўзидан бошқаларнинг униб-ўсиш ва юқори даражаларга кўтарилишига халақит бериш, қўл остидаги ҳайвон ва қуш каби жониворларни вақтида боқиб парварош қилмаслик ва ҳоказолар ҳам зулм ҳукмидадир.

33-ҲАДИС: Ҳаром деганда фақат ейиш ёки ичиш ман этилган нарсаларни тушунмаслик керак, балки ғийбат, тухмат, бўҳтон, ёлғон гап, хиёнат, алдамчилик, ўғрилик, порахўрлик, ҳасадгўйлик, кибр-ҳаво, бузғунчилик каби иллатлар ҳам ҳаром ишлардандир. Шу каби иллатларга яқинлашиш ҳам мумкин эмас, чунки қозонга яқин юрса қораси юққани каби бу сифатлар ҳам юқумлидир.

Таржимон, изоҳ ва дастхат  
муаллифи Абдулазиз МАНСУР.

بِسْمِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

محمد عليه السلام ایدیلار

۲۸- عیال لارنی تورموشگه چقاریشده اوز

لاری نینگ رضیدیک لرینی انقیان گلار .

ایکینچی تورموش قورایگان عیال لار اوز رضی

ملیک لرینی یا که رد جو ابلارینی آحقیتیشلار

کیرک . برینچی تورموشگه اوز ایسیلار یاگان

باکره قیزلار نینگ رضیدیک لر سی سوراگانده

جیم توریشلاریدن بیلینور (طب حق)

۲۹- رسول الله دن فالبین لار توغریسیده

سوال سورا دیلار . جواب بریدیلار که اولار

نینگ ایسگانلاری نینگ بعضی لاری توغری

چقیب قالسه هم بری بر اولار که عموماً

ایشانما سلیک و اولار نینگ سوزلار یگه اساس

لانیب ایش توتماسلیک کیرک ، چونکه

اولار که بعضی جن لار فرشته لار دن یشیرنجه

یشیتیب آگان راست راست سوزلار که یوزته

یا لغان قوشیب فالچی لار که بیتکار ایدیلار (ق)

۳۰- کیمین که فالچی که باریب اونینگ ایسگان

سوزلاری راست دیب تصدیقلاسه قرق کون

گاچه اوقیگان نمازلا قبول بولمایدی (م)

۳۱- آدملار که ظلم قیلشدن قورینگلار .

چونکه ظلم قیامت کونی اوز ایگه سی او چون قلین

ظلمت طرزیده یولیکه غاو بولادی . شونینگ

دیک خیل لیک و قیز غا خیق قیلکدن هم قورینگلار

زیرا بوعلت سببلی سیزلار دن آله نینگ اوتگان

امت لار بربر لاری نینگ قانلارینی توککلا

و حرام نرسه لار که قول اورگانلار (حم ق)

۳۲- ایکی خیل یا دوز لیک نینگ جزاسینی

الله تعالی شود نینا نینگ اوزید ایاق بیرادی .

اولانینگ برینچیس ظلم ، ایکینچی سی آتا

آنانی ناراضی قیلش (خ طب)

۳۳- حلالدن حرامگه اوتیب کیتما سلیک

او چون اورتا که پرده توسیب قومینگ لار .

کیمی که حرامدن اورینی سا قلاسه ، دیمک

او اوز آبروسینی و دینی نی سا قماگان بولادی .

اما کیمی که حرامگه یقین یورسه بلیب بیلیمای

ناگاه اونگه قول اویب قویشیمکن . هر بر پادشا

نینگ اوز ملکیده معین قویختی نسی بولگانی کبی

الله تعالی نینگ هم بیر یوزیده حرام قیلیب

قویگان نرسه لاری باردور .

(ابن حبان و طبرانی روایت لاری)

# АЖДОДЛАРИМИЗ ЛИБОСИ

Кийим-бош умуминсоният маданиятининг бир бўлаги сифатида одамзотга қадимдан ҳамроҳ. Ибтидоий даврда яшаган кишилар учун овланган ҳайвонлар териси, ўсимликлар ёки дарахт пўстлоғи кийим вазифасини ўтаган. Сал кейинроқ, иқлимнинг совқши ва жамият тараққиётидаги ўзгаришлар туфайли кийим-бошлар совуқдан сақловчи омил сифатида ҳам фойдалана бошланган. Кийимлар аста-секин муайян ўлчовда ёш, жинс, бўй-бастни ҳисобга олган ҳолда ўзига хос дид билан тайёрлана бошлаган ва тобора мукаммаллаша борган. Хуллас, ҳар бир тарихий давр кийим-бошларида ўша замоннинг инъикоси акс этиб туради.

Кийим-кечакларда ҳар бир халқнинг касб-кори билан боғлиқ белгилар (деҳқон, кўчманчи чорвадор ёки овчилар кийими ва ҳоказо), фасл ва ёшдаги ўзгаришлар, ҳатто ўша халқнинг феъл-атворидаги нозик томонлари ҳам мужассам бўлади. Кийимлар бажарган вазифасига кўра ажралиб туради: тўй ва байрамлар, азадорлик кийимлари; ҳарбий ва спорт кийимлари; махсус кийимлар; кундалик кийим-бошлар.

Лекин, ҳозирга келиб улар ўртасидаги фарқ тобора камайиб бормоқда. Ҳолбуки, асримиз бошларида бойвачча билан савдогарни, шахарлик билан деҳқонни, ўқитувчи билан шифокорни бемалол фарқлаш мумкин эди.

Яқин вақтларгача кийимларни асосан этнография фанида ашёвий далил сифатида 100—200 йиллик тарихи ўрганиб келинарди, холос. Чунки қадимий кийимлар далил сифатида бизгача етиб келиши жуда қийин. Эски матолар парчаланувчан хусусиятга эга бўлгани учун асосан йўқолиб кетган. Шунинг учун ҳам кийимлар тарихини тадқиқ этишда деворий ранг тасвирлар, ўрта аср миниатюралари, идишлар ва қоятошларга солинган расмлар, сопол, терракота, ганч ҳайкалчалар ва ҳатто тангалардаги тасвирлар ҳам муҳим ўрни тутати. Аммо бу манбалар бизга тўқис маълумот бера олмайди. Шу боисдан археологик қазишмалар вақтида топилган кийим-бош қолдиқлари бебаҳо қимматга эгадир.

Ҳозирги кунгача кийим-бош топилмалари Ўрта Осиёнинг бир-икки жойида аниқланган. Жумладан, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри яқинида жойлашган, милоннинг IV—V асрларига оид бир қабристонда дағал ва қўпол ашёлардан тайёрланган ва айрим қисмлари чириб кетган матоларга дуч келган эдик. Улар таъмирчилар томонидан тиклангач, Термиз ўлкани ўрганиш музейига намойишга қўйилди.

Ажойиб қадимги кийимларнинг ўзи-

га хос ер ости ҳазинасини 1988 йили июнь ойида Поп ноҳияси «Партия XXII съезди» номли жамоа ҳўжалиги ҳудудидagi Мунчоқтепа манзилгоҳидан топилганидан хабарингиз бор, албатта. «Фан ва турмуш»нинг 1988 йил 11- ва 1989 йил, 1-сонларида бу ҳақда мақолалар берилган.

Поп сағаналарининг топилиши қадимги фарғоналикларнинг ҳўжалик юритиши, турмуш тарзи ва энг асосийси, исломга қадар мавжуд бўлган дафн маросимлари хусусида муҳим маълумотлар беради. Сағаналардан топилган кўпдан-кўп ажойиб ашёлар, хусусан ипакли, ипли, жўнли матолар нафақат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиё халқлари кийим-бош тарихининг шу вақтгача маълум бўлмаган варақларини тўлдиршига ёрдам беради. Поп сағаналарида марҳўмлар қамишдан тайёрланган тобутларга кундалик кийимлари ва анжомлари билан қўшиб дафн этилган. Аёлларга шахсий буюмлари, пардоз-андозда ишлатган нарсалари ва меҳнат қуроллари, эркакларга эса жанговар қуроллар ва уй-рўзгор буюмлари қўйилган. Ушбу ақидани бажаришда марҳўмларнинг касб-кори, ёши ва жинси эътиборга олинган. Жумладан, мусиқачи, этикдўз, овчи тобутлари ажралиб туради. Мусиқачининг ўнг томонида ёғоч гилофга солинган қўшнай ва унинг эҳтиёт қисмлари топилди. Мусиқашунос олимлар сағанадан чиққан 1500 йиллик қўшнайнинг ҳозиргилардан фарқ қилмаслигини айтишди. Этикдўз тобу-

тидан ёғочдан тайёрланган махсус қолип ва чарм қирқадиган махсус пичоқ чиқди. Булар қадимги аҳоли онгида «у дунё» тушунчаси кучли бўлганидан далолат беради. Улар тирикликда ишлатилган асбоб-ускуна, шахсий буюмлар у дунёда ҳам керак бўлади, деган мулоҳазага борганлар. Бу урф-одат кўпгина халқларда минг йиллардан бери давом этиб келмоқда.

Топилган ашёларни синчиклаб ўрганиш шунинг кўрсатмоқдаки, марҳўмлар махсус мотам кийимларисиз, яъни кундалик кийимлари билан қўйилган, ўша кийимлардаги ҳали ҳаётлик пайтида кийилганда тушган доғлар, гижимлар, ямоқлар шундан далолат беради. Кийимлар асосан иплик ва шойидан тикилган. Ипак матога нисбатан иплик матодан тайёрланганлари оз сақланган. Чунки ўз кимёвий хусусиятига кўра иплик тоналарга нисбатан ипак тоналар чидамлироқ экан. Илмий тадқиқотлардан мазкур кийимларнинг ипаги маҳаллий шароитда тайёрлангани маълум бўлди. Бу ипак ўрғача навли, шунинг учун ундан тўқилган мато ғадир-будирроқ экан.

Матога самит тарзидаги ранг-баранг ипакдан фойдаланиб ўсимлик шаклида нақшлар туширилган. Ажабланарлиси шуки, айрим ҳолларда кийим ёқаларига худди Хитойдан келтирилгани каби юқори сифатли ипак мато ишлатилган. Бу навли ипак четдан олиб келинганми ёки Фарғона водийсининг бошқа бери жойида ишлаб чиқарилганми! Бу масала ҳали жумбоқлигича қолаёпти. Мунчоқтепадан топилган кийимларни ўрнида ўрганиш ва лаборатория шароитида тадқиқ этиш шунинг кўрсатадики, қадимги фарғоналиклар кийими анча мураккаб қилиб тикилган экан. Бу нарса таъмирчи (Гўзал Майтдинова) томонидан тикланган кўйлақдан ҳам кўришиб турибди. Бола кўйлаги қизил матодан тикилган, ёқалари тўғри ва белда махсус тасма — белбоғи бор. Кўкрак қисмини беркитиш учун ипдан алоҳида боғичча химарилган, энглари узун. Қизлар кўйлагини тиклаш бир оз қийинроқ бўлди. Авваламбор кўйлақ жасаддан чиқазилмай туриб батафсил ўрганилди, сўнгра маълум бўлган деворий суратларга қиёслаб ушбу тасвирдагича тикланди. Бу қадимги фарғоналик ёш қизларнинг 14—15 аср олдин кийиб юрган кўйлагини намунаси дир. Кўйлақнинг кўкрак қисми, энгнининг учу ва этаги махсус гуллар билан безатилган. Унг қўл томонидан эса ўйма чўнтак (кисса) тикилган. Булардан ташқари, энги ва кўкрак қисмига майда маржонли нақшлар тикилган.

Ушбу кўйлақларнинг тикланиш тарихи ҳам қизиқ...



Биз сағаналарда иш бошлаганимизда бунчалик бутун кўйлақлар топилишини хаёлга ҳам келтирмагандик. Кимёвий таъмирчилар Марина Реутова ва Жанна Сукасьянцлар қарийб икки кун мобайнида марҳумдан кўйлақни «кечиб олиш» билан машғул бўлдилар. Махсус ишлов берилган кўйлақлар оҳисталик билан ойналар остига олинди. Биз текширган тобутлардаги марҳумлар юзи тўрт бурчакли ипак мато билан ёпилган эди. Хўш, нима учун марҳумлар юзи қимматбаҳо ва нафис шойи билан ёпилган! Бу одат қадимий халқларда анча кенг тарқалган. Масалан, Қозоғистон, Қирғизистон ва Хитойдаги дафиналардан ана шундай ниқоблар топилган. Улар аксарияти қимматбаҳо металл (олтин) ёки бошқа ашёдан тайёрланиб баъзиларида инсон юзининг тасвири бор. Мунчоқтепада топилган юзтўсқичлар ҳам балки шу ақидаги оқддир. Поп сағаналарида яна кўплаб кийим ёқалари, энгининг уч қисмлари ва бошқа хил лахтақлар топилди.

Хуллас, Попдан топилган кийимлар асосан ўрта ҳол аҳолига тегишли, дейиш мумкин. Чунки тобутлар этикдўз, мусиқачи ва овчиларга тааллуқлидир.

Хўш, аждодларимизнинг бош ва оёқ кийимлари қандай бўлган!— деган савол ҳам туғилиши мумкин муштарийда. Аввало шунини эслатиб ўтамизки, сағаналарда бош кийими яхши сақланмаган. Лекин айрим марҳумларнинг бош томонида ва пешона қисмида ипак мато қолдиқлари учрайди. Ипак қолдиқларининг ўлчамлари бош кийимининг икки хил бўлганидан далолат беради. Бизнингча, биринчи хили, бошни бутунлай ёпадиган аёллар рўмолининг бир тури, иккинчиси эса узун тасма шаклида бўлиб, пешонага боғланган. Ҳозирда бу нарса пешонабанд деб ҳам аталади. Этнографик ва тарихий манбаларнинг хабар беришича, рўмолини катта ёшдаги аёллар ва қариялар ўрашган, пешонабанддан эса келинчақ ва қизлар фойдаланишган.

Попдаги дафинадан бутун оёқ кийимлари топилмади, уларнинг фақат қўнжи сақланиб қолган, холос. Этикдўз тобутидан топилган қолип қадимги аҳоли пойафзал ҳозирги маҳсидан фарқ қилмаганини кўрсатади. У қаттиқ ёғочдан тайёрланган, кўп ишлатиллавериб ялтираб кетган, бичими ҳозирги 42—43 ўлчамларга тўғри кела-



ди. Сағаналарда кўплаб чарм қолдиқлари ва махсус пичоқлар ҳам бор эди. Ушбу топилмалар Урта Осиё халқларига хос оёқ кийимларидан бири маҳси тўғрисидаги маълумотларни ашёвий далил сифатида тўлдиради. Шу вақтгача бизлар қадимий оёқ кийими (маҳси) ҳақидаги маълумотларни деворий тасвирлардан ва машҳур Афросиёб, Қальаи Кофирнихон каби ёдгорликлардаги топилмалардан ва этнографик манбалардан билардик. Энг сўнгги топилмалар тўғрисида яқинда (Амриддин Бердимуродов) хабар олдик. Маълумотга кўра, Самарқанд яқинидаги Кофирқалъа ёдгорлигида олиб борилган археологик қазилмалар пайтида деярли бутун сақланиб қолган маҳси топилган. Бу ашёвий топилмалар маҳсининг оёқ кийими сифатида минг йиллик тарихга эга эканлигини ва у катта ҳудудда тарқалганини исботлайди.

Самарқанд вилоятидан қадимий маҳси ва Фарғона водийсидан уни тикишда ишлатилган қолипнинг топиллиши Ўзбекистонда, қолаверса Урта Осиёда деярли бир вақтда, яъни V—VI асрларда бу оёқ кийимининг урф бўлганини кўрсатади.

Хуллас, Попдан топилган, ипак ва илли матолар, улардан тайёрланган ашёлар, чарм ва оёқ кийими қолдиқлари аждодларимизнинг кундалик эҳтиёжи учун керак бўлган кийимбош тайёрлашга алоҳида эътибор берганликларидан далолат беради. Қолаверса, бу ота-боболаримизнинг юксак маданият тарзининг очилмаган айрим саҳифаларидир, холос.

Аммо бу топилмаларнинг бир қисмига тўхталиш билан масаланинг иккинчи томонига эътибор бермасликнинг иложи йўқ. Чунки, айрим манбаларда Урта Осиёга, хусусан Фарғона водийсига ипак узоқ вақт мобайнида Хитойдан келтирилган, унинг ўз ипаги анча кейин пайдо бўлган, деган фикрлар бор эди. Мунчоқтепадаги топилмалар бу фикрни рад этиб, V—VI асрларда водийнинг ўз ипак ишлаб чиқарувчи марказлари бўлганини кўрсатмоқда. Бу вақтга келиб аҳоли ипакка бўлган эҳтиёжини маҳаллий имкониятлар орқали қондирган, лекин қисман хитой ипаги ҳам ишлатилган ва у юқори сифатли бўлиб, жуда қадрланган. Хитой ипаги водийга, асосан Буюк ипак йўлининг қуйидаги икки тармоғи орқали келтирилгани эҳтимол: 1. Қашқар — Уш — Мингтепа (Марҳамат) — Кува — Симтепа (Фарғона) — Хўжанд — ундан Сўғд ва Бақтрияга. 2. Қашқар — Уш ёки Узган орқали Учқўрғон (Қайиноват) — Сирдарёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб Ахсиентга, ундан Попга (Мунчоқтепа) — Ашт — догон орқали Охангарон воҳасига ўтилган. Бу йўллар фақат археологик ёдгорликларни ўрганиш орқали ишлаб чиқилган, албатта. Келгуси текширишлардан кейин айрим ўзгаришлар киритилиши мумкин.

Боқижон МАТБОБОВ,  
Ўзбекистон ФА  
академик Яҳё Фуломов номли  
Археология илмгоҳининг катта илмий  
ходими, тарих фанлари номзоди.

Шукур АБИЛОВ,  
илмгоҳнинг илмий ходими,

Гўзал МАЙТДИНОВА,  
Тожикистон ФА Аҳмад Дониш номли  
Тарих, этнография, археология  
илмгоҳининг илмий ходими.

Америкалик Перси Пирл Вашингтон (1927—1972) дунёда энг оғир вазили аёл эди. Узининг айтишича, вазни 399 кг келар экан, лекин госпиталда ўлчанганда тарозу фақат 362 кг ни кўрсатди, холос. Ундан аввалги рекорд — 385,6 кг ўшандан 84 йил аввал қайд этилган, лекин Ида Мэтланд деган аёлнинг (1898—1932) вазни 413 кг бўлган деган тахмин ҳам бор.

Федор Васильевнинг (1707 йили туғилган) биринчи хотинида расмий ревишда қайд этилган энг кўп бола бўлган. Москва яқинида яшаган бу оила 69 та фарзанд кўрган, 16 марта иккитадан, 7 марта учтадан ва 4 марта 4 тадан бола туғилган. Болаларнинг бари 1725—1765 йилларда дунёга келган.

1899 йили 11 июнда АҚШда туғилган Рут Алиса Кистлер ҳозир дунёда энг кекса онадир. 1956 йил 18 октябрда 57 ёшида қизи Сюзаннани туғди.

Мексикалик Люция Зарате (1863—1889) дунёда энг енгил вазили аёлдир. Туғилганда у 1134 грамм, 17 ёшида 67 см бўйи билан 2,13 кг, 20 ёшида эса 5,9 кг эди.

Долли Димпль номи билан машҳур бўлган АҚШлик цирк актрисаси Челеста Жейер (1901 йили туғилган) 14 ой мобайнида (1950—1951) 182 кг вазини йўқотган. Дастлабки вазни 215 кг эди. Баданининг ўлчамлари эса 201—213—213 смдан 86—71—91 смга тушган.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА ҚУРИШ: СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ?

Мана, бир неча йилдирики, сиёсатимиз ҳам, иқтисодимиз ҳам, умуман ҳаётимиз ҳам қайта қуриш деб ном олган ҳаракатга йўналтирилган. Шу ҳаракат туфайли биз ортимизга бир зум қарашга ва у тўғрида фикр юритиш имконига эга бўлдик. Энди нигоҳимиз узоқларга қадалган. Француз файласуфи Франсуа де Ларошфуко шундай фикрни айтган:

«Фалсафа ўтмиш ва келажак устидан тантана қилади, лекин бугунининг қайғуси фалсафа устидан тантана қилади».

Шу нуқтан назардан бугунги кунимиз тўғрисида сўз юритсак. Шундай қилиб, саволимиз қуйидагича: Ўзбекистонда қайта қуриш — сизнинг фикрингиз!

Қайта қуриш, қайта қуриш деймиз-у беш йилдан буён «қайта қураёلمиз», аммо ҳали-бери унинг ниҳояси (агар бор бўлса) кўринадиганга ўхашмайди. Жамиятимизда ўғри, муттаҳам, порахўр, чайқовчилар кўпаймоқда. Бу нарса қайта қуриш «самараси»ми, йўқми, билмадим, аммо унга қарши чора кўрадиганлар ўзлари билмаган ҳолда шу ишга ҳисса қўшмоқда. Масалан «Тижорат» дўконларини олиб кўринг. Бу билан олибсатарларга қарши курашиб бўладими? Давлатимиз гўё нарх борасида чайқовчилар билан мусобақалашаётгандек. Балки бу «мусобақа»нинг «социалистик мажбуриятлари» ҳам бордир. Кооперативлар тўғрисидаку умуман гапирмас бўлади.

Ҳозирда мактаб, билимгоҳларни пуллик системага ўтказиш тўғрисида фикрлар билдирилмоқда. Хориждан ўрганадиган нарсалар бор, бироқ ҳар қандай фаолиятни шундоқлигича кўчириш тўғри эмас. Бунинг учун ойлик маошимиз, туриш-турмушимиз, мулкка муносабатимиз ҳам бошқача бўлиши керак.

Қайта қуриш бошлангандан буён, борган сари одамлар қайси йўл билан бўлсин фақат пул топиш йўлини кидирмоқда. Қолаверса, жамиятнинг ўзи шунга мажбур қилмоқда. Муҳит тобора туманлашиб бораётгандек туюлади. Ишқилиб халқ жонига тўзим берсин-да...

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,  
ТошДД талабаси.

Менимча, биз томонларга ҳам қайта қуриш шабадалари етиб келди, чамаси. Тошкент марказидаги энг йirik кўпқаватли бинолардан бўлган, Фазогирлар шоҳ кўчасидаги 6-уй, унга яқин кўпқаватли уйлар аҳолиси, гарчи ўзбеклар анчагина камчиликини ташкил этса-да, маҳаллага улғу муҳаддис Абу Иса ат-Термизий номини берди.

Демократия тўғрисидами! Бизнинг кўпқаватли ва кўпмиллатли уйда ҳар бир масала демократик руҳда ҳал этилади. Ўзбекининг урф-одати, тўйи, маъракаси, қолаверса, бутун байрамгача қадимдан демократизм руҳи сингиб келган. Масалан, Наврўз байрамини худди шундай руҳда ўтказдикки, «дом»даги саксон фоиз бошқа миллат вакиллари тан берди. Кўп миллатлар байрамда қатнашди.

Ошкораликми! Илгаридан бўлган, «эл оғзига элак тутиб бўлмас» деймиз-ку! Матбуотда ҳақиқат кўпинча чала ёритилмоқда, гоҳида «Фан ва турмуш»да ҳам. Тўғри, муҳарриратдагиларга ҳам осонмас... Ҳақиқий ошкораликсиз Ўзбекистон — Ўзбекистон бўла олмайди.

Абдусаттор ИСМОИЛОВ,

Тошкент, имом Термизий номидаги  
маҳалла кўмитаси раиси.

Қайта қуриш одамларнинг дилидагини ошкора гапиришга имкон берди. Лекин шунинг ўзи билан турмуш ўнглини қийин. Хоҳлаймизми, йўқми гап охир-оқибат иқтисодга бориб тақалади. Ҳамма шундан нолийди.

Сизлар қайта қуриш тўғрисида сўраёйсиз, яхшиси раҳбарлардан сўраб кўрингчи, уйда гўшт, ёки масалан, оёғида пайпоғи бормикан. Бор бўлса, балки улар қаердан олаётганини суриштириб кўрарсиз. Ахир ҳамма ерда тақчиллик-ку!

Эркин ДАВКАР ўғли,  
Сирдарё вилояти,  
«Шўрўзак» давлат хўжалиги.

Ҳа, қийинчилик билан бўлса ҳам ўзгариш бўлаётгандек. Ўзбек тилининг давлат мақомини олиши, Мустақиллик декларацияси, одамларнинг ўз ҳуқуқларини сал бўлса ҳам, талаб эта бошлаши... ва яна нималардир. Аммо бу Ўзбекистонда ўйлаб топилгани йўқ, у илғор жумҳуриятларда бошланган ижтимоий-сиёсий фаоллик туфайли юз берди. Марказ эса бунга акс садо берди. Бу кимнингдир Ўзбекистонга раҳми келганидан содир бўлмади, бундан бошқа йўл йўқ эди, холос.

Биз одамлар ўртасида меҳр-оқибат йўқолаётганидан нолиймиз. Агар фуқаро ҳали-бери дўкондан оддий қанд ёки совун топа олмас экан, кишилар қандайдир арзимас буюм учун соатлаб навбатда турар экан, аҳвол ўнглини қийин. Албатта, меҳр буюмда эмас, аммо оч қоринга телевизор орқали кун ора маъруза эшитиш ҳар қандай замонда, соғлом фикрли ҳар қандай одамга ҳам ёқмайди.

Гарчи шундай бўлса ҳам, қайсидир жумҳуриятлардан тузукроқ яшаймиз, деган тасаввур тасалли беради. Халқимиздаги соддалик, оққўнгилик эртанги кунга ишонч туғдиради, уни эса оқлай олиш керак.

Исоқжон БОШМООНОВ,

Ильич ноҳияси, КПСС XXV съезди номли давлат  
чорвачилик-саноат хўжалиги бош зоотехниги.

Ўзбекистонда қайта қуриш? Ҳар қалай яхши аҳволда эмас. Умуман бу борада намуна қилиб бирон жойни кўрсатиш мушкул. Турғунлик даврини мақтамоқчи эмасман, лекин ўша пайтда дўконларда қалашиб ётган энг зарур маҳсулотлар қайта қуришдан сўнг йўқолди. Ўзбекистон «оқ олтин» кони дейишади, бироқ, кийим-кечак у ёқда турсин, пахта ёғини топиш қийин бўб қолди. Майли, бу ҳам ўз йўлига.

Ошкораликка келсак, ошкора гаплар бўлаёпти, доим эмас, албатта. Матбуот, назаримда, ана шу жиҳатдан анча сулшлашиб қолди. Ошкораликдан, демократиядан ҳар ким ўз билганича фойдаланмоқда. Тинглаётгандан кўра гапираётган одам кўп. Балки одамлар ҳозирча теккани шу деб, ундан фойдаланиб қолишга шошилаётгандир. Ким билади эрта-индин у ҳам ноёб мол каби тақчил бўлиши ҳам мумкин. Ҳозирги шароитда ҳамма нарса бўлиши мумкин.

Зокир НОБЎТАЕВ,

Қашқадарё вилояти, Қамаш ноҳияси  
Ёттиқудуқ қишлоғи.

## «Фан ва турмуш» сўрови

Сизнинг эътиборингизга қайта қуриш борасидаги айрим муштарийлар фикрини ҳавола этдик. «Фан ва турмуш» эндиликда ҳам долзарб мавзуда ўз матбуот сўровини юритади. Муҳаррират қуйида берилётган саволларга нисбатан сизнинг қисқа, мазмунли ва ошкора жавобингизни кутиб қолади.

1. Ошкоралик, демократия, фикрлар хилма-хиллигини қандай тушунасиз ва у ўзбек матбуотида қандай ёритилмоқда?

2. Қайта қуриш Сизнинг шахсий ҳаётингизда қандай из қолдирди?

3. Сизнингча, ДЕМОКРАТИЯ муҳимми, НОН муҳимми! Иқтисодий аҳволингиздан розимисиз?

4. Қандай яшашни орзу қиласиз?



Ушбу мақоланинг ойнома 3-сонида босилган биринчи қисмида Ҳаллож қарашлари ўз даврининг жуда кўп диний, фалсафий, мутасаввуфчи, сиёсий оқимлар, мазҳаблар ва фирқалар томонидан ёқтирмаслик билан қарши олинганлигини айтиб ўтган эдик. Уша даврда расмий ислом ўз илоҳиёти Қаломни ҳали вужудга келтириб улгурмаган бир шароитда ҳам араб халифалигида шаклланган мусулмон жамоаси, турмуш тарзи ва тафаккури исломнинг кучайиб бораётган мафкуравий тазйиқи, эркин фикрликдан ҳайиқиши, уни ҳар томонлама тизгинлашда кўрина бошлади. Бу, йирик мутакаллимлар, руҳонийлар, мутасаввуфчилар, файласуфлар, мутазила вакиллари, диний мазҳаб вакиллари, бидъатчи оқимлар тарафдорлари, сиёсий арбоб ва оддий мусулмонларнинг умуман Ҳаллож таълимотига, хусусан унинг қатл этилишига турлича муносабатда бўлишларида, эҳтиёткорлик қилишларида, хўжакўрсинга, яъни расмий ислом тазйиқидан қўрқиб ва ўзларини ҳам Ҳаллож бидъати тарафдорлари деб ҳисобламасликлари учун уни қаттиқ «қоралаш»га уринганликларида. кўзга ташланади.

Авалло, Ҳалложнинг тасаввуфдаги илк устоз-пирлари Тустарий ва Маккийлар унинг иттиҳод ва жаъм жазавасига, яъни шатҳ ҳолатига тушишига ҳайрихоҳлик билдиришмаган, ундан юз ўгиришган. Мутазила вакили ҳисобланмиш ат-Танухий кабилар эса Ҳалложни саводсиз, жоҳил, фирибгар, устомон, ҳаққи бўлмаган нарсага даъво қилувчи сифатида таърифлаган. Узининг илмий ҳолислиги, ҳолислиги ва мустақил фикрлигига ҳам қарамай, Абу Райҳон Беруний (балки мафкуравий тазйиқдан ҳайиқиби) Ҳалложни ёлгон даъвоси бор, ҳийлагар, найрангбоз, эътиқодсиз ва кишилар эътиқодини бузувчи сифатида таърифлаган.

Бироқ, суфизмнинг жуда катта авлиёлари — Жунайд Бағдодий, Абу Йазид Бистомий, аш-Шиблий, Қушайрий, Хужвирий, ас-Суламий ва бошқалар Ҳалложга очик ва ишоралар йўли билан ҳайрихоҳлик билдиришган.

Ҳаллож ҳаётлиги давридаёқ уни авлиё деб таниган кишилар кўпчиликни ташкил этиб, улар тасавуфда алоҳида ҳалложия тариқатини тузишган. У қатл этилган кунда ҳам шогирд, маслакдошлари ўраб турган, унинг қатл этилишини қоралашган. Масалан, 1045 йилгача вазиралик қилган шофеъий Ибн Муслима ҳар куни «Маслуби Ҳаллож» майдонида (яъни Ҳаллож маслуб қилинган — қўллари, оёқлари, бўйни чопилиб, танаси тўрт нимта қилиниб, қора мойга бўктирилиб, ёқиб юборилган майдон, уни кейинчалик шундай ном билан атай бошлаган — А. 3.) намоз ўқиб, лом-мим демай Ҳалложни оқлаб келиб-кетувчи минглаб шогирдлари ва ихлосмандларини кўрган. Улар Ҳаллож ҳақиқатан қайтиб келади деб мунтазирлик билан кутишган.

Бошқа бир тоифадаги мусулмон мутафаккирлар, асосан суфийлар — аш-Шалмағоний, Айнулқуззот Ҳамадоний, Сухраварди Мақтул, Имоиддин Насимий, Бобораҳим Машраб Ҳаллож фожеасини онгли тарзда такрорлаган.

Расмий сунний ислом мафкураси вакиллари Ибн Сурайж, Ибн Ота, Абу Жаъфар ва бошқалар узил-кесил Ҳаллож қатлига фатво бермаган бўлишса-да, кейинги даврда Ҳаллож шатҳ ҳолатини тушунмай хато қилган ва, демак, ўзининг ўлимига ўзи сабабчи бўлган деган фикрда туришган. Масалан, Хужжат ул-ислом унавонига эга бўлган имом Абу Ҳомид ал-Ғаззолий ўзининг машҳур «Ихъё улум аддин» («Диний илмларнинг жонланиши») асарига Ҳаллож

шатҳ ҳолатини тўғри тушунмаган ва тўғри талқин қилмаган деган фикрни билдирган. Унинг фикрича, гарчи томчилардан денгиз ҳосил бўлса ҳам, томчини ҳеч қачон денгиз деб бўлмаганидек, Ҳаллож гарчи жуда юқори авлиёлик даражасига эришган бўлса-да, яъни худонинг зиёсини акс эттира оладиган даражага эришган бўлса-да, ўз-ўзини илоҳийлаштиришга, айниқса буни авом олдида айтишга ҳаққи йўқ эди, деб кўрсатган.

Ҳалложнинг ҳолатини ҳақиқатга яқин тушунтирганлардан бири Жалолиддин Румий бўлиб, у Ҳалложни куфр ва бидъатда айблаб, қатлга ҳукм қилганлари тўғрисида ўзининг «Маснавийу-маънавий»сида шундай деган эди: «Баъзилар буни беқиёс даъво деб билдилар, аммо «Ҳақ — менман» ифодаси аксинча улуғ бир таслимни билдиради. Агар одам, «Худонинг қўлиман» деса, бу билан у ўзининг нафси («мени») ва худо борлигини эътироф этади. «Худо менман» дегани эса айни пайтда: «Мен ғойибман. У (худо) бутун борлиқдир, худодан бошқа ҳеч нарса йўқ, мен — соф йўқликдирман, мен — ҳечдирман» деб айтилганидир».

Ҳаллож жасоратини, унинг буюк инсонийлигини чуқур ва тўғри тушунтиришга, унга қўйилган «айб»ларни олиб ташлашга ва уни ислом, тавҳид номидан оқлашга уринганлардан бири улуғ турк мутасаввуфи Аҳмад Яссавий эди.

Улуғ бобомизнинг «Девони ҳикмат»ида қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин:

...Мансур айтур «аналҳақ», эронлар иши барҳақ,  
Муллолар айтур ноҳақ, кўнглига ёмон олиб,  
Айтмагил «аналҳақ» деб, кофир бўлдинг Мансур деб,  
Кўрмон ичра юлдуз деб ўлдирдулар кўблашиб,  
Билмадилар аналҳақнинг маънисин,  
Қол аҳлига ҳол илмини ҳақ кўрмади муносиб,  
Ривоятлар битилди, ҳолин анинг билмади,  
Мансурдек авлиёни қўйдилар дорға осиб...

Шуниси эътиборга лойиқки, Ҳаллож шахсияти масаласида расмий ислом ва ҳукмдорларга бундай улуғ бир таънани унча-мунча дин арбоблари ёки мутасаввуфлар, айниқса Яссавий яшаган даврларда қила олмас эди. Бу ўринда энг ҳур фикрли мутасаввуф саналмиш Муҳийиддин ал-Арабий кабилар ҳам Мансур Ҳалложни қоралаб ўтганлигини эсласак, Яссавий нақадар катта жасорат ва орифий фидокорликка журъат этганлигини тушунамиз.

Яссавий Ҳалложга ҳайрихоҳлик билдириш, мутассиб руҳонийларни, жоҳил ҳукмдорларни Ҳаллож қатлининг асосий айбдорлари деб кўрсатиш билан чекланмай, унинг «аналҳақ» дейиши оддий сўз (қол — арабча айтмоқ, гапирмоқ) эмас, балки юксак орифлик ҳолати-шатҳ оқибати дейди. Аҳмад Яссавий Ҳаллож ғояларини қайтадан тирилтириб, юқорида келтирилган мисраларнинг ўзида «аналҳақ»ни уч марта такрорлаб, Ҳалложнинг асосий инсонпарварлик ғоясини қуйидаги сатрларда бутун қудрат билан ифодалади:

...Афсонадур шарият, фарзонадур тариқат,  
Дурдонадур ҳақиқат, ошиқларга муносиб...

Умуман олганда Ҳалложга қўйилган айбларни Жунайд, Абу Йазид Бистомий, Абул Ҳасан Ҳарақоний, Абу Сайид Майхонаий, Умар Ҳайёмларга ҳам, Яссавий, Ибн ал-Арабий, Аттор, Жомий, Навоний, Машраб, ҳатто Бедилларга

(Давоми 24-бетда)

# САКСОН БАҲОРИНИ ҚАРШИ ОЛГАН БЎЛУРДИ

1989 йил охири ва 1990 йил ўзбек тилшунослиги фанига мусибат келтирди. Икки йирик ўзбек тилшунос олими — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Олим Усмонов ва филология фанлари доктори профессор Мустақим Мирзаев домлалар оламдан ўтдилар. Бу икки сиймо бир-бирлари билан қалин дўст ва ҳамфикр эдилар. Ўзбек тилшунослигининг тараққиёти, мактаб ва олий ўқув юртралида ўзбек тилини ўқитиш муаммолари бу устозларнинг илмий ижодлари, амалий сай-ҳаракатлари билан мустақам боғлиқ эди. Ўзбеклардан чиққан улкан тилшунос алломаи замон эдилар булар. Бундай йирик олимлар хусусида айтилган шундай бир мақол бор: «Мавти олимун ва алмавти оламун» (олимнинг ўлими оламнинг ўлими демакдир), ҳа бу икки зотнинг ҳар бири илмда бир олам эди. Шу икки олам сўнди. Яқин ўтган йиллар орасида бирин-кетин дунёдан ўтган устоз тилшунос олимлар С. Муталлибов, С. Иброҳимов, Аюб Ғулом, Фаҳри Камол, Теша Салимов, Фаттоҳ Абдуллаев, Улуғ Турсун, Саидзода Усмоновларни эслайлик... ҳа, буларнинг ҳам ҳар бирлари бир дунё, бир олам илм эдилар. Буларнинг йўқлигини ҳам ҳисобга олсак, ўзбек тилшунослигида юз бераётган таназул яна аниқ намоён бўлади. Ана шу табарруқ номларнинг сафдошини бўлган Олим Усмон шу йил ўзининг 80-баҳорини қарши олган бўлар, бинобарин, табарруқ умр ва баракали илм тўйининг соҳиби бўлар эдилар.

Олим Усмонов ўзбекларнинг ва туркий қавмларнинг қадимий қалин жойлашган вилояти — қадимий қорахонийлар давлатининг пойтахти, тарихий ва навқирон Ўзган атрофларида, яъни Жалолобод шаҳрида туғилди. Бу вилоят узок ўтган замонларда ҳам Хоразм, Суғдиёна, Шош (Тошкент) каби ўлкалардан ўзининг туркий этник қатламнинг қалинлиги, туркий ва тил (лаҳжа) хусусиятларининг устунлиги билан ажралиб турар эди. Ўзбек тилининг қадимий туркий илдизи шу ўлкаларда бақувватлашди. Жалолобод, Ўзган, Уш, Андижон (кенг маънода Фарғона водийси) вилоятлари аҳолисининг тили, ҳатто XVI асрнинг бошларида шайбонийлар билан кўп ўзбек уруғ-қавмлари бу ерларга келгунга қадар ҳам, туркий-ўзбек негизи асосида аллақачон яхлитлашган эди. Шунинг учун ҳам буюк аллома ва беқиёс шоир бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобир бу ўлканинг тилини, лаҳжаларини «қалам била рист» деб бежиз айтмаган эди.

Олимжон аканинг аждодлари, отабоболари шу ўлкада яшаб ўтдилар. Унинг ёшлиги ҳам шу ерларда кечди,



дунёни, ерни, элни шу ерларда таниди. Туркий лаҳжалар ва уларга доир сўзларни, она ўзбек тилини шу ерларда ўрганди, унинг беқиёс, сержило бойликларига ҳамшиликка меҳр қўйди. Бу отамерос хазинанинг толмас йиғувчиси, ҳалол тадқиқотчиси бўлиш орзу-истаги шу ерларда пайдо бўлган эди. Ана шундай олижаноб орзу Олимжон акани Самарқандга, ундан кейин эса Тошкентга етаклади.

Олим Усмонов Самарқандда педагогика техникумини битирди, сўнгра Фарғона водийсида — Андижон вилоятида (ўша пайтларда Фарғона вилояти дейилар эди) ноҳия ва қишлоқларида янги усулдаги совет мактабларини ташкил этиш, уларнинг ўқув базасини мустақамлаш, ишчи-комсомол ва колхозчи ёшларни мактабга кўпроқ жалб этиш, ўзбек тили ва адабиёти дарсларини ўқитишни йўлга қўйиш борасида жонбозлик кўрсатиб ишлади.

30-йилларда Олим Усмоновнинг шоир Ҳамид Олимжон билан танишуви унинг ҳаётида бурилиш ясади. Шоирнинг ёрдами билан Олимжон ака Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига экстр равишда имтиҳонларни топшириб уни тугатди ҳамда 1935 йилда ЎзССЖ Халқ Комиссарлари Кенгаши қошидаги Тил ва адабиёт илмгоҳи аспирантурасига кирди. Олим Усмонов 30-йиллардан бошлаб Тошкентда турли раҳбар лавозимларда ҳам ишлади: нашриётларда муҳаррирлик ва директорлик қилди. 40-йилларда эса Фарҳод ГЭСи қурилишида сиёсий ишлар бўйича бошлиқ ёрдамчиси бўлди, Ўзбекистон Вазирлар кенгаши қошидаги Радиоэшиттириш давлат қўмитаси раи-

сининг муовини лавозимида ҳам ишлади. Олимжон аканинг ҳаётида юз берган бир воқеани эслаб ўтишни истар эдик. Домланинг айтишларича, ўша Улуғ Ватан уруши йиллари, қимматчилик, етишмовчилик бўлса-да, лекин Олимжон ака уйланиш тарадудидида юрганлар. У киши Ўзбекистон радио қўмитасининг бошлиғи бўлгани билан тўйга етарли пул йўқ. Бу хабар раҳбарлар орқали Ўзбекистон Комфирқасининг биринчи котиби Усмон Юсуповнинг қўлоғига етибди. Шунда Усмон Юсупов: «Нега ташвиш қиласизлар, ҳамма пул сизларда-ку! Афишаларни кўпайтиринглар, Жангобнинг боғида халққа катта концерт қўйиб беринглар, концертдан тушган пулга тўй қилиб, Олимжонни уйлантиринглар, Олимжон халқ фарзанди-ку» деган экан. Ҳақиқатан шундай бўлибди ҳам. Тўй кун Усмон Юсупов ўз номидан бир қоп ун, бир қоп гуруч, бир қўй, келинга эса бир кийимлик хонатласни совға қилиб юборибди...

Олим Усмонов ўз ижодининг дастлабки пайтларида ҳикоя ва очерклар, публицистик мақолалар ёзди, ноширлик қилди. 30-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Олимжон ака ўрта мактабларда ўқитиш ишларини такомиллаштириш масалалари билан шуғулланди. Аини вақтда ўзбек тили грамматикасида мавжуд бўлган камчиликлар, янглиш ва хато қарашларни жиддий равишда танқид қилиб, кўп-кўп мақолалар ёзди. Масалан: «төмир қонунчи»ларнинг реакциян назариясига қарши», «Ўзбек тили грамматикасида формализм ва илмий бузуқликларга қарши», «Ўзбек тили морфологияси» дарслиги ҳақида» каби ўнлаб мақолалар ана шундай мақсадларда ёзилган. Ундан кейин Олим Усмоновнинг ўзи ўрта мактаблар учун она тилидан программалар, ўқув қўлланмалари, орфографик ва бошқа ҳар хил машқлар тўплалари яратиб, мактабларга тақдим этди. Хусусан, Олим Усмонов томонидан ёзилиб, 1938 йилда нашр этилган «Ўзбек тили грамматикаси» (1-бўлим. Тўлиқсиз ва ўрта мактаблар учун дарслик) китоби (кейинроқ Б. Авизовнинг ҳамкорлигида) 1938—1941 йиллар мобайнида қайта-қайта чоп этилди ва ўзбек тили ўқитув тарихида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу дарсликда илгари мавжуд бўлган дарслик ва қўлланмалардаги бир қатор хато ва камчиликлар тузатишган эди.

Ўзбек тили имло қодаларининг яратилиши ва унинг тадрижий такомил топишида ҳам Олим Усмоннинг хизматлари беқиёс катта бўлди. Бу соҳага бағишлаб ҳам домла кўплаб мақолалар, амалий қўлланмалар ва имло луғатларини яратди, халқимиз-



нинг, мактаб ўқувчиларининг умумий саводхонлигини оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Чунки бу даврларда аввал араб алифбоси, сўнгра лотин алифбоси, ундан кейин эса рус ёзувига ўтишдек марказдан бўлган зуғумлар халқимизнинг саводли бўлишини, илм олишини, мактабларда ўқув-ўқитув ишларини атайлаб қийинлаштириб қўйган эди.

30-йилларнинг охири ва 40-йилларнинг бошларида Олим Усмонов Алишер Навоийнинг бой тилшунослик меросини ўрганиш бўйича жиддий шуғулланди. Бу ишга ҳам домла ҳаргалгидек биринчилардан бўлиб киришди. Домла ўзбек тилининг ўзига хос тарихий-анъанавий хусусиятларини ўрганиш, уни Навоий меросига боғлиқ равишда тадқиқ ва тарғиб қилиш мақсадини кўзлаган эди.

Олим Усмонов Алишер Навоийнинг тилшунослик меросини ўрганишга бағишланган асарларида бир неча илмий муаммоларни ҳалол меҳнати билан лўнда қилиб тўғри ҳал этиб бердики, булар Навоийнинг «Муҳокамат-аллуғатайн» асарининг ўрганилиш тарихи, Темурийлар давридаги адабий тил ва унинг аҳволи, Навоий асарлари тилининг луғавий бойлиги, унинг тараққиёт тарихи, Навоийнинг она тили ва адабиёти учун олиб борган машаққатли кураши, Навоий қарашларида тил ва тафаккур масалаларининг ифодаси, эски ўзбек тилининг луғат бойлиги ва услубий устунлиги ва устиворлик томонларининг кашф этилиши, эски ўзбек тили грамматик хусусиятлари ва сўз ясаши имкониятлари чексизлиги каби кўплаб масалалар шулар жумласидандир. Бу машаққатли илмий меҳнатнинг натижаси сифатида унинг йирик асарлари ва салмоқли илмий мақолалари майдонга келди.

Олим Усмонов йирик ўзбек луғатшунос олимидир. У узоқ йиллардан бери турли луғатлар тузиш билан шуғулланди. Тилшуносликда луғат тузишдек машаққатли меҳнат бўлмаса керак. Бу соҳада ҳам домла ҳамisha пешқадам бўлиб келди. «Ўзбек тилининг орфографик луғати» (1940), «Имло луғати» (1949), «Русча-ўзбекча луғат»нинг беш жилдигининг яратилишида алоҳида хизматлари бор. Яна Олим Усмонов домланинг «Газетхонлар луғати», «Қисқача русча-ўзбекча луғат», «Қисқача интернационал сўзлар луғати» каби ўнлаб сўзлар хазинасини жамлаганки, уларни бир жойга йиғса, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бир кутубхона тўлдирди.

Олим Усмонов ўзбек тили терминологиясини яратишда миллийликка интилди. У «Рус-совет байналмилал сўзлари» баҳонасида рус тилидан кўплаб терминларни қабул қила беришга биринчилардан бўлиб қарши чиқди ва бундай бир ёқлама йўл билан ўзбек тилининг илмий терминологиясини яратиш мумкин эмас, бу ҳолда ўзбек тили булғаниб кетади деб, кўпчилик тилшунос олимларга эътироз билдирди. Шунинг учун ҳам 50-йилларда ўринсиз равишда Олим Усмоновга «миллатчи олим» деб таъна тошлари отилди. И. В. Сталиннинг тилшуносликка бағишланган асарларининг муҳокамаси муносабати билан домлага нисбатан бундай тухмат фикрларни ўзбек тилшуносларининг устози А. К. Боровков билдирган эди.

Бу айблар ҳалол олим ва инсон Олим Усмоновга бўлган қуруқ ва асоссиз тухматлар эди. Бу тухматларнинг моҳиятини биз ҳозирги пайтда ўзбек тилига давлат мақоми берилиб турган ва у янгица йўлдан ўз ривожини бошлаган шу кунларда юз бор аниқ тушуниб турибмиз...

Олим Усмонов узоқ йиллар Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт илмгоҳи қошидаги Атамашунослик бўлимига мудирлик қилди ва бу соҳадаги ишларга бош-қош бўлди. Домла бу бўлимини кенгайтириш, уни Ўзбекистон жумҳурияти Вазирлар Кенгаши қошидаги Атамашунослик кенгашига айлантириш учун кўп елиб юрганган эди ва асосан ҳал қилган эди. Кеч бўлса-да, Олим Усмонов домланинг орзулари амалга ошди: жумҳурият Атамашунослик қўмитаси тузилди. Бироқ домла орзу қилганидан жуда ноҷор аҳволда.

Олим Усмонов жумҳуриятимизда илмий ва педагогик кадрларни тайёрлашда улкан хизматлар қилди. У бир неча йиллаб Низомий номдаги Тошкент Давлат дорилмуаллиминида, Тошкент Давлат дорилфунунида ўзбек тили ва унинг тарихидан дарс берди.

Олимжон аканинг шоғирдлари орасида академиклар, мухбир аъзолар, жуда кўплаб фан докторлари, фан арбоблари, фан номзодлари, ёзувчилар, ноширлар, қаламқашлар, ўқитувчилар ва партия-совет раҳбарлари бор. Олимнинг илмий-педагогик ва ташкилотчилик хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан фахрий ёрлиқлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. У кишига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони (1973) берилди.

Бу йил устозимиз Олим Усмонов 80 баҳорни қаршилаши керак эди. Афсус... лекин Олим Усмонов ижод қилиб бахту иқбол топган ўзбек тилшунослиги фани унинг 80-баҳорини шоду ҳуррамлик билан кутиб олиб, бу заҳматқаш олимнинг ҳурматиغا албатта бош эгиб, таъзим бажо қилурлар.

Наримон ҲОТАМОВ,  
Дўстмурод АБДУРАҲМОНОВ.

## МИЛЛИЙ КАДРЛАР—«ХАЛҚ ДУШМАНЛАРИ»

Қайта қуриш, ошкоралик ва жамият ҳаётини халқчиллаштириш жараёни кишиларимизнинг ўз ўтмишига бўлган қизиқишини янада кучайтириб юборди. Бу ҳол бежиз эмас, албатта. Чунки ҳозирга қадар қанчадан-қанча тарихий воқеаларнинг умуман ёритилмаётганлиги, тарихий ҳақиқат бузиб ёки бир томонлама талқин этилгани, бу соҳада йўл қўйилган қўпол хатоликлар—бўйинимиздаги қарзлардир.

Сўнги йилларда шу долзарб мавзуга бағишланган китоб, рисола ва мақолалар эълон қилинаётгани, адабиёт ва санъат асарлари яратилаётгани билан иш кўнгилдагидек эмас. Бир гуруҳ қалам аҳли, журналист ва тарихчилар ўтмишдаги воқеаларни одилона ёритиш ниятида тарихий манбаларни ўрганиб, шу пайтгача номълум бўлган, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, аччиқ

ва даҳшатли ҳақиқатларни кенг жамоатчилик диққатига ҳавола этаётгани билан, ҳали ҳақиқат бор овоз билан айтилмаётди.

Жумҳуриятимиз тарихининг «қора саҳифалари»дан бири 20—30-йилларда ўлкамизда мустақил ва тенг ҳуқуқли ўзбек миллий давлатини тузиш, уни оёққа тургазиш учун ўзларини фидо қилган азиз сиймолар—Ўзбекистон Шўролар қурултойлари делегатларининг фожеали тақдиридир. Уларнинг бир қисми мудҳиш шахсга сийғиниш йилларида Сталин ва унинг атрофидаги ёвуз ниятли жаллодлар амри билан ноҳақ жазога тортилиб, таниқли рус адаби А. Солженициннинг «ГУЛАГ архипелаги» асарида тасвир қилингандек, қуш учса қаноти музлайдиган, дўзахдан қолишмайдиган Сибирия каби ёт ўлкаларга бадарга қилинган, бамисоли чумоли каби эзиб,

янчиб ташланган... афсуслар бўлсин.

Ваҳшийлик шу даражага етганки, нафақат делегатлар, балки уларнинг гуноҳсиз оила аъзолари, ҳатто яқин қариндошлари ва сафдошлари ҳам азоб-уқубатга гирифтор этилган. Бу ўринда компартия ва совет давлатининг йирик арбоби, Ўзкомпартия МК собиқ биринчи котиби Акмал Икромовнинг гуноҳсиз рафиқаси, беш нафар ака-укаси, ёшгина ўғиллари—Ургут ва Қомил қамоққа олиниб, қанчалик хўрланганлиги фикримизга яққол мисол бўла олади. Қатағон қилинган ва ваҳшийларча ўлдирилган делегатларнинг кўмилган жойига бирорта белги ҳам қўйилмаган. Даҳшатли жиноятни кўпчиликдан, айниқса келажак авлодлардан яшириш мақсадида уларнинг ҳаёти ва фаолиятига тааллуқли ҳужжатлар мунофиқларча йўқ қилиб юборилган. Қурбон бўлганлар—

дан кўпчилигининг ҳаёти, бошига тушган мусибат тафсилоти ҳануз кенг жамоатчиликка маълум этилмаган. Масала қанчалик мураккаб ва чигал бўлмасин, уни синчиқлаб ўрганиш, ўлкамиз асл фарзандларининг табаррук номларини халқимизга, тарихимизга қайтариш кенг жамоатчиликнинг муқаддас бурчидир.

Архив ҳужжатларини ўрганиш натижасида 1925—1935 йиллар давомида Ўзбекистонда 5 марта Шўролар курултойи ўтказилганлиги, уларга жами 3561, жумладан I курултойга (1925 йил 13—17 февраль) 598, II курултойга (1927 йил 22—31 март) 723, III курултойга (1929 йил 30 апрель—10 май) 741, IV курултойга (1931 йил 20—28 февраль) 702, V курултойга (1935 йил 10—17 январь) 797 киши делегат бўлиб сайланганлиги аниқланди.

Стенография ҳисоботида кўра, 1925 йилнинг 13—17 февраль кунлари бўлиб ўтган Ишчи, деҳқон ва аскар депутатлари шўроларининг I Умумўзбек таъсис курултойи Бухоро шаҳрида ўтказилган. Бу курултойда иштирок этган М. И. Калинин ибораси билан айтганда, 13 февраль куни ўлкамизда янги давлат биносининг пойдеворига дастлабки ғиштлар терилган.

Бу тарихий санага алоҳида тўхталиб ўтишимнинг сабаби бор. Курултойнинг охириги куни, яъни 17 февралда Жумҳурият Халқ Комиссарлари Кенгашининг раиси Файзулла Хўжаев Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятини барпо қилиш тўғрисидаги декларацияни эълон қилди ва у қабул қилиниб, Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти тузилганлиги расман тасдиқланди. Бу факт эса Ўзбекистон ССЖнинг 1925 йил 17 февраль куни ташкил топганлигидан дарак беради.

Лекин, шунга қарамай, 1964 йилгача,

яъни 40 йил давомида Ўзбекистон ССЖ 1924 йил 5 декабрда, 1964 йилдан бошлаб эса 1924 йил 27 октябрда ташкил топган деб хато ҳисоблаб келинмоқда ва ҳар йили худди шу куни турли тадбирлар ўтказилиб, муҳим сана сифатида нишонланмоқда. Катта Совет Қомуси, Ўзбек Совет Қомуси ва бошқаларда Ўзбекистон ССЖ 1924 йил 27 октябрда ташкил этилгани қайд қилинган.

Съездлар тарихи ва делегатлар ҳаётига оид архив ҳужжатлари ўрганилганда кўйидаги тарихий фактлар ҳам диққатни жалб қилади. Аввало, 1925 йилда жумҳурият таркибига Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Зарафшон, Қашқадарё, Сирдарё, Хоразм, Тожикистон вилоятлари кирган. Бу вилоятлардан съездга сайланган 598 нафар делегатдан эркаклар 95,8, аёллар 4,2, ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан — деҳқонлар 40,3, ишчилар 28,5, хизматчилар 24,9, ҳунармандлар 4,1, ҳарбий хизматчилар 2,2, миллати бўйича — ўзбеклар 67,5, руслар 10,9, тожиклар 11,1, бошқа миллат вакиллари 10,2 фоизни ташкил қилган.

Съездда сайланган жумҳурият олий ҳокимияти органи — Марказий Ижроия Қўмитаси I сессиясининг дастлабки йўғилишида 26 киши — Йўлдош Охунбобоев (МИК раиси), Нусратулла Махсум Лутфуллаев, Султон Қосимхўжаев, Строганов (раис муовинлари), Челогузов (котиб), Уринхўжаев, Ризаев, Калугин, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, В. Иванов, Имомов, Порсо Хўжаев, Болик, Хаит Генусаев, Исмоилов, Хидиралиев, Турсунов, Желтов, Иноғомов, Ғозиев, Мўминхўжаев, Мавлонбеков, Одилли, Пўлатовлар — ҳайъат аъзолари, 5 киши — Аъламов, Турсунхўжаев, Лукьянов, Алихўжаев, Хўжаевлар ҳайъат аъзоллигига номзод этиб сайланди.

Кейинчалик уларнинг тақдири тур-

лича бўлди. Саноқли кишилар — Й. Охунбобоев, С. Қосимхўжаев, Урунхўжаев, Хидиралиевларни истисно қилганда, юқори органларга сайланган етук давлат арбобларидан кўпчилигининг ҳаёти фожевали тугади. Афсуски, ҳозирга қадар уларнинг ҳаёт йўли ва мудрига тақдири яхши ўрганилмаган. Тарихий ҳақиқатни тиклаш учун эса уларни сиёсий жиҳатдан оқлаш, бегуноҳ номларини халққа қайтариш зарур.

Кейинги йилларда эълон қилинган илмий асарлар, маъруза ва мақола-ларда шахсга сиғиниш офатининг келиб чиқиши асосан Сталин номи билан боғлаб кўрсатилган. Тарихий ҳужжатлар эса шу нарсадан далолат берадики, шахсга сиғиниш иллати 20-йиллардаёқ авжига чиққан. Уша пайтлардаёқ биргина Сталин шахсига эмас, балки мамлакатнинг бошқа раҳбарлари шахсига ҳам сиғиниш одат тусига кириб борган. Чунончи, I курултойда иштирок этган Михаил Калинин шаънига: «Совет Иттифоқининг буюк доҳийларидан бири ўртоқ Калинин», «Яшасин ишчи ва деҳқонлар иттифоқининг доҳийси ўртоқ Калинин!», «Яшасин Совет Социалистик республикалари Иттифоқи ва унинг доҳийси ўртоқ Калинин!», «Яшасин ўртоқ Калинин!» каби хитоблар неча марта лаб такрорланган. Ундан сўнг гулдурас, давомли қарсақлар, мусиқа садолари, «Ура!» деган ҳайқириқлар янграган. Калининга байроқ, альбом, сандиқчалар совға қилинган.

I Умум ўзбек таъсис курултойига сайланган делегатларнинг аксарияти ўз замонасининг илғор кишилари эди. Улар жумҳуриятда янги давлат қуриши ишига муносиб ҳисса қўшишган. Афсуски, уларнинг маълум бир қисми зўравонлик, адолатсизлик сиёсатининг қурбони бўлди. Узоқ йиллар давомида уларга «халқ душмани» деган

### (Боши 21-бетда)

ҳам қўйиш мумкин эди. Чунки бу мутафаккирлар ҳам у ёки бу даражада худонинг моҳияти ва табиатини мансурий талқин этишган. Хусусан, Урта Осиёнинг яна бир буюк мутасаввуфи Бобораҳим Машраб (1711 йили Балхда қатл қилинган) ҳам нафақат Оллоҳга бўлган ўз эътиқодида собит турган, балки ўз даврида «аналҳақни «Неки битдим, ҳақ турур», «На битибмен, ҳақ сўзин битибмен» шаклида ифода этган.

Унга нисбатан ҳам деярли Ҳалложга қўйилган айблар битилган, у ҳам ўз қатли олдидан ҳалложона Байтуллоҳ йўлида (ҳаж сафариди) бўлган, ўз маслакдошлари даврасида қатл этилган. Бу дунё деб, ўз жони деб ноҳақ тавба-тазарруга рози бўлмай, инсонлик шаъни, ғурури ва эътиқодини ерга урмай, Аллоҳга бўлган эътиқоди йўлида жон фидо қилган. Унинг шогирди Пирмат Сеторий тилидан Исҳоқ Боғистоний: «Шоҳ Машрабни уламо аркони давлат қошида тавба-тазарру қилмоққа ундади. Шоҳ Машраб унамадилар», деб далолат беради.

Боболаримиз юксак эътиқодлилиқ, собитлик ва инсонийликдан ана шундай ибрат қолдирганлар! Ҳозирги кундаги эътиқодий тугуруқсизлик, мунофиқлик ва риёкорликлар инсоний шаън ва қадр-қиммат нақадар ерга урилганини, маънавий қадриятларимизни оёқ ости қилиш нималарга олиб келганини кўрсатади.

Қўйида биз Ҳалложнинг юксак эътиқоди, Ҳақ йўли ифодаланган фикрлари ва мисраларини ўзбек ўқувчиси шу пайтгача умуман ўқиш имкониятига эга бўлмаганлигини назарда тутиб, алоҳида ҳавола этамиз. Ҳаллож меросининг жуда ҳам оз қисми — «Китаб ат-Тавасин» китоби (1913, Париж.), «Девон» (1931, Париж.) ва «Ахбор ал-Ҳаллож» (1957, Париж.) тўпламларида Луи Массиньон томонидан чоп этилган. Ана шу нашрлар Техрон, Қоҳирада қайта нашр этилган.

### МАНСУР ҲАЛЛОЖ МЕРОСИДАН

Мен ўзим севган У (Ҳақ) мандир,

Ва ўзим севган У мандир.

Биз бир жасаддаги икки руҳмиз,

Агар мени кўрсанг, шубҳасиз, У (Ҳақ)ни кўрасан,

Агар Уни кўрсанг, шубҳасиз, ҳар иккимизни кўрасан.

• • •

Узининг ярқ этиб кетган илоҳийлигию (лаҳут)

сирри ашрафин,

Ва-л-оҳиран ўзи яратганлари кўзи ўнгида,

Овқат еювчи ва сув ичувчи қиёфасида

ўзини кўрсата олган,

Инсонийлик(насут)ни малонкаларига кўрсата олганга

ҳамду санолар бўлсин!

машъум қора тамға босилганлиги, ҳаётини ўрганиш ва номини тиклаш таъқиқланганлиги, ҳаётига оид қимматбахо ҳужжатлар сирли равишда гумдон қилинганлиги ёки темир сандиқларда махфий ҳужжат сифатида яшириб келинганлиги туфайли фожеали қисмати шу пайтгача ўрганилмади. Шу туфайли Ф. Хўжаев, А. Икромов каби бир неча делегатни истисно қилганда ҳали халқимизнинг кўплаб ўғил-қизларининг номи тикланмасдан ётибди.

Жумҳуриятда маориф тараққиёти учун катта улуш қўшган ёрқин сиймолардан бири I Умумўзбек таъсис қурултойининг делегати, Ўзбекистон МИҚ раёсатининг аъзоси, Маориф халқ комиссари Иноғомовдир. У ўз даврининг илғор ва билимдон кишиларидан бири бўлган. 20-йилларда ўлкамизда саводсизликни тугатиш, миллий маданиятни ривожлантириш, кўплаб ўқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшган.

Лекин шунга қарамай у ҳам тухматона миллатчиликда айбланиб ҳибсга олинади ва йўқ қилиб юборилади. Уша мудҳиш йилларда миллий маданиятнинг равнақи, халқ манфаати учун астойдил курашган кишилар «миллатчи», «халқ душмани» деб эълон қилинади.

Иноғомовга нисбатан бўлган адолатсизликнинг яна бир кўриниши шундаки, ҳозиргача у сиёсий жиҳатдан оқланмаган, унинг юрт олдидаги хизматларига тўғри баҳо берилиб, номи тикланмаган ва хотираси абадийлаштирилмаган. Тарихий воқеалар сохталаштириб ифодаланган турли китобларда Иноғомовга нисбатан босилган «иноғомовчилик» («инагамовщина») тамғаси ҳанузгача олиб ташлангани йўқ.

Архив ҳужжатлари шундан далолат

берадики, делегатлар орасида Ўзбекистон Шўроларининг барча ёки бир неча қурултойларида фаол иштирок этган кишилар ҳам бор. Жумладан, Ўзбекистон Зироатчилик халқ комиссари Рустам Исломов, Молия халқ комиссари Акбар Исломов барча қурултойларда, Ўзбекистон маҳаллий саноати халқ комиссари Саттор Носирбоев II—III—IV қурултой, ёзувчи Раҳмат Мажидий II қурултой, Тошкент шаҳар Ленин ноҳияси ижроия кўмитасининг раиси Абдуллажон Қобулов I—IV қурултойларда қатнашган. Лекин шўролар ҳукуматининг бу фаол ва таниқли арбобларининг ҳаёти шу пайтгача яхши ўрганилмаган.

Қурултой делегатлари рўйхати ва сўроқ варақалари ўрганилганда, I қурултойда: Зарафшон вилоятидан қори Ваҳоб, Абдулла Абдурахмонов, Камол Оқсоқол, Мусахўжа Ҳакимов, Шоди ака, Фарғона вилоятидан Ҳаким Хўжаев, Али Хўжаев, Маҳсумов, Хоразм вилоятидан Воис Раҳим, Турсун Хўжаев, Хонсуваров, Аҳмад Абдуллаев, Сурхондарё вилоятидан Жўра Эшмирозав, Турсун Норбоев, Бобоназар Хидиров, Юсуфзода; II қурултойда: Бухоро вилоятидан Фаттоҳ Тиллаев, Болта Аҳмедов, Ражаб Арабов; V қурултойда: Қашқадарё вилоятидан — Шаҳрисабз фирқа кўмитасининг котиби Усмон Абдушуқуров, Чирокчи ижроқўмининг раиси Нодир Пардаев, унинг муовини Усмон Абдуллаев, ўша ноҳиядаги Қалқам қашлоқ шўроси раиси Назар Худоёров каби минглаб киши қатнашганини кўриш мумкин. Шубҳасиз, ҳозир ҳам улар ҳақида баъзи маълумотларни биладиган қариндошлари, ҳамюртлари, сафдошлари бор. Зарур ҳужжатларни тўплашда бу кишилар бебаҳо ҳисса қўшиши мумкин.

Қурултойлар делегатларининг маълум қисми турли сабабларга кўра қа-

тағон исканжасидан қутилиб қолган. Ана шулардан бири, давлат арбоби Раҳимжон Раҳимбоевдир.

Ташкилотчилик истеъдоди эгаси Р. Раҳимбоев турли вазифаларда ишлаган. 224-сонли делегатлик билети билан у 1921 йил декабрь ойида Москва шаҳрида бўлиб ўтган Ишчи-деҳқон ва Қизил Армия депутатлари Советининг Бутунроссия IX съезида қатнашиб, В. И. Ленинни кўради ва сўзини эшитади. 1925-1933 йилларда барча қурултойлар делегати ҳамда Ўзбекистон МИҚ аъзоси қилиб сайланган. Совет давлати олдидаги хизматлари учун 1925 йилда «Қизил Байроқ», 1928 йилда «Меҳнат Қизил Байроқ» нишонлари ҳамда номи ёзилган соат, «Маузер» тўппончаси билан мукофотланган. 1989 йили Р. Раҳимбоев таваллудига юз йил тўлди ва унинг хотирасига бағишлаб турли тадбирлар ўтказилди.

20-ва 30-йилларда жумҳурият олий органларига депутат этиб сайланган кишилар ҳақида фикр юритганда уларнинг ҳаммаси ҳам баркамол ва беками-кўст шахслар бўлган деб бўлмастлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Чунки улар орасида назарий ва сиёсий жиҳатдан бўш, дунёқараши чекланган ва шу туфайли жумҳуриятимизда турли ислоҳот ва мубоҳасалар ўтказилганда халқ манфаатидан кўра ўз маъқеини устун қўйган, керак бўлганда сафдошлари ва сирдошларига хиёнат этиб, уларни сотиб, жиноят қилган ва жиддий хатоларга йўл қўйган кимсалар ҳам бўлган. Лекин ҳанузгача улар фаолиятига холис тарихий баҳо берилгани йўқ. Ижтимоий адолат эса оқни оқ, қорани қора деб айтиш зарурлигини талаб қилади.

Холиёр ЭШТЎХТАРОВ,  
фалсафа фанлари номзоди.

Ҳаллож деди: Сен ўз ҳаётингни руҳиятинг такомилига бағишлаган эдинг. Қани сенинг Муваҳҳидга бўлган эътиқодингда фано бўлганинг?

(Ҳаллож, унга қатл ҳукмини чиқарган судда қозилар қарматларнинг Маккаи мукаррамадаги Байтуллоҳ (Каъба)га ҳужум қилиб, вайрон этишга унинг алоқаси бор деб айбланганларига куйидагича жавоб берган):

Ўз қалбинг Каъбаси теграсида етти марта айланган афзалроқдур, чунки ҳақиқий Каъба тош уй эмас, дил каъбасидир.

Бошда нури ваҳий бордур; пешона, икки зулф оралиғида илоҳий суҳбатлар нури бордур; қулоқларда — нури яқин (ишонч) бордур; тилда — яққоллик нури бордур; кўкрақда — нури эътиқод бордур.

Унинг руҳи — менинг руҳимдур, менинг руҳим эса Унинг руҳидур; У нимани хоҳласа, шуни мен ҳам хоҳлайман, нимани мен истасам — У ҳам истайди!

Абдуқодир ЗОҲИДОВ,  
ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳининг катта илмий ходими,  
фалсафа фанлари номзоди.

Кимки Уни қидириб, ақлга қўл берса,  
Ҳайрат адоғида чиқиб бўлмас чоҳда бўлғуси,  
Ва ҳайрат саросимада — «бу Уми?» дея сўргуси.

Сенинг (Оллоҳнинг) руҳинг менинг руҳим-ла  
Худди шаффоф сув билан аралаштирилган шаробдек  
қўшилиб кетди (жъэм).

Мен кимни севаман, ким менинг маҳбубим?!  
Иккимиз бир тандаги икки руҳмиз,  
Агар мени кўрсалар У (Ҳақ)ни кўрарлар,  
Агар Уни кўрсалар ҳар иккимизни кўрарлар.

Парвона учар шамга — ўз ўлими томон,  
Ўзини маҳв этиб, ўзи бўлар шам.

(Ўзини Оллоҳга топширган — мутаваккул деб билган ал-Ҳаввоснинг машҳур сўфий китобларни берилиб мутолаа этаётганлигини кўрган) Ҳаллож деди: Нима қилаяпсан?  
Ҳаввос деди: Мен ўзимнинг таваккулдаги аҳволимни такомилга етказиш учун китоб титкиляпман.

# Соҳибқирон малликлари

**Т**арихий маълумотларнинг далолатига қараганда, соҳибқирон Амир Темур бир неча марта уйланган. Соҳибқироннинг ўз икrorича, 1355 йили отаси амир Муҳаммад Тарағай уни биринчи марта амир Чағуй Барлоснинг қизига уйлантиради. Уша йилиёқ амир Темур амир Қазағоннинг набираси, амир Хусайннинг синглиси Улжаой Туркон Оғога ҳам уйланади. «Темурнома» муаллифининг ёзишича, Улжаой Туркон Оғонинг асл исми Камолой бўлиб, доим эркаклар либосида отга миниб, жангларда иштирок этар, ҳамда жангдан қўплаб ўлжалар билан қайтар экан. Шу боис уни Улжаой Туркон деб атар эканлар. Улжаой Туркон оғо 1366 йилда касал бўлиб вафот этади.

Соҳибқирон амир Темур Самарқанд тахтига ўтирган (1369—1370) вақтида мазкур хотинларидан икки ўғил ва икки қизи бор эди. Ҳар икки амирзода, яъни Жаҳонгир Мирзо ва Умар Шайх Мирзо бир йилда — 1356 йилда туғилганлар. Демак амирзодалар бошқа-бошқа онадан туғилганлар.

Тарихчи Хондамирнинг берган маълумотига қараганда, Жаҳонгир Мирзонинг онасининг исми Нурмушк Оғо деб аталган. Агар шунга амал қилинса, соҳибқироннинг биринчи хотини — амир Чағуй Барлос қизининг исми Нурмушк Оғо бўлиб, ундан Жаҳонгир Мирзо ва Оға бегимлар туғилган. Соҳибқироннинг иккинчи хотини Улжаой Туркон Оғодан эса Умар Шайх Мирзо ва Султон Бахт бегим туғилган. Бундай хулосага келишимизнинг сабаби 1360 йилгача соҳибқироннинг икки-тадан ортиқ хотини бўлмагани аниқ. (Бу масала келгуси тадқиқотчиларга ҳавола).

«Зафарнома» муаллифи Шарафуддин Али Яздийнинг маълумотига қараганда, 1370 йилда соҳибқирон Амир Темур жангда амир Хусайни енгиб, уни асир олгач, Самарқанд тахтига ўлтириб, Мовароуннахр ҳукмронлигини ўз қўлига олади. Асирга олинган амир Хусайни Хутталонли амир Кайхусрав қўли билан қатл қилдиради. Амир Хусайн ҳарамида бир неча маликалар бўлиб, ҳарамнинг улғу бекаси Тармаширинхоннинг қизи Суюнч Кутлуқ Оғо эди. Соҳибқирон амир Хусайн ҳарамидан Қозон султонхон қизи — Сарой Мулк хонимни, Баён Сулдузнинг қизи — Улус Оғо бегимни, Ҳизир Ясурийнинг қизи — Исломо Оғо бегимни ҳамда Тағо Туркон Хотунни танлаб олиб, ўз никоҳига киритади. Амир Хусайн ҳарамидаги бошқа хотинлар — Суюнч Кутлуқ Оғони Баҳром Жалойирга, Дилшод Оғони — ЗиндаҲашмга, Одил Мулкни — амир Жокуга, амир Хусайннинг қизини эса Элчи Бугога ҳада қилади.

Сарой Мулк хоним Чигатой улусига мансуб бўлган мўғул хонларидан Қозонхоннинг қизи бўлиб, 742/1341 йилда туғилган эди. Қозонхон тахтдан аزل этилиб, қатл қилинган вақтда Сарой Мулк хоним

ҳали беш ёшда эди. Сарой Мулк хоним балоғатга етгач, 1355 йилда амир Хусайн никоҳига қиради. 1370 йилда амир Хусайн қатл қилинган, Амир Темур никоҳига қиради.

Соҳибқирон Сарой Мулк хонимни ўз никоҳига киритгач, машҳур «курагон» номини олишга мушарраф бўлади. Сарой Мулк хоним хон авлодига мансуб бўлгани тўғриси ҳарамдаги барча маликалардан юқори турар ва катта хоним (Биби-хоним) деган унвонга эга эди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Сарой Мулк хоним ўз замонасининг юксак идрокли, фаросатли, тадбиркор ва ақл-заковат соҳибаси бўлган. Шунингдек, ҳуснлатофат бобида ҳам беназир эди. Сарой Мулк хоним инсонпарвар, سخоватли аёл бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий ва маданий қурилиш ишларига, айниқса толиби илмларга ҳомийлик қилган.

Ривоят қилинишича, Сарой Мулк хоним кунлардан бир кун ўз жамғармаси ҳисобига савоблик учун худо йўлида бир мадраса бино қилдиришга Амир Темурдан ижозат сўрайди. Ҳукмдордан рухсат олгач, отаси томонидан бир вақтлар соғва қилинган бир жуфт олмос балдоғни сотувга қўйиб, ушбу маблағни мадраса қурилишига сарфлайди. Мухандис мадраса тархнини чизиб тугатгач, уста бошию, бир неча корфармолар раҳбарлигида қурилиш бошланиб кетади. Юзлаб мардикорлар, ғишт терувчилар, ўнлаб наққошлар кечаю-кундуз ишлайдилар. Иттифоқо қурилиш ниҳоясига етабошлаган пайтда Сарой Мулк хоним ўз канизлари билан бирга қурилиш майдонига келади ва устабошига бинонинг кам-кўстлари ҳақида кўрсатмалар беради. Гарчи устабоши Сарой Мулк хонимнинг юзини кўрмаган бўлса-да, лекин унинг сўзларидан ниҳоятда оқила ва ўткир зеҳни аёл эканлигига имони комил бўлади. Сарой Мулк хоним кетгач, устабоши хоним билан бўлган бир нафаслик мулоқотдан олган таассуротини ичига сиғдира олмай, ҳиссиёт ғалаба қилиб, атрофида турган усталарга: «Епирай, аёл зоти ҳам шунчалик доно ва оқила бўладими?... Хоним ҳақида шу кунгача эшитган барча таъриф-тавсифларнинг ҳаммаси тўғри экан. Қани энди ҳамма аёллар ҳам шундай бўлсайди»,— деб чуқур уф тортади.

Устабошининг соддадиллик билан айтган бегубор сўзлари тез фурсатда қурилишдаги барча корфармою, уста ва мардикорлар орасида тарқалиб кетади. Бир-икки кун ўтгач миш-мишлар бардамалаб, «нима дейсан, устабоши хонимга гоийбона ошиқ бўлиб қолган эмиш»,— деган сўзлар тарқайди. Табиийки, бу миш-мишлар Сарой Мулк хонимга ҳам етиб боради. Устабоши ўзининг бемулоҳазалигидан ўқиниб, суяксиз тилнинг жароҳатидан нолиб турган бир пайтда, Сарой Мулк хонимнинг канизларидан бири қўлида

рўмолга ўралган лаганчини устабошига узатаркан: «Хоним ушбу тухумларни сизга юбормишлар. Токи мазкур етти хил рангга бўялган етти дона тухумни тановул айлаб, аларнинг мазаси бир хилму ёҳуд ҳар бирининг мазаси алоҳидаму, ушбуни фарқлаб бергайсиз. Жавобини эрта қиём пайтида эшитурмиш»,— деб, қайтиб кетади. Устабоши рўмолни очиб, етти хил рангдаги етти дона тухумни ўз кўзи билан кўргач, Сарой Мулк хоним нимага шама қилаётганини тушуниб, чуқур изтиробга чўмади. Шу аснода ҳаммаёқда «Соҳибқирон Амир Темур навбатдаги юришдан қайтиб келаётган эмиш, ҳаргун-эрта Самарқандга етиб келар эмиш», деган овозлар тарқалади. Устабошининг кўз ўнги қоронғулашиб қўли ишга бормай, ўз тақдири ҳақида ўйларкан, «миш-мишлар бошимга бало бўлди, ҳадемай соҳибқирон етиб келса мени соғ қўймас, жазога мустаҳиқ қилмоғи муқаррардур. Начора тақдири азалда битилгон эркан-да... Ҳай аттанг! Аммо чиқмаган жондин — умид, деганлар машойиҳлар, бу ердан қочмоқ чорасини топмоқ керак. Қочиб ҳам қаерга борғундир. Дарвоқе пастга ҳам тушиб бўлмай-дур, дарҳол тутуб, зиндонга солурлар. Не қилмоқ керак?...»

Устабоши кўп ўйлагач, шогирдини ўз ёнига чақириб, уни ўз режасидан воқиф қилади. Шундан сўнг устабоши бир қарорга келади. У ўзига иккита қанот боғлаб, гумбаз устидан сакрайди. Қанот ёрдамида шаҳар четигаги яйловга қараб шўнғийди. Аммо қўнишга улгурмай, боши билан ерга қадалиб оламдан ўтади. Бу манзарани кузатиб турган шогирди «эх, аттанг, устоз андак хатога йўл қўйибдилар. Зеро қанот билан бирга дум ҳам боғламоқ лозим эрди»,— деб, шогирд ҳам ўзига қанот ва дум боғлаб, гумбаздан яланглик томон парвоз қилади. Нақл қилишларича, шогирд дум ёрдамида ялангликка сиҳат-саломат қўниб, кўздан гоийб бўлган экан. Шундан буён «устасидан шогирди ўзган»,— деган мақол қолган экан.

Кўпгина ривоятларга қараганда Сарой Мулк хоним меҳр-шафқатли, етимпарвар, бева-бечораларга, айниқса толиби илмларга кўпроқ ҳомийлик қилар экан. Нақл қилинишича, кунлардан бир кун Сарой Мулк хоним ўз одатига кўра, қош қорайгач уч-тўрт канизлари билан кийимларини ўзгартириб, ўзи қурдирган мадраса томон йўл олади. Сарой Мулк хонимни қизиқтирган масала, мадрасадаги толиби илмларнинг аҳоли руҳияси, ким қандай тиркичилик ўтказибгани ҳамда улар тунда қандай иш билан машғул эканликларини зиндан текшириб билиш эди. Хоним мадрасага етиб келганида ҳужраларнинг деярли барчасида чироқ ўчган, толиби илмлар тун оғушида уйкуга кирган эдилар. Фақат биргина ҳужрада шам ёниб, ичкаридан товуш эшитиларди. Сарой Мулк хоним канизларини мадраса ҳовлисида қолдириб, ўзи оҳиста юриб ҳужранинг эшиги ёнига келиб, ичкаридан чиқаётган овозга кулоқ сола бошлайди. Толиби илмлардан бири иккинчисига савол берарди:

— Қани айтингчи, биродари азиз, ҳозир кўнглингиз нима истаяпти?

— Э биродар нима бўларди, қўй гўшти, қўй ёғида дамланган бир лаган серёғ палов бўлса, билакка пахта боғлаб бир тўйиб ер эдик-да.— дея жавоб бераркан.

— Хўш журажон, ўзингизни кўнглингиз нима истаяпти? — деб сўрайди, ўртоғидан.

— Э биродар, менинг кўнглимда тамоман бошқача орзу. Агар иложи бўлсайди, ушбу мадраса соҳибаси — Сарой Мулк

хоним билан бир кеча суҳбатлашсам дейман. Зеро хусн-малоҳатда дунёда тенги йўқ деб эшитганмен,— деб жавоб беради. Шеригидан бундай қалтис сўзни эшитган иккинчи толиби илм:

— Э овозингизни ўчиринг биродар, нима деётганингизни биласизми? Яна бир фалокатни бошламанг,— деб дашном беради. Сўз шу ерга етганда Сарой Мулк хоним ҳужра эшигидан узоқлашади ва канизлари билан саройга қайтади.

Эртаси, кун пешиндан оғач, Сарой Мулк хоним надимлардан 3—4 тасига мадрасага бориб, барча толиби илмларни саройга олиб келишларини буюради. Толиби илмлар бу ногаҳоний таклифдан ҳаяжонда, надимлар қуршовида саройга келадилар. Фақат икки толиби илм мазкур таклифдан шубҳаланар ва тундаги «қалтис» орзуниг қурбони бўлиш даҳшатидан қалтирардилар.

Барча толиби илмларни катта меҳмонхонага киритиб, зиёфат қиладилар. Зиёфат охирида кўй гўшти, кўй ёғида тайёрланган серёғ палов ҳам тортилади. Шундан сўнг меҳмонхонага канизлар қуршо-вида, юзига парда торган ҳолда Сарой Мулк хоним кириб келади ва махсус ўриндиққа ўтиргач, толиби илмлар орасидан тунги суҳбатдошларни таниб, ўз ҳузурига чорлайди ва «Хўш, мулла йигитлар, биллакка пахта боғлаб ейдиган палов бўлиб-дими?» — дея сўрайди иккинчи толиби илмдан. Ҳалигача қўрқувдан қалтираб турган ҳар икки толиби илм таъзим қилишиб:

— Қуллуқ хоним, таърифдин зиёда палов бўлибдур, мадҳига тил ожизлик қиладур.

Сарой Мулк хоним биринчи толиби илмга юзланаркан:

— Хўш мулла йигит, энди сизнинг орзуингизга келсак, кўриб турибсизки мен эрим соҳибқироннинг никоҳларида-мен, биноан алайҳи Сиз билан суҳбат қуришим мумкин эрмас. Бинобарин, ўзимнинг гўзал канизларимдин бирини Сизга никоҳлаб берурмен, розимудурсиз? — дейди. Ҳалигача тили калимага келмай, эс-ҳушини йўқотаётган толиби илм... дарҳол ўзини хоним оёғига ташлаб:

— Уэр, авф этсинлар хоним, бу беадаб қулларининг гуноҳидан ўтсинлар,— деб ёлборади. Шу аснода Сарой Мулк хонимнинг ишораси билан меҳмонхонага қози ва имом кириб келадилар ва барча толиби илмлар гувоҳлигида канизлардан бирини толиби илмга никоҳлаб қўядилар.

Тарихнависларнинг фикрига кўра, Сарой Мулк хоним ўта зийрак, тадбиркор ва оқила аёл бўлган. У салтанатни бошқаришда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал қилишда ўзининг оқилона маслаҳатлари билан фаол қатнашган. Зотан Амир Темур Сарой Мулк хонимга ошқора бўйсунмаса-да, бироқ унинг оқилона маслаҳатларига ўзида қандайдир эҳтиёж сезиб турган. Нақл қилишларича, Амир Темур Эронга қарши юриш бошлаганда, Исфаҳоннинг қамали кўпга чўзилиб, қўшинни озуқа билан таъминлашга маблағ етишмай қолган. Нима қилиш керак? Қамални ташлаб орқага чекиниш иснод, қамални давом эттиришга эса зар (ҳазина) керак. Ниҳоят амир Темур Самарқандга чопар йўллаб, Сарой Мулк хонимга мактуб жўнатади. Мактуб қисқа бўлиб, «қўшиннинг заҳираси тугади, хазинадин зар юборинг»,— дейилганди. Сарой Мулк хоним мактуб мазмунидан огоҳ бўлгач, мазкур мактубнинг орқа томонига: «Улуғ амир, зарингиз тугаган бўлса, сийёсатингиз ҳам тугадими?» — деб ёзади ва мактубни чопарга бериб, йўлга равона қилади. Амир

Темур мактубни олгач, Сарой Мулк хонимнинг кинояли зам-замасини ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят бир қарорга келади. Уша кунидеъ лашкаргоҳда сўйиб ейилган қўй, қорамол, от ва туя суякларини йиғдириб, турли ҳажмларда қирқтириб, катта ҳажмадагисига катта қиймат, кичик ҳажмадагисига кичик қиймат белгилаб, пўлат муҳрни қиздириб тамға бостиради, ҳамда муваққат пул ўрнида муомалага киритиш ҳақида фармон чиқаради. Натижада қўшни шаҳар ва қишлоқлардан ушбу суяк пулга қўшин озуқаси учун озиқ-овқат сотиб олинади. Тез кунда Исфаҳон шаҳари таслим бўлгач, суяк пуллар зар билан алмаштирилади.

Соҳибқирон амир Темур Сарой Мулк хонимдан фарзанд кўрмаган. Аммо амир Темур ўғли Шоҳруҳ Мирзони, суюкли набиралари Муҳаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзо ва бошқа мирзоларни бевосита зукко Сарой Мулк хоним тарбиясига топширган.

Ғарбий Оврупо олимларидан баъзилари (Бретштейдер) Шоҳруҳ Мирзо Сарой Мулк хонимдан туғилган деб ёзганлар. Бироқ тарихий манбаларда бундай маълумотлар учрамайди. Тарихчи Хондамирнинг берган маълумотида қараганда, Шоҳруҳ Мирзонинг онаси Тағой Туркон Оғо бўлиб, соҳибқироннинг ўз канизларидан эди. Кейинчалик ўз никоҳига киритган эди. Хондамир мазкур маълумотни Шоҳруҳ Мирзонинг ўзи туздирган «насабнома»сидан олганлигига ишора қилади.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, амир Темур вафотидан сўнг Самарқанд тахтига ўтирган Халил Султон Мирзонинг хотини Шод Мулк бегим Сарой Мулк хонимни заҳарлаб ўлдиради ва 1408 йилда ўзи қурдирган хонақоҳга дафн қилинади.

1941 йил июнь ойида Амир Темур қабри очилган кезларда Сарой Мулк хоним қабри ҳам очилиб, хонимнинг жасади Тошкентга келтирилиб текширилган ва яна Самарқандга қайтариб юборилган. Бу ҳақда ҳурматли ёзувчи Хуршид Даврон («Саодат» журнали, 1990 й., № 8) муфассал маълумот берган. 1952 йил июль ойида ёзувчи Пиримқул Қодировнинг никоҳ тўйи муносабати билан ушбу сатрлар муаллифи ҳам бошқа курсдош дўстлар билан бирга Самарқандга борган эди. «Биз 27 июль куни эрталаб тўйхонадан чиқиб, икки гуруҳга бўлиниб тарихий обидаларни тамошо қилмоқ учун шаҳар бўйлаб кетдик. Кечқурун яна тўйхонага келганимизда ҳурматли ёзувчи Еқубжон Шукуров ҳаммани ҳайратга соладиган ғайритабиий хабарни эълон қилдилар.

— Мен бугун Бибиҳонимнинг жасадини кўрдим,— деб сўз бошлади у киши. Ҳаммамиз ҳаяжонда... «шу ўзимизнинг Амир Темурнинг хотини Сарой Мулк хонимнинг жасадини-я?», «Қаерда экан?», «Қаерда кўрдингиз?» каби эхтиросли саволлар ёғиларди. Еқубжон ака оҳиста ва вазминлик билан ҳикоя қила бошладилар:

— Мен Самарқандга келган куним бир дўстимни учратиб қолдим. У киши «агар Бибиҳоним жасадини кўришни истасангиз, МГБ клубига боринг (МГБ ми ёки МВДми аниқ хотирамда йўқ — Т. Ф.) деди». Мен бугун ўша клубга бордим, аввал мени клубга киритишмади, сўнгра ёзувчилик ҳужжатимни кўрсатиб, киришга рухсат олдим. Дарҳақиқат стол устига қўйилган ойнаванд сандиқ (кути) ичида қизғиш ёғоч тобут ичра қора баҳмал камзул (қабо) кийган ҳолда аёл жасади ётарди. Жасада мўмбеланган бўлса керакики, ҳарҳолда яхши сақланган. Ҳатто ўнг қўлининг жим-жилоғига тақилган узук бир оз ўрнидан суриб қўйилгани учун терида узукнинг

ўрни кўриниб турибди»,— деб ҳикояни тугатдилар.

Амир Темурнинг яна бир хотини Чўлпон Мулк Оғо бегим бўлиб, Ҳожибек мўғулнинг қизи эди. Чўлпон Мулк Оғо ниҳоят даражада гўзал бўлган. У соҳибқироннинг 1391 ва 1394 йиллардаги ҳарбий юришларида бирга юрган. Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича, гўё Чўлпон Мулк Оғо амир Темурга вафосизлик қилгани туфайли соҳибқирон ўз қўли билан бўғиб ўлдирган эмиш. Аммо амир Темур тарихига оид расмий хабарларда бундай маълумот учрамайди. Аксинча, тарихчи Шарафуддин Али Яздий 1403 йил воқеаларини шарҳлаб, Чўлпон Мулк Оғонинг исмини бир неча ўринда зикр қилиб ўтади. Шунингдек, Кастилия элчиси Клавихо ҳам 1404 йилда малика Чўлпон Мулк Оғони кўрганлигини ёзган. Чўлпон Мулк Оғонинг қачон ва қаерда вафот қилгани ҳақида ҳозирча маълумот учрамади.

Темур ҳарамидидаги маликалардан яна бири Дилшод Оғо бегим бўлиб, Султон Увайс Шайх Ҳасан Жалойирнинг қизи эди. У 776/1374 йилда амир Темур никоҳига кириди ва 785/1383 йилда касал бўлиб вафот этади. Дилшод Оғо бегимдан фарзанд бор-йўқлиги номаълум.

Соҳибқироннинг суюкли хотинларидан бири — Туман Оғо бегимдир. Туман Оғо бегим Сарой Мулк хонимнинг акаси амир Мусонинг қизидир. Хонимга жиян ўрнида-дир. Туман Оғо 1366 йилда туғилиб, 1378 йилда 12 ёшда амир Темурга никоҳ қилинган.

Туман Оғо бегим хусн-латофатда беназир бўлган. Соҳибқирон Туман Оғо шарафига Самарқандда махсус Боғи беҳиштини барпо эттирган. Амир Темур вафотидан сўнг тахтга ўтирган Халил Султон Мирзо, 1406 йилда Шайх Нуриддин билан бўлган жангда енгилиб, сулҳга мувофиқ малика Туман Оғо бегимни амир Шайх Нуриддинга хотинликка беришга мажбур бўлади. 1411 йилда Шоҳруҳ Мирзо тарафидан амир Шайх Нуриддин қатл қилинган, Туман Оғо бегимни Ҳиротга қайтариб келадилар.

Амир Темурнинг яна бир хотини Тукал хоним бўлиб, Ҳизир Хўжанинг қизи эди. 800/1397 йилда соҳибқирон Конигилда катта тўй ўтказиб, Тукал хонимни ўз никоҳига киритади. Тукал хоним ҳарамда (хон қизи бўлгани туфайли) Сарой Мулк хонимдан кейинги ўринда, яъни «кичик хоним» деб аталган. 1397 йилда соҳибқирон Тукал хоним шарафига Самарқандда «Боғи дилкушо»ни барпо этдиради.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, 1408 йилда Халил Султон Мирзонинг хотини Шод Мулк бегим Тукал хонимни заҳарлаб ўлдирган.

Соҳибқироннинг кейинги даврларда олган хотини Рух Парвар Оғо бўлиб, Амир Темурнинг ўз канизларидан эди. Рух Парвар Оғо ҳам ёш ва гўзал аёл бўлган. Унинг соҳибқирондан фарзанди бўлмаган.

Амир Темур вафотидан сўнг Рух Парвар Оғони амир Ҳамза Сулдуз хотинликка олган. Амир Ҳамза Сулдуз вафот этгач, Рух Парвар Оғони амир Али Тархон ўз никоҳига киритган. Амир Али Тархон вафотидан сўнг, Рух Парвар Оғони амир Ҳасан Сўфи ўз ҳарамига олган. Рух Парвар Оғо 3 муҳаррам 827/1423 йил 7 декабрда вафот этган.

Мазкур манбалардан маълум бўлишича, соҳибқирон Амир Темурнинг 12 нафар хотини бўлган. Аниқроғини келгуси тадқиқотлар кўрсатса ажаб эмас.

Тўрғун ФАЙЗИЕВ,  
тарих фанлари номзоди.

# КИМ БАШОРАТ ҚИЛАДИ?

Маълумки, кейинги йилларда «Фан ва турмуш» ойномаси турмушда рўй бераётган, лекин фан ҳозирча изоҳлай олмаётган турли сирли ҳодисалар тўғрисидаги хилма-хил фикрларни кенг ёритиб бормоқда. Номалум учувчи жисмлар, кўринмас мавжудотлар, ўзга оламлик келгиндилар, ўлимдан кейинги ҳаёт, руҳлар билан мулоқот, башорат каби ҳодисалар

ҳақида хилма-хил соҳа вакиллари турли, баъзан ўзаро зид фикрлар билдиришмоқда. Баъзилар бу нарсалар чиндан мавжуд деса, бошқалар бўлмаган гап, дейди. Гоҳо олим ижобий фикр айтса, муштарий рад этади ва ёки аксинча.

**«ФАН ВА ТУРМУШ» ОЙНОМАСИ ЭСА БУ ТУРФА МУЛОҲАЗАЛАРНИНГ ҲЕЧ БИРИНИ УЗИЛ-КЕСИЛ ТАСДИҚЛАМАГАН ҲОЛДА,**

**ДАВР ТАҚОЗОСИ БУЛГАН ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИНИ ШИОР ҚИЛИБ ОЛГАН ҲОЛДА ЖАМИКИ ФИКРЛАРНИ УРТАГА ТАШЛАЙВЕРАДИ.** Муштарийлардан қайси бирга қайси фикр маъқул тушса, танлаб олаверсин. Шу фикрларнинг қайси бири ҲАҚИҚИЙ эканлигини эса вақт кўрсатади. Галдаги муаллиф — муштарий ўқитувчининг фикри билан танишинг.

Ҳар қандай афсонанинг тагида битта ҳақиқат ётади.

НАҚЛ.

Мен мактабда нақ 40 йилдан буён ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ёр-биродарлар далдаси билан кўшиқ, шеър, ҳажв ҳам ёзиб тураман. «Фан ва турмуш» ойномасидаги «Сирли шарпалар» (1989, 5-сон), «Кароматли Ванга» (8-сон), «Ўқитувчилар газетаси»даги «Бу самовий сайёҳларми? (1989, 20 октябрь)», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасидаги «Дардингни олай, одамлар» (1989, 20 октябрь) ва матбуотда шу туркумда чоп этилаётган мақолаларни кузатиб борар эканман, бир муштарий сифатида сирли ҳодисаларга нисбатан ўз муносабатимни билдирмоқчи эдим.

Биз яшаётган заминда асосан икки ёндош илм мавжуд бўлиб, биринчиси илми ҳикмат, иккинчиси илми кароматдир. Бизнинг жамиятимиз илми ҳикматни тан олади, аммо илми кароматни инкор этади. Ваҳоланки, олимларимиз ҳар икки илмни тан олган тақдирдагина XX аср охиридаги улкан шов-шув сабабчилари — гипноз, биоқувват, экстра-сенслар, оҳанраболи одамлар, учар ликопчалар ва ҳоказолар қандай ҳодиса эканлигини изоҳлаш мумкин бўлади. Буларни изоҳлаб бера оладиган алломаларимиз бор эди-ю, афсуски, уларнинг илмидан баҳраманд бўлолмадик, бунга имконият яратилмади, яратилганда ҳам улар қалбидаги мислсиз бойликни очишга журъат этолмадик. Ҳозир ҳам фанимиз алломалари орасида анчагина билимдонлар бор-у, нимагадир сукут сақлаб туришибди. Рўй-роост, очигини айтишга журъатлари етмаяпти, чоғи. «Фан ва турмуш» ойномасидаги «Сирли шарпалар» мақоласида Маҳмуд Ҳасанов «Шарпалар, айтинг, сизлар кимсиз?» дебди. Гапнинг дангалини айтмай, уларни тутиб ҳам бўлмайди, улар билан ҳар ким гаплаша олмайдими ҳам, улар билан гаплашиш даражасига етишиш керак. Етишиш қудратига эга бўлиш учун илм поклиги, виждон поклиги, деган машаққатли йўлни бошдан кечириш керак.

Буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг тасдиқлашича, ҳиндлардаги «Патанжала» китобининг муаллифи шундай деган: «Ҳаммага яхшилик исташ даражасига етган кишининг нафсоний қуввати бадан қуввати устидан ғалаба қилса, у кишининг саккиз нарсага кучи етади, у нарсалар сабабли моддага эҳтиёжсиз бўлиб қолади. Киши билолмаган нарсасини билишга муҳтож бўлмаслиги мумкин эмас. Биринчидан, баданни кўзга кўринмайдиган даражада нозиклантириш имконияти; иккинчидан, тикан, лой, тупроқни фарқ қилмай босиб юраверадиган даражада баданни енгиллатиш; учинчидан, турли хоҳишларни амалга ошира билиш; тўртинчидан, баданни қўрқинчли, ажойиб сувратда кўринарли қилиб улғайтира олиш; бешинчидан, истаган тоифага бошлиқ бўла олиш имконияти; олтинчидан, истаган нарсани била олиш; еттинчидан, қўл остидагиларнинг унга бўйсуниб итоат қилишларига эришиш; саккизинчидан, у киши билан узоқ мақсадлар ўртасидаги олисликнинг йўқолишидир.

Биз, ўзбек халқи, аввало ўз тарихимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас илмини билмай туриб, ҳеч қачон ва ҳеч

вақт тарихга тўғри жавоб бера олмаимиз. «Сирли шарпалар» мақоласидан: «Қосим Анвар биздан мадад сўраб келибди, меҳмонга ёрдам бериш керак. Сизларга рухсат». Али Сафий улар билан бирга қолади. Хўжа Убайдуллоҳ Қосим Анвар билан тиззама-тизза ўтириб, миқ этмай тонг оттиришади. Сухбатлар қизигани ҳақида шама ҳам қилишади. Улар бутун оламдаги покиза руҳлар билан сухбатлашиб тонг оттиришади. Ҳаққонийлиги билан, ҳалол касб-меҳнати билан илмга етишган кишигина уни сеза олади, улуғ алломаларнинг айтишича, илм поклиги ҳамма нарсадан устун туради, ҳаққа етишиш шундан бошланади ёки бахтоле чопиб, бирор муддатдан кейин илҳом бахш этиб, мўъжиза рўй бериб, кўққисдан табиат хислат ато этади. Барча одамларда табиат инъом этган қандайдир қобилият, истеъдод мавжуд. Лекин кўпгина кишилар ана шу сирни фаҳмлай олмайдилар-да, расм чизиш, ашула айтиш, чавандозлик, устачилик, полвонлик қобилиятини юзга чиқарадилар-у, аммо булардан юксақроқ қобилиятлар пинҳон қолавереди.

... Ёшим еттида эди. Кечаси ширин уйқуда эканман, бирор тур-тур деб уйғотди, ўрнимдан турдим, «ма, ол» деб бир нарсаларни қўлтиқлатди. Бундай пайпаслаб кўрсам, китобга ўхшади. «Менинг исми Худойберди, шулар сеники», деди ҳалиги овоз. Бироз тик турдим, роса уйкум очилди, у ёқ-бу ёққа разм солдим — ҳеч ким йўқ. Эрта билан воқеани онамга айтиб бердим. Онам «Жим!— деди.— Сенга берибди, тагин бирор жойда гапирма. Шу қишлоқда Худойберди деган катта мулла бор эди. Раҳматли жуда кўп илмларни билар эди, лекин бефарзанд ўтиб кетди. Яхши одам эди. Сен бино бўлмасдан олдин бир хат ёзиб берди. Мен оиласи билан дугона эдим, исми Ойпахта эди. «Хатни бешик бошига тақиб кўй, ўғил кўрасан, исмини Қудрат кўй, қудратли бўлади» деди. Сен туғилдинг, киндигинг кесилган ҳолда тушдинг. Исмингни кўйдим, лекин ухлаганингда хуррилайдиган одатинг бор эди, шундан кейин исмингни Хуррам кўйдим».

Онамнинг гапини икки қилмай бу воқеа ҳақида ҳеч кимга гапирмадим, мана энди айтаяпман. Лекин ўша кезлари ҳеч нарсани тушунмасдим. Нимадир гоҳ олов, учқун, гоҳ ялтироқ қуёш бўлиб бир кўриниб йўқолаверарди. Қирқ ёшга чиққангидан кейин оёғимдан бошимгача бир нарса ўралиб кетаётгандек бўлаверди. Қулоқларим остида шивир-шивир гаплар эшитилавереди. Баъзан кеч кирди дегунча ухлашдан безиллаб қоладиган бўлиб қолдим. Тунни уйқусиз ўтказган пайтларим кўп бўлди. Кейинроқ фаҳмлай бошладимки, бу ҳол — ичкилик, ёлғон гапириш, ўзгаларникидан нопок овқат тановул қилишнинг «муқофоти» экан. Шундан сўнг тамоман бу ишларни ташладим. Шивир-шивирлар энди аниқ гапга айланди. Аммо ҳаммасини сир тутдим. «Фалончи кечга сени меҳмонга айтса борма, овқати-га макруҳ қўшилган, пистончини ёмон кўрасан, лекин унга ёмонлик қилма — икки ойдан кейин ўлади, фалончи сен билан жанжаллашади, сен индама, ёмонлик қилма, яқин жигари нобуд бўлади» каби гапларни ҳеч кимга айтмадим.

Бир куни ГАИ ҳақида тўрт мисра шеър ёзгандим, рўзномада босилиб чиқди. Ҳафталар ўтди, машинамни техника кўригидан ўтказиш учун ГАИга бориб, бир йигитга учрашдим. У кимсиз деганди, фамилиямни айтдим.



— Э, ҳалиги ГАИ ни шарманда қилган шоирмисиз? Сиз ҳам, рўзнома ҳам органи танқид қилганингиз учун жавоб берасиз,— деди у.

Анчагина ғижиллашдик. Хафа бўлиб машинамга яқинлашаётгандим.

— Хафа бўлма, ёмонлик истама, сабр қил, у машинаси билан ўзидан ўзи яксон бўлади,— деди овоз.

Худди шундай бўлди, аммо мен жуда хафа бўлдим, ҳатто йиғладим. Кўп ҳолларда бировникида кечки меҳмонда бўлишдан ўзимни тияман. Ишим бор деб баҳона топанман. Кўпинча менга якка ўтириш ҳузур бахш этади, овозлар ижодимга ҳатто шеър мисрларини бирма-бир тизиб келишаверади.

— Ўзингни камтар тут,— такрорлайверишади. Уларга айтган гапимни баъзан оилам эшитиб қолиб, нега ўзингизча гаплашаёпсиз, ким билан суҳбат қиляёпсиз, деб уришиб беради. Мен эса шеър тўқияпман деб кулиб қўя қоламан. Бундай ўйлаб қарасам, улар менга ҳеч қандай ёмонликни раво кўришмайди. Аммо мен ҳам шунга яраша доимо одилана иш тутиб, ҳаққоний фикр юритишни асосий бурчим деб биламан.

Субҳи содиқда туриб китоб мутолаа қилиш ёки бирон нима ёзишга ўтирсам, қора мўйловли, қора кийимдаги қора одам бир кўриниб, буни ёзма, бўлмайдиган, иш деб кетиб қолади. Шундан кейин ҳеч нима ёзмасам—да, икки-уч кун баданимда оғриқ сезилиб, ланж бўлиб, уйқумда ҳаловат бузилади. Оилам эса яна жанжалашади, уйқу бермайсиз, тонг сахарлаб турасиз, дейди. Мен эса ноилож баҳона топанман.

Кўп ҳолларда оппоқ соқолли нуруний бир чол кўриниш бериб, ниманидир гапириб, кетиб қолади. Шундан кейин қайси мақсад, тилакларим амалга ошиши, дўстларим, уларнинг бошига тушган кулфатлар, яхши одамлар, уларнинг улуғлик қиёфаси, ким бўлиши ва ҳоказолар кўз олдимдан бир-бир ўтаверади. Исमतов Жума деган таниш бир ошнам бор, жуда яхши одам, ўта меҳмондўст. Бир вақтлар уни фолбин деб таъқиб қилган ноинсоф одамлар ҳам бўлган эди. Мен бу одам билан суҳбатлашсам, баҳри дилим очилади. Қанақа касал борса, тезлик билан касалини айтиб, тузатишга киришади, улар яхши бўлиб кетади. Жинлар унинг рўпарасида ҳамма гапни айтиб туради, уларни мен ҳам кўриб завқланаман. Бошқалар эса бу мавжудотларни кўришмайди—да, нотўғри хулоса чиқаришади, ёлғон-яшиқ гап тарқатишади.

«Фан ва турмуш» ойномасининг 1989 йилги 9—10-сонларида берилган «Сирли ёнғин» мақоласида ҳикоя қилинганидек, жинларнинг 40 кунга чўзилган тўй-томошасида қоравой бошлиқ йигитларга қўшхона ўша уйнинг нақ ўзи-

дан берилган. Тўй тамом бўлди, карнай-сурнай ниҳоясига етди, кейин улар уйни ташлаб чиқиб кетди. Аслида ўша, туш кўрган одамда яхши хислат бор, аммо ўзининг кимлигини сезмаяпти.

Ҳақиқатни айтганда, атрофимизда бизга кўринмайдиган жинлар мавжуд, кўплари юқори сайёраларда яшайди, бизнинг сайёрамизга ҳам келиб-кетиб туради. Агар улкан жинлар, митти одамчалар ёнимизга келиб жойлашиб қолса, албатта ўша ерни бўшатиб беришимиз керак. Мабодо бўшатиб бермасак, улар уйга ўт қўйиши ёки тош отиб безор қилиши муқаррар, ҳозирги вақтда халқ орасида тарқалган миш-мишлар ҳеч қандай ёлғон эмас, мен тўлиқ тасдиқлайман. Улар ўзга сайёралардаги ўта илмли қўшнилари миз, ваҳиманинг ҳожати йўқ. Улар бундан кейин жуда кўп келишади.

Ақл-идрок билан иш кўрмаган инсон ўзидаги хислатни бўлмағур нарсаларга сарф этади, ароқхўрлик, ўғирлик, фоҳишабозлик, қотиллик, ёлғон гапириш кабиларга ружу қиладик, оқибатда ўзини-ўзи сабабсиз ўтга уради, хислатини қочириб қўяди, кейин ёмон дардга чалинади. Бунда ҳам сезмайди, кейин-кейин эса нобуд бўлади.

Одамлар ўртача 60—70 йил умр кўришади. Ана шу умрни ҳам ҳалол меҳнат билан камол топтирсалар, ҳаёт нақадар гўзал бўлур эди. Дунё олимларининг бетинми ҳаракати билан олам сирларининг ўн фоизинигина оча олганмиз, холос, тўқсон фоиз сир муаммо ҳали. Тўғриси айтиш, мен ҳам ўтакетган даҳрий эдим, лекин табиат мўъжизаси олдида шундай даҳшатли вазиятлар юз беравердики, пировардида зиғирдек жонимни қутқаришга мажбур бўлдим.

Жамиятнинг ривожланиш ғилдирагида не-не сирлар, не-не ажойиб воқеалар юз бериши турган гап. Шунинг учун ҳам инсоннинг виждон поклиги, меҳнати ҳалоллиги, тамаъдан узоклиги, ўта камтар ва мулойимлиги даҳоликка элтувчи асос ҳисобланади. Шунинг учун донолар башорат қилиб айтганларки, жамиятнинг умри инсонларнинг ҳалол, поклигино, подшоҳларнинг ҳаққонийлигидадир.

Одам ўлгандан кейин унинг руҳи аввалги суратидан бошқача суратга киришини биз, инсонлар материалистик дунёқарашга зид эмасми, деб шубҳаланамиз. Бунга биттагина жавоб: инсон ва унинг руҳи мавжудлиги ҳақидаги тасаввурни замин атрофида эмас, балки заминдан ташқари муҳитга чиқиб татбиқ қилиш ва бир соатгина хаёлий фикрни бошқариш имкониятига эга бўлиш керак.

Ўзимизнинг оламга машҳур Ибн Синодек, Берунийдек алломаларимиз бўлатуриб, нега энди америкалик олим Раймонд Моудининг «Ўлимдан кейинги ҳаёт» китобига мурожаат қиларканмиз? Кўп ўлчамли оламлар бўлиши мумкинлигини илм-фан тан олади. Лекин билмайдики, уч ўлчамли оламда биз, тўрт ўлчамлида одам қиёфасидаги бесўнақай жинлар, беш ўлчамлида покиза руҳлар, олти ўлчамлида энг олийнасаб фаришта-малоикалар, етти ўлчамли оламда эса Илоҳиятнинг эгаси мавжуддир. Илоҳият илмини билиш диндорлик эмас, балки само сирларини материалистик нуқтаи назардан тушунтириб бериш демакдир. Рус адабиётининг ойнаси деб таъриф берилган Лев Толстой илоҳият илми ҳақида шундай деган экан: «Инсонлар унинг ноз-неъматлари билан озикланиб вояга етадилар-у, аммо унинг ўзини танимайдилар».

Демак, ҳар бир миллат ўзининг илоҳият тарихига эга. Илоҳият тарихининг тўқсон тўққизта мўъжизаси бор, ҳар бир мўъжизасида истаганча ҳикмат мавжуд. Биз ХХ асрнинг охири, ХХI асрнинг бошида кўпгина мўъжизаларни кўраимиз. Яна бир даврлар келадики, жинлар ва келгиндилар билан суҳбат қураимиз, сайёралараро сайрга чиқамиз.

Хуррам МАҲМУДОВ,  
Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани,  
«Ибн Сино» давлат хўжалигидаги  
Титов номли 7-ўрта мактаб ўқитувчиси.



## У ДУНЁГА ЙЎЛ

Ўлим девор эмас, ўлим — дарвоза.  
У шом қоронғисида ёпилади ва  
эрта тонгда яна очилади.

Виктор ГЮГО,  
«Ҳаёт фалсафаси».

Мана, қирқ кун ҳам ўтди, марҳумнинг руҳи ниҳоят вужудни тарк этиб, осмонга учиб ҳам кетди. Хўш, энди у нариги дунёга қандай қилиб ўтади! Худди шу ўринда ҳозирги вақтда ўлим устида олиб борилаётган илмий тажрибалар юзасидан баъзи фикрлар бир хил эмаслигига эътиборингизни тортмоқчиман. А. Прийма билан К. Осислар ўз тадқиқотларида руҳ вужуддан қирқ кун ўтгач ажралишини исботлаб беришмоқда. Р. Моуди ва бошқа олимларнинг тажрибаларидан маълум бўлишича, шунингдек, қисқа муддатга у дунёга бориб келганларнинг айтишича, вужуддан жон чиқишининг ўзи руҳ чиқиши экан. Балки аввалги тадқиқотчилар руҳ вужуддан дарҳол чиқса ҳам яқин атрофда юриб фақат қирқ кундан кейингина уни буткул тарк этади, дейишмоқчидир! Ҳар қалай, руҳнинг эндиги йўлини кузатайлик.

Юқорида айтилган, бу дунё билан у дунё оралиғидаги алоқа каналлари ёдингиздадир. Марҳум руҳи шу канал орқали кетади, ўлим даракчилари шу канал орқали келади. Илмий тажрибалардаги кузатиш натижаларига қараганда, хонада аллақандай доғ ёки булут парчасидек хира туман пайдо бўлиши шу канал очилгани белгисидир. Бунга қўшимча равишда яна бир далилни келтириш мумкин. Аввалги мақоламизда тайёра қулаб тушганда ҳалок бўлган, лекин кўп йиллар мобайнида бошқа тайёраларда пайдо бўлиб, ҳаммани қўрқитиб юрган бортинженер Жон Рипо ҳақида хабар бергандик. Кўплаб стюардессаларнинг гувоҳлик беришича, тайёранинг хилват бурчакларида аввал бир парча оқиш тумандек доғ пайдо бўлиб катталаша борар, кейин унда худди телевизор экранидан қараб тургандек одам юзи кўрина бошлар экан. Яъни, икки дунё ўртасидаги канал очилиб, Жон Рипо шу ердан чиқиб келган.

Қисқаси, инсон руҳи у дунёга қандай қилиб ўтади ёки, мутахассислар атамаси билан айтганда, ўлим технологияси қандай! Бу хил ўтиш принципи, жумладан, Мисрнинг «Марҳумлар китоби»да тасвирлаб берилган. Бу қадимий ёдгорлик бултур «Наука и религия» ойномасида изоҳлар билан қўшиб чоп этилди. Р. Моуди ҳам ўз асарларида ўлиш жараёнининг шу хил манзарасини тасвирлар экан, инсон руҳи вужуднинг икки нуқтасидан: ё бошнинг юқори қисмидан ёки киндик ёнидаги қуёшсимон асаб тола чигалидан чиқади деб тасдиқлайди. Айрим маълумотларга қараганда, ҳаёт учун ҳалокатли ҳолни бошдан кечирган, бошқача айтганда, бир ўлимдан қолган кишиларнинг 10 фоизга яқини атрофдагилар ўлди деб ҳисоблаган пайтда уларга нима бўлганини эслай оладилар. Бу хотираларнинг бир қисми умумий характерга эга: улар қоронғи йўлак, қувур ва туннелдан учиб ўтишган, туннел охирида ёруғликка чиқишгач, бу дунёга қайтишни истамай қолишган.

Шу йил январь кuni Марказий ойнаинжаҳон «Молдовафильм» студияси яратган «Нариги дунёда» номли ҳужжатли тасвирни намойиш этди. Унда турли сабабдан ўлган, лекин реанимация ёрдамида бу дунёга қайтариб келинган турли ёшдаги кишилар у дунёда нималарни кўрган-кечирганларини ҳикоя қилиб беришди. Бир-бирини ҳатто танимайдиган бу одамларнинг ўлимдан кейинги таассуротлари ҳайратланарли даражада бир хил эди. Истисносиз ҳар бири қоронғи йўлак, қувур, туннелдан шид-

(Охири. Бош 3- ва 4-сонларда).

дат билан учиб ўтиб, ёруғликка чиқишган, бу дунёга қайтишни ҳеч бири истамаган. Бу фильми кўраётиб Виктор Гюго «Қоронғи ёруғликни кўрайман...» деган сўзлар билан жон берганини эсладим беихтиёр.

Тадқиқотларга қайтайлик яна. Руҳнинг у дунёга ўтиши қандай бошланишию қандай тугаши қуйидагича тасвирланади. Авваламбор, руҳни олдин ўлиб кетган иккита қариндоши ёки яқин дўстлари кутиб олиб, алоқа каналигача кузатиб боришади. У ёғига руҳ қоронғи ва ёпиқ бўшлиқ (бояги йўлак, қувур, туннел) ичидан ниҳоятда кучли гулдурос ва ўта юқори тезликда учиб ўтади ҳамда... нур сочиб турган думалоқ мавжудотнинг ёрқин нигоҳи қаршисида пайдо бўлади.

## «ГУНОҲКОР РУҲЛАР САҲРОСИ»

Вафотидан сўнг надомат қилмайдиган одам бўлмайди. Яхши кишилар бу дунёда хайрли ишларни зиёдароқ қилмаганидан, ёмон кишилар эса ёмонликдан қайтиб тавба қилмаганидан надомат чекадилар.

Ҳадис.

«Жаннат иблислари» асарида А. Прийма уни «Онгли олий мавжудот» деб атайди. Ундан эзгулик ва меҳр та-



Олмоняда чоп этилувчи «Ўзга воқелик» нашрининг эгаси, ношири ва бош муҳаррири Дитер Вирговски бутун фаолиятини руҳ вужуддан вужудга кўчиб юриши, руҳлар билан мулоқот, умуман, у дунё билан алоқага бағишлаган.

Инсон аурасининг кўриниши. Уни, шунингдек, инсонни ташқи салбий таъсирлардан ҳимоя қилувчи биоқувват қобиғи (касалликда ана шу қобиқ бузилади) ёки Коинот билан, кўринмас оламлар билан боғлаб турувчи микролептон зарралар майдони (ноёб қобилиятлар шундан) деб аташ ҳам мумкин, дейишмоқда олимлар.

ралиб туради. Руҳ ана шу «олий онг» ҳузурда пайдо бўлгач, савол-жавоб бошланади ва инсоннинг бутун ҳаёти охиридан то бошига қадар у қилган яхши-ёмон ишлари нуқтан назаридан синчиклаб кўриб чиқилади, муфассал таҳлил этилади. Сўнгра, инсон умрида қилган савоб-гуноҳларига қараб, унинг руҳи борлиқнинг иккинчи воқелигидаги етти даражадан бирига тушади. Бу даражалар (еттинчисидан ташқари) ҳақидаги ахборот у дунёга бориб келган одамлардан эмас, балки оккультизм [ғайритабиий кучлар ҳақидаги таълим] манбаларидан олинган. Уларда айтилишича, самовий салтанат етти қаватдан иборат ва инсон (аниқроғи, унинг руҳи) улардан биттасига тушади. Ҳар бир қаватда яна етти босқич бор.

Еттинчи қават (дўзах) тўғрисидаги ахборот кўп жиҳатдан қизиқарли, Р. Моуди ўзининг «Ҳаётдан кейинги ҳаёт



ҳақидаги мушоҳадалар» номли асарида уни «Эсанкираган руҳлар макони» деб атайд. [Бу — русчадан сўзма-сўз таржима, менимча, «Гуноҳкор руҳлар саҳроси» деб олиш мазмунан тўғрироқ бўлади]. Хўш, бу ерга кимлар маҳкум этилади! Ҳаётлик чоғида гуноҳ ишларга қўл урган инсонларнинг руҳи. Бу гуноҳлар, авваломбор, қотиллик ва ўз жонига суиқасддан иборат. Шуниси диққатга сазоворки, у дунёга бориб келган мулоқотчиларнинг гувоҳлигига кўра, ҳомилани олдириш қотиллик саналмас экан. Иккинчи гуноҳ: инсон устидан жисмоний ва ақлий зўравонлик қилиш. Ва учинчи гуноҳ — Ерда тараққиётга тўсқин бўлиш.

«Еттинчи қават» ёки «гуноҳкор руҳлар саҳроси»нинг кўриниши қандай! Ҳамма ёқ ғира-шира ёғдуга тўла, у аранг милтираётгандек туюлса ҳам, ҳамма ёқ узоқ-узоқларгача кўриниб туради. Ана шу ғира-шира ёғду ичра бир-бирдан олис-олис масофада гуноҳкор руҳлар муаллақ туради. Бундай руҳ кимлигини англайди, шахсий хотираси сақланиб қолган, шу жойга олиб келган гуноҳини-ку жуда яхши эслайди. Бироқ турмушга, ақл-идрокка оид бошқа ҳар қандай хотира буткул йўқолиб кетади. Яъни, жиндаккина бўлса ҳам тасалли берадиган ҳеч нима йўқ. Руҳ ибтидоий даҳшат туйғусини ҳис этади ва бу аҳвол абадий давом этишини англаб етади.

Руҳи «олий онг» билан учрашгандан сўнг бу дунёга қайтган одамларнинг онги тамомила ўзгариб кетади. Прийма «камдан-кам учрайдиган аблаҳ, тугма ифлос, бошқаларга қабихлик қилмай тура олмайдиган» бир врачни мисолга келтиради. Реанимациядан кейин уни таниб бўлмай қолди. Юзидан нур ёйилади, бутун борлиги эзгуликка лиммо-лим. Ҳатто чехраси ўзгариб, майинлашиб кетди. Шунингдек, клиник ўлим ҳолатида бўлиб ҳаётга қайтган, ҳалокатдан омон чиққан кишиларда ҳам онг тубдан ўзгариб кетганини кўриш мумкин, дейди Прийма.

«Ленинформ» марказининг табиатда қувват-ахборот алмашияли бўйича қўмиталар, уфологик уюшмалар ва коммиссиялар иштирокида чоп этилувчи «Аномалия» бутуниттифоқ нашрининг бултурги 3-сонида эълон қилинган мақоласида фалсафа фанлари номзоди Анатолий Скачко Прийманинг тадқиқотларини баён қилар экан, узил-кесил хулоса чиқаришга ошиқмайди асло. «Маҳсул структуралар», ғайриоддий ҳодисаларнинг у тақлиф этаётган талқини юз фоиз ҳақиқат эмас, албатта, деб таъкидлаб ўтади. Бу урнини ҳали англаб етилмаган сирли ҳодисаларни, ҳаётнинг бошқа кўринишларини изоҳлашнинг фаразий йўлларида бири, холос. Фақат бир нарсагина узил-кесил маълум: воқелигимиз ҳақида, инсоннинг ҳаёти ва ўлими тўғрисида ҳали жуда кам нарса биламиз.

Дарвоқе, «Олий онг» тўғрисида. «Аномалия» нашрининг ўша сонида, биринчи саҳифада эълон қилинган мана бу хабарга бир эътибор беринг-а: «Огоҳлантириш. АҚШда октябрь ойининг охирида экипажи бўлган фазовий кема ҳарбий мақсадда учирлиши белгиланаяпти. Олий онг кема учирлишига йўл қўймаслигини хабар қилади. Башарти кема учирилса, экипаж ҳалок бўлади. Олий Онг фазодаги барча ҳарбий қурилмаларни йўқотишни сўрайди». Бу хабарга нима дейсиз! Бултур октябрда нима бўлгани, ўша кема учирилган ё учирилмагани ҳақида маълумотга эга эмасмиз, лекин... «Челленжер» ҳалокати ёдга тушади беихтиёр.

## У ДУНЁ БИЛАН МУЛОҚОТ

Ноёб қобилиятли одамлар учун бу муаммо эмас: дуо ёрдамида исталган руҳни чақириб олиб гаплашаверади. Бироқ илм-фан дуонинг кучини тан олмагани учун ҳам шу мақсадда хилма-хил усулларни қўллаб кўрмоқда.

Олмониянинг Гельзенкирхене шаҳрида 1983 йилдан буён 24 саҳифада чоп этилувчи «Ўзга воқелик» нашрининг эгаси, ношири ва бош муҳаррири Дитер Вирговски руҳ вужуддан вужудга кўчиб юриши, руҳлар билан мулоқот, хуллас, у дунё билан алоқага бағишлаган ўзини ҳам, нашрини ҳам. Қисқаси, Вирговски тўплаган қизиқарли маълумотлардан бир шингили билан таништириб ўтайлик.

Адольф Хомс билан Фридрих Мальххофф рўзномада берилган бир эълон туфайли танишиб қолиб, ўша-ўша бир-



га ишлашади. Улар 1987 йил охиридан бошлаб у дунё вакиллари билан мулоқот сеансларини мунтазам ўтказиб келишяпти, ўз навбатида руҳлар ҳам уларни мулоқотга чорлаб туришади.

Авалбошда, Адольф билан Фридрих кассетали магнитофон, радио, передатчик ва славян тилидан фойдаланишганда оҳанрабо тасмасидан эшитилган овозларни магнитофон ёзувларини таҳлил этиш билан шугулланувчи ҳар қандай тадқиқотчи олиши мумкин эди. Лекин вақт ўтиши билан овозлар тобора қаттиқроқ эшитилаверди. 1988 йил январь ойининг ўрталарида эса тадқиқотчилар ҳар хил шовқин орасида яққол ажралиб турган овозни эшитишди.

Адольф билан Фридрих ниҳоят шунини аниқлашдики, бу ўринда муваффақият асбобларга эмас, балки ўзлари бу ҳодисага нисбатан қанчалик «очирилиш»ларига боғлиқ экан. Шундан сўнг жавоблар тобора яққолроқ эшитилаверди.

1988 йил октябрида улар Дармштадтдаги бир мажлисда қатнашиб, Харш-Фишбах оиласининг тадқиқот натижалари ҳақидаги маърузасини тинглашди. Харш-Фишбах яқин орада вафот этган одамларнинг у дунёдан яққол эшитилаётган ишончли овозларига эга бўлган тадқиқотчилар бўлиб чиқишди.

Шундан сўнг Адольф билан Фридрих Люксембургдаги асбобни такомиллаштиришга қарор қилишди ва натижада ақл бовар қилмас натижаларга эришишди. 1989 йил 14 январдан дастлабки тажрибалар бошланди. Мукаммаллаштирилган қурилма маҳсул антенналар, транслятор, люминесцент лампа ва кристалл кварцдан иборат эди. Тадқиқотчилар ўта қисқа тўлқин диапазонида 87,5 мегагерц частотада иш олиб боришди.

Мана энди у дунё билан «бевосита мулоқот» ўрнатилган эди. Берилган саволга жавоб шу заҳотиёқ эшитилди. Қолаверса, магнитофон тасмасидан фойдаланилмади. Масалан, 1989 йил 6 март кuni эрталаб соат 11 дан 30 дақиқа ўтганда у дунёдан ракета техникасини ишлаб чиққан марҳум Вернер фон Браун тадқиқотчиларга шу сўзлар билан мурожаат қилди: «Олим Вернер фон Браун гапираяпти. Хомс билан ўликлар радиоси орқали боғланаяпман».

Кейинроқ Адольф ва Фридрих ўлганлар билан телевизор орқали ҳам алоқа боғлаш мумкинлигини таҳмин қилишди. Лекин аввалига Хомс компьютер ёрдамида алоқа боғламоқчи бўлди, зотан, бошқа тадқиқотчилар шу усул яхши натижалар бераётганини хабар қилишаётганди.

Тажриба қуйидагича ўтказилди: 1989 йил 24 апрелда Ривенихда компьютер ўрнатилди. Фридрих «у дунёлик» дўстларимиз телефон, радио ёки телевизордан қайси бири орқали алоқага чиқишлари мумкинлигини сўраб, «бейсик» тилида кичик нома ёзди. У компьютерга киритилгач, барча асбоблар ишга туширилди ва кутиш бошланди.

Икки кундан сўнг, ниҳоят, жавоб келди: «Марказ, Адольфга. Фақат телевизор орқали». Иккинчи хатга эса компьютер эртасигаёқ жавоб қайтарди. Жавоб қуйидагича эди:

«Биз иккимиз Учунчи даражадаги Марказ гуруҳи билан алоқадамиз. Улар ўз оламларини Хибрис деб аташади, қуёшлари учта. Марказ Олий Онг томонидан бошқарилади. Уларнинг номлари Сет, Томас, Бодельшвинг I ва II [ота-ўғил]. Марказ гуруҳи қувватнинг янги турларидан фойдаланиш мақсадида бирлашган марҳумлардан иборат. Марказ гуруҳи Ер ва бошқа оламлар билан янги алоқалар ўрнатиш мақсадида ҳаракат қилмоқда. Ривенихдаги алоқани Вернер фон Браун билан бирга Адольфнинг онаси ҳам бошқарди».

Кейинроқ маълум бўлишича, марҳумлар тириклар билан ойнажакхон орқали тасвир ва товуш ёрдамида алоқа боғлашлари ҳам мумкин экан. Тўғри, тасвир ҳозирча жуда хира, фақат шарпалар кўринади, лекин овоз эшитилиши яхши.

У дунё билан тасвир ва овоз ёрдамидаги дастлабки телевизион алоқа 1989 йил 7 октябрь кuni эрталаб

соат 11 дан 20 дақиқа ўтганда ўрнатилди. Экранда марҳумнинг тасвири 24 дақиқа кўринди, овози эса 95 дақиқагача эшитилиб турди:

«Марказ Томас орқали сизларни табриклайди, сизлар билан, сизларнинг Коинотингиз билан алоқа боғлайди. Рухиятингиз ҳудудларини кенгайтиринг, шундагина кўзларингиз кўра олади. Афсуски, алоқа узоқ давом этмайди. Марказ тадқиқотчиларни ва эзгу ниятли барча кишиларни қутлайди. Биз йўллаётган нома барҳаётлар оламининг номасидир. Мулоқот тугади».

У дунё билан иккинчи телемулоқот 1990 йил 25 январь пайшанба кўни эрталаб соат 11 дан 20 дақиқа ўтганда бошланди ва 3 дақиқаю 18 лаҳза давом этди.

Мазмуни: «Эзгулик ва Ёвузлик. Ҳар икки тушунча бир бутундир. Ҳаётингиз қандай бўлишини онгингиз белгилайди. Ана шу онгингиз воқелиқдир ва сиз ҳамма нарса учун масъул бўлмоғингиз керак. Натижада ҳаётингиз мақсадга эга бўлади. Башарти шайтон бўлса ҳам у, сиз унга қанча куч берсангиз, шунча кучга эгадир. Ўз қувватингиз билан сиз худога ҳам, шайтонга ҳам куч берасиз. Шайтондан қўрқинг. У сизни ўлдириш учун қилич қайрамоқда. Биз сизларни қутлаймиз. Мулоқот тугади».

Марҳумлар билан тириклар аппаратлар ёрдамида алоқа қилаётгани кўпчиликка ғалати кўринади, лекин парапсихология билан узоқ вақт шуғулланганлар учун бунинг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ...

Телевизион мулоқот билан бир пайтда компьютер ёрдамидаги алоқа ҳам ривожланаверди. Масалан, компьютердаги овозлар бўйича марҳум тадқиқотчи, 1990 йил 29 март кўни Баден-Баденда дафн этилган Манфред Боден билан компьютерли мулоқот ўрнатилди. Уша кўннинг ўзидаёқ у Хомс ва Малькхофф билан алоқага чиқди: «Дафн маросимим билан табриклайман. Ҳамма нарса мумкин экан. Мавжудликнинг ўрта даражаларидаман. Утмиш, ҳозирги давр ва келажак ўзaro мантиқан боғлиқ. Мен тажриба тўплайман, чунки реинкарнацион (у дунёда бўлиш — Р. О.) мuddатим тугаб қолди. Сон-саноксиз борлиқлар мавжуд. Худди туш кўраётгандекман. Бу ерда ақл бовар қилмас нарсалар гоят кўп. Ҳаммаси ўзарo боғлиқ. Менга осудалик ва йигинчоқлик зарур. Шарль (Манфред Боденнинг радиочақириғи)».

У дунё билан мулоқот соҳасидаги сўнги янгиликлар ҳозирча шу. Улимдан кейинги ҳаёт мавзусидаги мақола-мизни ҳам то янги хабарлар олингунча якунлаб турсак.

## МУЧАЛНОМА

### ҚАЙСИ ЙИЛЛАРДА САРКАРДАЛАР ТУҒИЛАДИ?

Мучалнинг қайси йилларида туғилган одамлар қандай қобилиятларга эга бўлишини ўрганиш шуни кўрсатдики, Товуқ, Илон ва Сигир йилларида туғилган эркаклар бошқарилувчи оқилонга жанговарлик, Қуён, Қўй ва Тўнғиз йилларида туғилганлар эса романтик жанговарлик соҳиб бўлишар экан. Бу фикрга қандай қарайсиз, муҳтарам муштарий?

Хавф-хатар чоғлари ақлий фаолиятнинг кучайиб кетиши жанговарлик мезони ҳисобланади. Бу ўринда гап инсоннинг ҳақиқий имкониятларини ишга солиш ҳақида бораёпти. Психолог Б. Теплов шундай деб ёзади: «Одатда, жиддий хавф туғилган пайтлар кўрқув ҳисси уйғониб, ақлий фаолиятнинг сифати ва маҳсулдорлиги камайиб кетади, деган тушунча бор. Ҳар қандай йирик саркарда мисолида эса бунинг айнан аксини кўрамиз: хавф-хатар ақл ишини сусайтириш ўрнига, аксинча, кучайтириб юборади».

«Хавф-хатар ошгани сайин Наполеоннинг ғайрати ҳам ошиб бораверарди», деб ёзади А. Тарле.

СИГИР йилида дунёга донғи кетган саркардалар туғилишган: Искандар Зулқарнайн (милoddан аввалги 356 йил), М. Кутузов (1745), Наполеон (1769), генералиссимус А. Меньшиков (1673), генерал А. Брусиллов (1853).

ИЛОН йилининг саркардалари ҳам машҳур, лекин уларда назарияга мойиллик жуда кучли: Румянцев-Задунайский (1725), Барклай де Толли (1761), йирик назариётчи Альфред фон Шлифен (1833), М. Тухачевский (1893).

Бироқ бу борада Товуқ, Илон ва Тўнғиз йилларига тенг келадиган йил йўқ барибир. Зотан, Товуқ йили А. Суворов (1729), А. Ермолов (1777), П. Багратион (1765), М. Фрунзе (1885) каби атоқли саркардаларни берган дунёга.

Улуғ Ватан уруши саркардаларининг буюк бешлиги ҳам айнан ТОВУҚ йили фарзандларидир — маршаллар Говоров, Конев, Мерецков, Соколовский, Баграмянларнинг бари 1897 йилда туғилишган. Бу ўринда фуқаролар урушида доврў қозонган қўмондонларни ҳам эсламай бўлмайди. Алкс-

нис, Вацетис, Фёдко — Товуқ; Белов, Седякин, Великанов, Каменев, Халепский — Илон; Дибенко — Тўнғиз йилида туғилган. Уборевич, Якир ва Дубовой бу гуруҳда алоҳида ўрин тутишад — улар Маймун йилида туғилишган.

МАЙМУН йили саркардалари Товуқдан кейин (Қўй учинчи ўринда) энг юқори тезликда фикрлаш қобилиятига эгаки, урушда бу ўта муҳим хусусиятдир. Бундан ташқари, амалий тафаккур соҳиб эканликлари ҳам Товуқ йили саркардаларини энг биринчи ўринга олиб чиққан.

Фуқаролар уруши сингари Улуғ Ватан уруши ҳам МАЙМУН йили саркардалари — Жуков ва Рокоссовскийларни шухратга буркади. Бироқ шу йил туғилган саркардалар орасида омадсизлар ҳам учрайди, ваҳоланки ТОВУҚ йили саркардалари орасида янглишганлар умуман тарихда йўқ.

Биобарин, биз шоирлар айтмоқчи, жасурларнинг телбаворлигини эмас, балки омилкорлигини, ақли тийрақлигию фикри тезлигини ша-рафламоғимиз лозим.

Ежемесячный научно-популярный журнал АН УзССР «Фан ва турмуш» (Наука и жизнь) № 5 (439) 1991 г.

Қўлёзма ва расмлар Саҳифаловчи Ҳалима УСМОН қизи қайтарилмайди Бадиий муҳаррир Уста ВАЛИ

Ойномамиз мақоаларидан фойдаланилганда «Фан ва турмушдан олинган» деб кўрсатилиши шарт.


Унвонимиз: 700000. Тошкент ГСП(П) Гоголь кўчаси, 70-уй

Телефон: 33-07-05.

Теришга 18.03.1991 йилда берилди. Босишга 19.04.1991 йилда рухсат этилди. Қоғоз 60×90<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Ботиқ босма қоғози. Шартли босма т. 4,0. Шартли рангли намуналар 10. Нашриёт-ҳисоб т. 5,0. Нусхаси 377771. Буюртма № 5125. Нашр № 575. Обуна нархи 60 т. Чакана нархи 80 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси, Тошкент шаҳри, ГСП, 700083, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

© «Фан ва турмуш»



## НАФОСАТ ОЛАМИДА

Кримтатар ўғ-  
лони Жевдет  
Тахтаров узок  
йиллар мобайнида  
жумҳурият ойнаи жа-  
ҳонида сахна асарла-  
рини тасвир билан бо-  
йитиб келди. Табиат  
ошифтаси бўлмиш му-  
саввир унинг гўзалли-  
гидан илҳомланиб, ўз  
таассуротларини мўй-  
қалам орқали қоғозга  
туширади. Талай ба-  
дий асарлари эса Бу-  
туниттифоқ ва жумҳу-  
рият кўргазмаларида  
намоён қилинган.  
Ж. Тахтаровнинг «Ҳов-  
ли», «Лолалар очилди»,  
«Тоғда баҳор» асарла-  
рини Сиз, муҳтарам  
мухлислар диққатига  
ҳавола этдик.



● Бозор иқтисодиётига «Фан ва турмуш» ҳам ўз ҳиссасини қўшишга аҳд қилди. Шундан эътиборан ойнама реклама бурчагини очдики, бу саҳифалар орқали майда, қўшма, хусусий корхона ва тижорат муассасалари ўз маҳсулотини етти иқлимга кўз-кўз қилаверишлари мумкин.

# РЕКЛАМА



ISSN 0134-4560 ИНДЕКС 75421  
 Чакана нархи 80 тийин  
 Обуна нархи 60 тийин

Сураткаш Сергей ДАВИДОВ.

**ФАН. ВА. ТУРМУШ**